4. Тулаходжаева М., Илхомов Ш.И. Аудит. Ўқув қўлланма.– Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. - 170 б.

5. Pardayev M.Q., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O’quv qo’llanma.– Т.: Mehnat, 2004. -490 б.

#### **5-мавзу. Корхоналар молиявий натижаларини таҳлил қилиш (4 соат)**

5.1. Корхона молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий кўрсаткичлари

5.2. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва уларнинг турлари.

5.3. Маҳсулот (иш ва хизматлар)ни сотишдан олинган молиявий натижа ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

5.4. Давр харажатларининг таҳлили.

5.5. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадлар ва харажатлар таҳлили.

5.6. Рентабелликнинг кўрсаткичлар тизими ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** Жамоада ишлаш, балик скилети, кейс стади.

#### **5-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Subramanyam, K. R. Financial statement analysis. Eleventh edition. 2014 by McGraw-Hill Education. 814 p.

2. Alvin A. Arens, Randal J. Elder, Mark S. Beasley. Auditing and assurance services: an integrated approach. 14 th edition. 2012 by Pearson Education, Inc. 889 p.

3. Подольский В.И. Аудит: Учебник для вузов. М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2008, - 420 с.

4. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik. –Т.: TDIU, 2010.-265 б.

5. Тулаходжаева М.,Илхомов Ш.И. ва бошқалар. Аудит.Дарслик.1-2 жилд. – Т.: Норма, 2008.

#### **6-мавзу: Аудитнинг моҳияти, зурурлиги ва ахамияти.**

6.1.Аудит ва аудиторлик фаолиятининг моҳияти.

6.2.Ўзбекистон Республикасининг молиявий назорат тизимида аудитнинг тутган ўрни.

6.3.Аудит мақсади ва вазифалари. Аудиторлик фаолиятининг ривожланиш босқичлари.

6.5.Аудит ва тафтиш, уларнинг ўхшашлик ва фарқли томонлари.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** ақлий ҳужум, бахс, музокара

### **6-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Subramanyam, K. R. Financial statement analysis. Eleventh edition. 2014 by McGraw-Hill Education. 814 p.
2. Alvin A. Arens, Randal J. Elder, Mark S. Beasley. Auditing and assurance services: an integrated approach. 14 thedition. 2012 by Pearson Education, Inc. 889 p.
3. Бердникова Т.Б. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. –М.: Инфра-М., 2010. -293 с.
4. Тулаходжаева М., Илхомов Ш.И. Аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. - 170 б.
5. Pardayev M.Q., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O’quv qo’llanma. – Т.: Mehnat, 2004. -490 б.

### **7-мавзу: Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолияти ва уни тартибга солиш.**

7.1. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими, унинг элементлари. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва унинг аҳамияти.

7.3. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторларининг миллий ассоциацияси (ЎБАМА) ва унинг фаолият йўналишлари. Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси (ЎАП) ва унинг фаолияти. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари.

7.4. Операцион аудит. Мувофиқлик аудити. Молиявий ҳисобот аудити. Ички ва ташқи аудит.

7.5. Мажбурий аудиторлик текшируви. Ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текшируви. Назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббусига кўра аудит ўтказиш хусусиятлари.

7.6. Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари.

7.7. Аудит ва тафтишнинг фарқлари.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** ақлий ҳужум, бахс, “Аудит ХР” Комплекс аудит дастурий таъминоти.

### **7-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Subramanyam, K. R. Financial statement analysis. Eleventh edition. 2014 by McGraw-Hill Education. 814 p.
2. Alvin A. Arens, Randal J. Elder, Mark S. Beasley. Auditing and assurance services: an integrated approach. 14 thedition. 2012 by Pearson Education, Inc. 889 p.
3. Бердникова Т.Б. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. –М.: Инфра-М., 2010. -293 с.
4. Тулаходжаева М., Илхомов Ш.И. Аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. - 170 б.
5. Pardayev M.Q., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O’quv qo’llanma. – Т.: Mehnat, 2004. -490 б.

## **8-мавзу. Аудиторлик стандартлари ва аудитнинг услубияти.**

8.1. Аудиторлик стандартларининг ахамияти ва мақсади. Аудитнинг халқаро стандартлари.

8.2. Аудиторлик ташкилотлари томонидан миждозларни танлаб олиш.

8.3. Аудиторлик текшириувини ўтказиш тўғрисида шартнома, дастлабки келишувлар.

8.4. Аудиторнинг миждоз олдидаги маждбурият хати.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** ақлий хужум, бахс, музокаралар.

### **8-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Subramanyam, K. R. Financial statement analysis. Eleventh edition. 2014 by McGraw-Hill Education. 814 p.

2. Alvin A. Arens, Randal J. Elder, Mark S. Beasley. Auditing and assurance services: an integrated approach. 14th edition. 2012 by Pearson Education, Inc. 889 p.

3. Бердникова Т.Б. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. –М.: Инфра-М., 2010. -293 с.

4. Подольский В.И. Аудит: Учебник для вузов. М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2008, - 420 с.

5. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik. –Т.: TDIU, 2010. -265 б.

6. Тулаходжаева М., Илхомов Ш.И. Аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. - 170 б.

### **9-мавзу. Аудиторлик текшируви стратегияси.**

9.1. Аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш.

9.2. Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши. Аудиторлик хулосасининг тузилиши.

9.3. Аудитда жиддийликни аниқлаш.

9.4. Аудиторлик таваккалчилиги ва ички назорат тизимини баҳолаш.

9.5. Аудитда эксперт ишларидан фойдаланиш.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** ақлий хужум, бахс, музокаралар, “Аудит ХР” Комплекс аудит дастурий таъминоти.

### **9-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Subramanyam, K. R. Financial statement analysis. Eleventh edition. 2014 by McGraw-Hill Education. 814 p.

2. Alvin A. Arens, Randal J. Elder, Mark S. Beasley. Auditing and assurance services: an integrated approach. 14th edition. 2012 by Pearson Education, Inc. 889 p.

3. Подольский В.И. Аудит: Учебник для вузов. М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2008, - 420 с.

4. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik. –Т.: TDIU, 2010. -265 б.

5. Тулаходжаева М., Илхомов Ш.И. Аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. - 170 б.

**10-мавзу: Аудитнинг технологияси. Фирибгарлик ва хато.**

10.1.Аудиторлик танлови.

10.2 Аудиторнинг иш сифатини назорат қилиш.

10.3.Аудиторлик маълумотлар ва далиллар.

10.4.Аудиторнинг иш хужжатлари.

10.5.Фирибгарлик ва хато

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** аклий ҳужум, баҳс, музокаралар, “Аудит ХР” Комплекс аудит дастурий таъминоти.

**10-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Subramanyam, K. R. Financial statement analysis. Eleventh edition. 2014 by McGraw-Hill Education. 814 p.

2. Alvin A. Arens, Randal J. Elder, Mark S. Beasley. Auditing and assurance services: an integrated approach. 14 th edition. 2012 by Pearson Education, Inc. 889 p.

3. Подольский В.И. Аудит: Учебник для вузов. М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2008, - 420 с.

4. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik. –Т.: TDIU, 2010. -265 б.

5. Тулаходжаева М., Илхомов Ш.И. Аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. - 170 б.

**11-мавзу. Аудиторлик текширувнинг яқунланиши, аудиторлик хулосаси.**

11.1.Аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш.

11.2.Аудиторлик хулосаси ва ҳисоботи. Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши. Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисми. Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисми. Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми

11.3.. Аудиторлик ҳисоботи учун жавобгарлик.

11.4.Аудиторлик хулосасининг тузилиши. Аудиторлик хулосасида адресат.

11.5.Аудиторлик хулосасининг кириш қисми. Аудиторлик хулосасининг қайд этиш қисми. Аудиторлик хулосасининг якуний қисми.

11.6.Аудиторлик хулосасининг санаси. Аудиторлик хулосасидаги имзолар. Аудиторлик хулосаларининг турлари.

11.7.Ижобий аудиторлик хулосаси. Салбий аудиторлик хулосаси. Аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиш. Аудиторлик хулосаси учун жавобгарлик.

**Қўлланиладиган таълим технологиялари:** аклий ҳужум, баҳс, музокаралар.



1. Subramanyam, K. R. Financial statement analysis. Eleventh edition. 2014 by McGraw-Hill Education. 814 p.
2. Alvin A. Arens, Randal J. Elder, Mark S. Beasley. Auditing and assurance services: an integrated approach. 14 th edition. 2012 by Pearson Education, Inc. 889 p.
3. Подольский В.И. Аудит: Учебник для вузов. М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2008, - 420 с.
4. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik. –Т.: TDIU, 2010. -265 б.
5. Тулаходжаева М., Илхомов Ш.И. Аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. - 170 б.

### **12-мавзу. Активлар аудити.**

- 12.1.Узоқ муддатли активлар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш.
- 12.2.Асосий воситалар аудити хусусиятлари ва ундаги аудит амаллари.
- 12.3.Молиявий инвестициялар аудитининг хусусиятлари ва амаллари.
- 12.4.Жорий активлар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш кетма-кетлиги.
- 12.5.Товар-моддий захиралар аудитининг хусусиятлари ва амаллари.
- 10.1.Пул маблағлари аудитининг хусусиятлари ва амаллари.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** Жамоада ишлаш, кейс стади.

### **12-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Subramanyam, K. R. Financial statement analysis. Eleventh edition. 2014 by McGraw-Hill Education. 814 p.
2. Alvin A. Arens, Randal J. Elder, Mark S. Beasley. Auditing and assurance services: an integrated approach. 14 th edition. 2012 by Pearson Education, Inc. 889 p.
3. Берднюкова Т.Б. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. –М.: Инфра-М., 2010. -293 с.
4. Тулаходжаева М., Илхомов Ш.И. Аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. - 170 б.
5. Pardayev M.Q., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O’quv qo’llanma. – Т.: Mehnat, 2004. -490 б.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** ақлий хужум, бахс, музокаралар, “Аудит ХР” Комплекс аудит дастурий таъминоти.

### **13-мавзу: Мажбуриятлар аудити.**

- 13.1.Ҳисоб-китоблар аудитининг мақсади, вазифалари ва маълумот манбалари.
- 13.2.Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар аудити.
- 13.3.Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар аудити.
- 13.4.Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудити.
- 13.5.Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар аудити. Даъволар ва олинган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити.

13.6.Бюджет билан ҳисоб-китоблар аудити

13.7.Ижтимоий суғурта ва таъминотга доир ҳисоб-китоблар аудити.

17.8.Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар аудити.

17.9.Банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар аудити.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** ақлий хужум, баҳс, кейс стади, “Аудит ХР” Комплекс аудит дастурий таъминоти.

### **13-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Subramanyam, K. R. Financial statement analysis. Eleventh edition. 2014 by McGraw-Hill Education. 814 p.

2. Alvin A. Arens, Randal J. Elder, Mark S. Beasley. Auditing and assurance services: an integrated approach. 14 th edition. 2012 by Pearson Education, Inc. 889 p.

3. Подольский В.И. Аудит: Учебник для вузов. М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2008, - 420 с.

4. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik. –Т.: TDIU, 2010. -265 б.

---

МАВЗУЛАР БЎЙИЧА МАТН АННОТАЦИЯСИ ВА ОХИРГИ ЯНГИЛИКЛАР

---

## 1-МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ

### Режа:

- 1.1. Иқтисодий таҳлилнинг предмети.
- 1.2. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари.
- 1.3. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни.

**Таянч сўз ва иборалар:** Таҳлил, иқтисодий таҳлил, иқтисодий таҳлил объекти, иқтисодий таҳлил предмети, иқтисодий таҳлил вазифалари, омиллар, омилли таҳлил, иқтисодий таҳлил фанининг мазмуни, таҳлил бошқарувнинг муҳим функцияси эканлиги, иқтисодий таҳлил фани предметининг таърифи, иқтисодий таҳлилнинг вазифалари, таҳлил объекти, таҳлил субъекти.

### 1.1. Иқтисодий таҳлилнинг предмети

Фаннинг предмети, деганда шу фанда нима ўргатилиши тушунилади. Ҳар қандай мустақил фан ўзининг предметиға эга. Иқтисодий таҳлил фанининг предметиға кенг маънода қарайдиган бўлсак, у иқтисодий фан сифатида таҳлил қилинаётган объект (корхона, бирлашма, компания, акциядорлик жамияти, концерн, корпорация кабилар) хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини (иқтисодий, ижтимоий, техник, технологии ва ҳ.к.) ўз ичига олади.

**Иқтисодчи олима Г.Савицкаянинг фикрича:** “Таҳлил фани хўжалик фаолиятида содир бўлаётган барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўз ичига олади. Аммо бу жараёнларнинг содир бўлиш пайтини эмас, балки унинг натижасини ўрганеди”<sup>2</sup>. Объектда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар унинг бизнес режасида кўзда тутилган маълумотга асосланса, жараённинг содир бўлишини қонуний жиҳатдан ҳужжатлаштириш билан бухгалтерия ҳисоби, статистика каби фанлар шуғулланади. Шу жараёнларнинг натижаси маълум даврларда (ой, чорак, йил) жамланиб борилади ва турли ҳисоботларда ўз аксини топади. Таҳлил эса айнан ана шу тузилган ҳисоботларга, жамланган ҳужжатларга асосланади

**Шундай қилиб,** иқтисодий таҳлил фанининг предмети, хўжалик фаолиятида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар таъсирида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни маълумотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар тизими (системаси) орқали унинг ҳолатига баҳо бериш ва яхшилаш йўлларини ишлаб чиқишни ўрганишдан иборатдир.

Таҳлилнинг предметида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар алоҳида ўрин тутаяди, чунки иқтисодий жараёнлар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Улар маълум ички ва ташқи омиллар таъсири остида рўй беради. Шу омиллар таъсирини бошқа фанлар ўргатмайди. Бу фақат таҳлил фанида ўрганилади ва

<sup>2</sup> Савицкая Г.В. Теория экономического анализа. Учебное пособие. –М.: ИНФРА, 2010.-354 с.

унинг предметининг асосини ташкил қилади. Шунингдек, хўжалик фаолияти натижасига тўғри баҳо бермасдан, унга таъсир қилган ижобий ва салбий омилларни ўрганмасдан туриб кўзда тутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу туфайли таҳлил фани предметининг марказида объектив ва субъектив омилларни ўрганиш лозимлиги қайд қилиниши бежиз эмас.

Ҳар қандай фаннинг объекти бўлиши лозим. Фаннинг объекти унинг предмети қаерларда амалга ошишини кўрсатади. Таҳлил фанининг предмети ҳозирги бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда кўп мулкчиликка асосланган барча юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятида мужассам. Шу туфайли иқтисодий таҳлил фанининг объектига давлат, жамоат ташкилотлари, корпорациялар, трестлар, биржалар, корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар киради.

## 1.2. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни бошқаришда иқтисодий таҳлилнинг роли кескин ошмоқда, чунки, бошқарув тизимида олдинги маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечилиб, янги, эркин иқтисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланмоқда. Режали иқтисодиётда таҳлил асосан режа кўрсаткичларини асослашга, унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган бўлса, бозор иқтисодиётида эса ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан қатъий назар ўз фаолиятини юқоридан берилган буйруқни бажаришга қаратмасдан, балки, мустақил равишда ўзининг иқтисодий қудратини такомиллаштириш мақсадида эркин бошқаришга қаратади. Бу эса ўз навбатида иқтисодий таҳлилнинг ролини янада оширади. Иқтисодчи олима А.Алексееванинг фикрича: “ Иқтисодий таҳлил орқали ҳар бир субъектда мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларни амалиётга сафарбар қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади”<sup>3</sup>.

Ҳар бир фаннинг вазифаси иқтисодий шарт шароитга қараб белгиланиб борилади, лекин у олдида қўйилган вазифаларни тўлиқ ва кенг ҳал этиш учун қатор услубларни қўллайди.

**Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат:**

1) бизнес-режанинг қанчалик реаллиги (мавжудлиги) ва илмий жиҳатдан асосланганлигига баҳо бериш;

2) халқ-хўжалигини ривожлантиришнинг жорий ва истиқбол режаларини тузиш учун иқтисодий кўрсаткичлар базасини аниқлаш;

<sup>3</sup>Алексеева А.И. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности. Учебное пособие. –М.: Финансы и статистика, 2010.

3) бизнес-режасининг бажарилишига объектив баҳо бериш ҳамда уни бажаришда корхоналарга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар ва сабабларни бир-биридан ажратиб аниқлаш;

4) ички хўжалик резервларини аниқлаш (бу ўринда таҳлилнинг самараси, биринчидан, аниқланган резервларни бутун назарий жиҳатдан асосланган резервларга нисбати ва иккинчидан, амалга оширилган резервларнинг аниқланган резервларга нисбати билан белгиланади);

5) корхоналарнинг хўжалик фаолиятида кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаш;

6) таҳлил материалларига асосан ишлаб чиқаришда аниқланган камчиликларни тузатишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш.

### 1.3. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни

Хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш фани кўп асрлик тарихга эга бўлган бухгалтерия ҳисоби ва статистика каби фанлар асосида вужудга келган, бу учун эса объектив шарт-шароитлар яратилган. Корхоналарни тўғри, оқилона бошқариш, унинг молиявий ҳолатини яхшилаш, рақобатбардошлик қувватини ошириш хўжалик фаолиятини чуқурроқ ўрганишни талаб қилди. Бу эса бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботларда ифодаланган баъзи кўрсаткичларга изоҳ беришни талаб қилди. Булар эса ўз навбатида ҳозирги таҳлил фанининг вужудга келиши учун объектив асос бўлган.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани мустақил фан сифатида шаклланишга қадар ўзига хос тарихга ва бир қанча номларга эга бўлди. Иқтисодий таҳлилнинг вужудга келиш тарихи, бу бўйича нашр қилинган адабиётлар, унинг фан сифатида шаклланиши ва номининг ҳам такомиллашиб борганлигидан далолат беради. Шундай қилиб таҳлил фани вужудга келгунча бир қанча эволюцион йўлни босиб ўтди. Ниҳоят у фан сифатида шаклланди. Эндиги вазифа бу фанга тўғри ном танлашдан иборат эди. Бу борада анча ижодий тортишувлар ҳам бўлди. Бир гуруҳ олимлар бу фаннинг номини «Иқтисодий таҳлил» деб аташни тавсия қилдилар<sup>4</sup>. Бунда ушбу фан корхонанинг бутун иқтисодини ўргатади, деб асосладилар. Иккинчи гуруҳ олимлар эса ушбу фаннинг номини «Социал-иқтисодий таҳлил» деб аташни тавсия қилдилар. Шу туфайли ушбу фан иқтисодий жараёнларни ижтимоий (социал) жараёндан ажратиб бўлмайди, деб ўрганади.

**Иқтисодий таҳлил фанини яратилиш даврларини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин.**

1.1-давр. 20 асрнинг 60-йиллари.

2.2-давр. 70-йиллар.

<sup>4</sup>Алексеева А.И. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности. Учебное пособие. –М.: Финансы и статистика, 2010.

3.3-давр. 80-йиллар.

4.4-давр. 90-йилларнинг бошлари.

5.5-давр. Мустақиллик йиллари.

Мустақил Республикамиз ўзининг мустақил фанларига ва ҳар бир фан ўзининг яратилиш тарихига эга бўлиши керак. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани бошқа фанлар сингари Ўзбекистонда ҳам ўз тарихига эга. Бу фан собиқ иттифоқ таркибидаги бошқа Республикалар сингари Ўзбекистонда ҳам унинг таркибида шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ўзига хос ва мос бозор иқтисодиётига асосланган тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу эса олимлардан бозор иқтисодиётига оид адабиётларни яратиш вазифасини талаб қилади. 1991 йилда И. Т. Абдукаримов, М. К. Пардаев ва Ш. У. Ҳайдаровлар ҳамкорликда **«Янги хўжалик юритиш шароитида кооператив савдода даромадлар таҳлили»** рисоласини чоп этди. Бундан ташқари А.Х.Шоалимовнинг 1992 йилда **«Саноат корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили»** ўқув қўлланмаси, 1993 йилда З. Н. Курбоновнинг «Бозор иқтисодиёти шароитида савдода бухгалтерия учёти ва иқтисодий таҳлил» монографияси ҳам чопэтилди.

1995—1999 йилларда Ўзбекистонда «Иқтисодий таҳлил» фанининг асосий соҳаси бўлган молиявий таҳлилга бағишланган бир қанча адабиётлар чопэтилди. Булар жумласига М. Қ. Пардаевнинг **«Молиявий таҳлил методологияси»** (Самарқанд, 1997), А. Иброҳимовнинг **«Молиявий таҳлил»** (Т.: Мехнат, 1995) И. Т. Абдукаримовнинг **«Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари»** (Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр уйи, 1998, иккинчи нашри 1999 йилда), И.-О. Волжин ва В. В. Ергашбоевларнинг **«Молиявий таҳлил»** (Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр уйи, 1998), М. Қ. Пардаев ва Б. И. Исроиловларнинг **«Молиявий таҳлил»** (Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр уйи, 1999) **«Иқтисодий таҳлил»** (Т.: “Мехнат” нашриёти, 2004) каби китобларни киритиш мумкин.

Ҳозирги пайтда жуда кўп олимлар бу фаннинг номини **«Иқтисодий таҳлил»** деб атамоқда. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, республикамизда иқтисодий таҳлил фанининг равнақи ўзига хос тарихга эга. Бу фан борасида тегишли мактаб шаклланди. Бироқ, бу фаннинг равнақи, унинг келажаги олдинда.

Иқтисодий таҳлил ўз мазмуни жиҳатидан турличадир. Таҳлилнинг икки хил йўналиши мавжуд: молия - иқтисодий ва техник - иқтисодий. Молия иқтисодий таҳлилда бизнес-режанинг бажарилишига таъсир кўрсатувчи (техника, технология, ишлаб чиқаришни ташкил этиш) каби омиллар ўрганилмайди. Техник-иқтисодий таҳлилда эса техника ва технология ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид ҳамма масалалар ҳар томонлама ва чуқур ўрганилиб, унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўрсатган таъсири ҳам аниқланади.

Таҳлил корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятининг ҳамма томонларини ўз ичига олган умумий ҳамда ишнинг қандайдир бирор томони ёки корхонанинг бир

неча бўғинларини ўз ичига олган танланма (тематик) бўлади. Шунингдек, йирик масалаларга бағишланган, корхонанинг кундалик ишини ўрганишга ва ички имкониятларини топишга қаратилган тезкор таҳлил бўлади.

**Қабул қилинадиган қарорларнинг характериға қараб, таҳлил қуйидагиларға бўлинади: дастлабки, тезкор, якуний ва истиқболли.** Таҳлил ўтказиш муддатлари (ҳар куни, бир ойда ва бир йилда) ёки зарур бўлишиға қараб аҳён-аҳёнда олиб борилиши мумкин.

**Иқтисодий таҳлил ўтказишнинг 3 босқичи мавжуд:**

1)корхона фаолиятининг умумий иқтисодий натижаларини кўриб чиқишдан бошланади, чунки у ишнинг самарадорлигини аниқлаш, ўтган даврларға нисбатан ўзгаришларни, корхона фаолиятининг бошқа томонларини билиш имконини беради;

2)бизнес-режанинг бажарилиш даражасига таъсир этувчи энг муҳим омилларни текшириш натижасида ички хўжалик резервларини аниқлаш;

3)таҳлилий текширишлар натижаларини умумлаштириш ва шу асосда бутун резервларни ўз ичига олган йиғма резервларни ҳисоблаш. (тўплам резервлар).

**Назорат учун саволлар:**

1.Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг тавсифи.

2.Иқтисодий таҳлил қилишда 2 тур йўналишда - бошқарув (ички) ва молиявий(ташқи) таҳлилнинг вазифалари.

3.Иқтисодий таҳлилнинг босқичлари.

4.Иқтисодий таҳлилнинг предмети.

5.Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлилнинг вазифалари.

## **2-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ МЕТОДИ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АНЪАНАВИЙ УСУЛЛАР**

2.1. Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унингўзига хос хусусиятлари.

2.2. Иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар

2.3. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар ва уларни гуруҳларғаажратиш.

2.4. Иқтисодий таҳлилнинг махсус усуллари

2.5. Иқтисодий - математик усулларни таҳлилда қўллашнинг зарурияти

**Таянч сўз ва иборалар:** иқтисодий таҳлил фани методининг тушунчаси, таҳлил методининг ўзига хос муҳим хусусиятлари, иқтисодий таҳлилнинг иқтисодий-математик усуллари, таҳлилнинг оддий-анъанавий усуллари, таққослаш усули, гуруҳлаштириш усули, мутлақ ва нисбий фарқларни аниқлаш усули, балансли боғланиш усули, занжирли боғланиш усули.



## 2.1. Иқтисодий таҳлилнинг методи


Ҳар бир фаннинг методи объектив борлиқнинг, табиат ва жамиятнинг ривожланишини ўрганишга қандай ёндошиш лозимлигини кўрсатади.

Метод грекча “methodos” сўздан олиниб, назария, таълимотва амалиётни ўрганишдаги ёндошув йўллари дир.

Иқтисодий таҳлилнинг услубий асослари диалектика ва иқтисодий назария фанига таянади.

**Иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш жараёнида диалектик билиш усули - анализ ва синтез, дедукция ва индукция усуллари дан фойдаланилади. (2.1-чизма)**


### 2.1-чизма. Диалектик билиш усуллари.



**Иқтисодий таҳлил услуби деганда эса, бизнес-режанинг бажарилишига ва маҳсулот ҳажмининг ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни системали ва комплекс тарзда ўрганиш, ўлчаш ва умумлаштириш усули бўлиб, улар ҳисоб, ҳисобот ва ҳисобдан ташқари маълумотларни махсус усуллар орқали қайта ишланиб, амалга оширилиши тушунилади.**

Маълумки, таҳлил қилинаётган объектнинг фаолиятига ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Шунини таъкидлаш лозимки, таҳлилда омиллар деганда у ёки бу иқтисодий кўрсаткичга ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатувчи фаол ҳаракат қилувчи кучлар назарда тутилади. «Сабаб» термини нисбатан кенг кўламдаги комплекс омиллар тизимига нисбатан қўлланилиб, ана шу комплексни ташкил этувчилар эса омиллар, деб аталади.

Улар ўз навбатида иқтисодий мазмуни бўйича **миқдор ва сифат омилларга бўлинади (3.2.-чизма)**



Хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш имкониятини аниқлашда ижобий таъсир этувчи омиллар ҳаракатини кучайтириш ва уларнинг салбий таъсирини тугатиш **резервлар** деб аталади.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсад резервларни аниқлашдир. Резервларни аниқлашни осонлаштириш учун уларни илмий асосда туркумлаш керак. **Резервлар қуйидагилардан иборат: халқ хўжалиги, тармоқ, регионал (ёndoш) ва ички хўжалик резервлари.** Айтайлик, машинасозлик саноатида маҳсулот таннархини арзонлаштириш борасида бўлган катта резервлардан бири - рангли металлларни пластмассалар билан алмаштириш ҳисобланиб, бу ўз навбатида кимё саноатини янада ривожлантиришни тақозо қилади. Шу сабабли бундай резервлар халқ

хўжалиги резервлари қаторига киради. Ихтисослаштириш даражасини ошириш эса тармоқ резервлари қаторига кириб, у асосан вазирликларга боғлиқдир. Регионал резервларга, айтайлик, бир маъмурий районда жойлашган турли бошқармаларга қарашли саноат корхоналарини кооперативлаштириш мисол бўлаолади. Ички хўжалик резервларини аниқлаш ва уларни хўжалик айланмасига йўналтиришда корхоналар катта имкониятларга эга. Бу эса асосан уч гуруҳ ишлаб чиқариш ресурслари, (меҳнат ресурслари, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари) омилларидан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ.

**Дедуктив усул** асосан молия – иқтисодий таҳлилда қўлланилади. Бунда аввало хўжалик фаолиятини белгиловчи умумий кўрсаткичлар ўрганилиб, сўнгра улар бўлақларга бўлинади. Кўрсаткичларни бўлақларга бўлиш аслини олганда таҳлил демакдир.

**Индуктив усул** кўпинча техник-иқтисодий таҳлилда қўлланилади, яъни аввал, айрим олинган иш участкаларидаги кўрсаткичлар ҳар томонлама текширилиб, сўнграана шу аниқ кўрсаткичлардан корхонанинг хўжалик фаолиятини белгиловчи умумлашган иқтисодий кўрсаткичлар даражасига чиқилади.

**А.Алексееванниг фикрича: “Иқтисодий таҳлил усули мазкур предметни ўрганиш жараёнига умумий жиҳатдан ёндошишдир. Шу сабабли таҳлил усулини унга бўйсинувчи махсус усуллари билан аралаштириб бўлмайди”<sup>5</sup>.** Зеро, аниқ шарт - шароит натижасида у ёки бу усулларнинг ўзгариши эҳтимолдан холи эмас.

**Иқтисодий таҳлил усулининг энг муҳим хусусиятлари куйидагилардан иборат:**

**1) Хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи техника, технология, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва барчаомилларни текширишни мунтазам ва комплекс тарзда ўрганишга ёндошиш,** таҳлил усулининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда мунтазам таҳлилни комплекс таҳлил билан алмаштириш асло мумкин эмас. Объектни иерархик усул (бўйсунуш тартиби) орқали бошқариш, масалан, цех корхонанинг, корхона бирлашманинг, бирлашма тармоқнинг бир қисми ва ҳоказо сифатида ўрганиш системали таҳлилга мисол бўлади. Комплекс таҳлилда барча кўрсаткичлар ўрганилади.

**2)Таҳлил усулининг ўзигахос характерли хусусиятларидан бири - иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳартомонлама бир-бирлари билан сабабий боғланишда эканлигидир.**

---

<sup>5</sup>Алексеева А.И. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности. Учебное пособие. –М.: Финансы и статистика, 2010. -586 с.

Бу борада таҳлилнинг вазифаси ана шу сабабларни аниқлашдир. Шунинг таъкидлаш керакки, ҳаттоайрим олинган иқтисодий кўрсаткичга бир қанча сабаблар таъсир кўрсатади. Бинобарин, бу сабаблар ҳаракатини аниқлаш жуда ҳам мураккабдир. Шу сабабли асосий ва ҳал қилувчи сабаб ва омиллар таъсирини аниқлаш керак. Шундай қилиб, таҳлилнинг дастлабки шартини хўжалик фаолиятига таъсир этувчи сабабларни иқтисодий белгиларига қараб тўғри туркумлаш зарур. Масалан, **товар маҳсулоти ҳажмининг ўсиш суръатига таъсир этувчи омиллар уч гуруҳга умумлаштирилади:**

**1) Мехнат омиллари.** Бунга корхонанинг ишчи кучи билан таъминланиши, иш вақтидан фойдаланиш ва мехнат унумдорлиги киради.

**2) Мехнат воситалари омилига** эса корхонанинг асосий фондлар билан қай даражада таъминланганлиги, уларнинг ҳажми, структураси (тузилиши), ўсиш суръатлари, техник ҳолати ва улардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси сингари масалалар киради.

**3) Мехнат предметлари омиллари.** Буларга корхонанинг хом ашё ва асосий материаллар билан таъминланганлиги, улардан фойдаланиш, самарадорлик даражаси каби масалалар киради. Юқорида санаб ўтилган омиллар ўзига хос мустақил маънога эга бўлиши билан бирга ўзаро бир-бири билан узвий равишда боғлангандир.

## **2.2. Иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар.**

- корхонанинг ташкилий-техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- молиявий салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- тўловга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг мустақамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг иқтисодий нозирлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхонанинг фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

**1. Корхонанинг ташкилий-техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларга** унинг ташкилий ҳолати, техник таъминот даражаси, ва ишлаб чиқариш жараёнининг технологик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар киради.

**2. Ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичларга қуйидагилар киради.**

- ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (натурал миқдори ва қийматида)
- товар маҳсулоти;
- маҳсулотни сотиш ҳажми.

**3. Молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичларга:**

Даромадлар, харажатлар фойда ва рентабеллик билан боғлиқ кўрсаткичлар киради.

**4. Иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичларга:**

Асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар.

**5. Молиявий салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичларга:**

Корхонанинг ўз маблағлари, унга тенглаштирилган маблағлар, четдан жалб қилинган узоқ ва қисқа муддатли маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар киради.

**6. Тўловга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларга:**

Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга корона балансининг ликвидлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар, кредитни тўлашга қодирлик каби кўрсаткичлар киради.

**7. Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга:**

Бу кўрсаткичлар корхона фаолиятининг қандай ривожланганлигини, бугунги аҳволи ва келажакда қандай бўлиши мумкинлигини ифодалайди. Бу гуруҳга:

- корхонанинг ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар,
- четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар,
- ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар,
- асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар

Айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар киради.

**2.3. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар ва уларни гуруҳларга ажратиш**

Иқтисодий таҳлил қилишда, маълумотларни қайта ишлашда турли-туман услублар қўлланилади. Бу услубларни қўллаш жараёнида таҳлил методининг асосий хусусиятлари комплекс ва системалашганлиги яққол кўринади. Хўжалик жараёнларининг умумий бирлиги, кетма-кетлиги ва айрим элементлардан иборатлиги таҳлил қилишда асосий эътиборда туради. Таҳлил усулларини қўллаш ўрганилаётган жараёнларнинг бир- бирига боғлиқлиги, ўзгариш сабаби, таъсир кўрсатган омиллар ва қўшимча сабабларни аниқлашга ёрдам беради.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аксарият, етук иқтисодчи олимларимиз таҳлилнинг усулларини иқтисодий адабиётларда шартли равишда икки гуруҳга ажратиш кўрсатишмоқда. **Иқтисодий таҳлилининг усулларини қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:**

**1. Аънанавий усуллар гуруҳи.**

**2. Иқтисодий-математик усуллар гуруҳи.**

Иқтисодий таҳлил усулларини қуйидаги жадвалда янада аниқроқ акс эттириш мумкин:

## 3.1-чизма. Таҳлилда қўлланиладиган усуллар таснифи.

Таҳлилда қўлланиладиган усуллар	
Анъанавий усуллар	Иқтисодий-математик усуллар
Солиштириш	Чизиқли
Фарқлаш	Корреляция ва регрессия
Баланс	Дастурлаш
Занжирли алмаштириш	Ўйин назарияси
Қайта ҳисоблаш	Ялпи хизмат назарияси
Интеграл	Матрицалаш
Индекс	
Нисбий кўрсаткичли ва бошқалар	

Анъанавий усуллар гуруҳига иқтисодий таҳлил пайдо бўлгандан буён анъанага айланиб, амалий тажрибада кенг қўлланилиб келаётган усуллар киритилади. Уларнинг таркибига мутлок ва нисбий фарқларни аниқлаш, таққослаш, гуруҳлаштириш, балансли боғланиш, занжирли боғланиш, индекс, фоизлар ва ҳоказо усулларни киритишимиз мумкин бўлади.

Иқтисодий-математик усуллар иқтисодий таҳлил фанининг такомиллашиб бориши натижасида вужудга келган бўлиб, бунда турли дастурий таъминотлар ва математик усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

**Таққослаш усули** - корхона фаолиятини таҳлил қилишнинг энг асосий усулидир, зеро «**барча нарса таққослашда аниқланади**». Бу усулни қўллаш билан таҳлил бошланади. Шу усул орқали таҳлил қилинаётган кўрсаткичларнинг фарқи аниқланади. Қолган барча усуллар солиштириш натижасида аниқланган фарқни исботлашга, аниқлашга қаратилган бўлади. *Солиштиришда асос қилиб миқдорлар олинади*. Чунки иқтисодиётнинг ўлчами миқдорларда ифодаланади. Масалан, ялпи ички маҳсулотнинг бир йиллик миқдори, товар оборотининг миқдори, миллий даромаднинг миқдори ва ҳ.о. Таҳлил қилиш учун миқдор кўрсаткичларининг барча турлари: *мутлақ миқдор, нисбий миқдор, ўртача миқдор* кабилар қўлланилади.

**Мутлақ миқдор** ҳар қандай миқдорнинг асоси, иқтисодий жараёнларни санайдиган ва ўлчайдиган бошланғич рақамдир. Масалан, корхоналар сони, корхонада ишлайдиган ходимлар сони, жиҳозлар сони, маҳсулотлар сони **санаш йўли билан** аниқланса, ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот, товар маҳсулоти, товар обороти кабилар **ўлчаш йўли билан** аниқланади. Бундай мутлақ миқдорлар **ҳажм кўрсаткичлари** деб аталади.

Мутлақ миқдорлардан таҳлилда асосан, қўшиш ва айириш амаллари ишлатилади.

**Нисбий миқдорлартаҳлил қилишда дастлабки ва якуний хулоса чиқариш учун асос бўлади.** Нисбий миқдорлардан таҳлилда фойдаланишда асосан, бўлиш ва кўпайтириш усуллари ишлатилади. Уларнинг ҳажмини солиштириш ва фарқини аниқлаш учун айириш амалидан фойдаланилади. Нисбий миқдор таҳлил жараёнида асосан, мутлақ миқдорларни бир-бирига бўлиш натижасида вужудга келади ва иқтисодий жараёнлар ҳақида аниқ маълумотларни беради. Масалан, бирор кўрсаткич бўйича режанинг бажарилиши, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, меъёрга нисбатан эришганлик даражаси.

**Ўртача миқдорлар** - иқтисодий жараёнлар алоҳида объектлар бўйича ўрганилганда вақтинчалик тасодифлар таъсирида бўлиши мумкин. М. Хом- ашё келмай қолганлиги сабабли, шу омил эвазига ишлаб чиқариш даражаси паст бўлиши мумкин. Шунга ўхшаш тасодифларни бартараф қилиш учун ўртача миқдорлардан фойдаланилади.

**Таққослаш усулларини санаб ўтамиз:**

- ҳақиқатдаги кўрсаткичларни бизнес-режа даражасидаги кўрсаткичлар билан таққослаш натижасида **бизнес-режанингбажарилиш даражаси ва сифати аниқланади;**

- жорий йилда амалдаги кўрсаткичларни ўтган давр ҳисоботи билан таққослаш натижасида **ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати аниқланади;**

- ишлаб чиқаришда энг мукаммал намунага эга бўлган корхонанинг иқтисодий модели билан таққослаш. Бу ўринда таққослаш комплекс тарзда олиб борилмайди, балки **ушбу корхонанинг айрим кўрсаткичлари билан таққосланади.**

- корхона ишининг якуни, илғор техник - иқтисодий меъёрлар, ўтган давр ҳисоботи айрим даврларда қилинган ишларнинг энг яхши натижалари ушбу корхонанинг илғор участкаларидаги иш натижалари, корхона ҳамда ушбу тармоқдаги илғор ишчиларнинг иш натижалари билан таққосланади;

- ушбу корхонанинг кўрсаткичлари тармоқ бўйича аниқланган ўртача кўрсаткичлар билан таққосланади.

**2016 йил учун маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича режанинг бажарилиши**  
**1-жадвал**

Маҳсулот тури	Ишлаб чиқариш ҳажми, млн сўмда		Режадаги фарқ (+; -)	
	режа	ҳақиқатда	Мутлақ, млн сўм	Нисбий %
А	300	327	+27	+9
Б	250	225	-25	-10
Ва ҳ.о.				
Жами	550	552	+2	+0.4

Ўтган давр ҳақиқатдаги маълумотларидан режа кўрсаткичларининг асосланганлигини текшириш учун фойдаланилади. Бунинг учун ўтган 5-6 йил

ҳақиқатдаги маълумотларининг ўртачаси жорий йилнинг режа маълумотлари билан таққосланади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлар шундан дарак берадики, режа бўйича А турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш етарлича асосланган ҳисобланади. Б турдаги маҳсулот эса, тўрт йиллик давр ўртачасидан ошиқча бўлиб, бозор талабига ҳам мос тушмаган. Шунинг учун мазкур кўрсаткич +39 (250-211) млн сўмга кўп белгиланган. Жорий йил режавий кўрсаткичларини бажарилиш ҳолатини 2-жадвалдан билиб олса бўлади.

2-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш (таққослама нархларда),  
млн сўм

Маҳсулот тури	Ўтган йиллар				Тўрт давр учун ўртачаси	Режа (келгуси давр)
	1	2	3	4		
А	280	300	300	320	300	300
Б	200	205	218	221	211	250
ва ҳ.о.						
Жами	480	505	518	541	511	550

Кўрсаткичларнинг ҳақиқатдаги даражасини режадаги билан қиёслаш корхона фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланилмаган резервларни аниқлаш учун ҳам зарур. Агар режа бўйича қандайдир тпдбир бажарилмаган бўлса, у ҳолда бунини маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишида, унинг таннархини пасайтириш, фойда ва рентабеллиги ошишини, фойдаланилмаган резервлари сифатида кўриб чиқиш мумкин. Масалан, аниқ Б маҳсулот бўйича инновацион чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (3-жадвал).

3-жадвал

Инновацион чора-тадбирлар режасининг бажарилиши

Тадбирлар	Режа бўйича	Ҳақиқатдаги	Режадан мутлақ фарк (+; -)	Режа бажарилиши (+; -)
Ускуналар модернизацияси	30	22	-8	-26

Ўрганилаётган ҳолатда янги технологиялар жорий этиш ва ускуналар модернизацияси бўйича режа бажарилмаган. Ушбу омилларнинг меҳнат унумдорлиги ўсишига таъсирини билган ҳолда, шунга боғлиқ равишда маҳсулотлар ҳажми қанчалик камайганлигини ҳисоблаш қийин эмас.



## 2.4. Иқтисодий таҳлилнинг махсус усуллари

Таҳлилнинг усули унга бўйсунувчи махсус усуллар орқали ифодаланилади. Корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда турли махсус усуллар қўлланилади. Шулардан энг асосийлари қуйидагилардир:

**а) гуруҳлаштириш.** У ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий текширишнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Гуруҳлаштириш, айниқса, амалий жиҳатдан ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Масалан, юқорида таъкидланганидек товар маҳсулоти ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи омилларни гуруҳлаштириш (меҳнат, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари омиллари) мисол бўлади.

**б) етакчи халқани ажратиб қўйиш усули.** Корхона фаолияти таҳлил қилинаётган вақтда ниҳоятда кўп далил ва ҳодисалар учрайдики, уларни тўла таҳлил қилиш имкони йўқлиги учун бу усулдан фойдаланилади. Бу усул у ёки бу ҳодисаларнинг сабабини аниқлашдан ташқари техникани ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради;

**в) мутлақ ва нисбий миқдорлар.** Мутлақ миқдорлар орқали иқтисодий кўрсаткичларнинг умумий ҳажми аниқланади. Нисбий кўрсаткичлар эса бизнес-режанинг бажарилиш даражасини ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатини белгилайди.

**г) динамика методи.** Муҳим ҳодисалар, жараёнларнинг ҳар бирини ривожланишида, деб қараш кераклигини кўрсатади. Демак, бу таҳлил қилиш жараёнида корхона фаолияти ривожланишда, деб қаралади ва бу билан унинг ишидаги айрим ўзгаришлари очилади;

**д) индекслар.** Улар ёрдамида маълумотларни қатор йиллар бўйича таққослаш мумкин. Бу ўринда базали ва занжирсимон индекслардан фойдаланилади.

**е) бартараф этиш (элиминирование) усули.** Хўжалик фаолиятига юқоридайтиб ўтилгандек жуда кўп омиллар таъсир қилади: асосий, қўшимча, ташқи ва ҳоказо. Бу усул ёрдамида ушбу омилларни бир-биридан ажратиб, алоҳида таҳлил қилишга имкон беради. Ушбу усул турли усуллар билан амалга оширилади, жумладан, занжирли боғланиш усули билан ҳам.

**ж) занжирли боғланиш усули.** Бу усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат: яъни ҳисоб формуласи таркибига кирган ўтган йил доирасидаги айрим олинган миқдорий кўрсаткичларни айнан шу кўрсаткичларнинг ҳақиқатдаги даражасига кетма-кет алмаштирилади. У ёки бу омилнинг таъсири кетма-кет айириш йўли билан аниқланади: иккинчи ҳисобдан биринчи ҳисоб айрилади, учинчи ҳисобдан иккинчи ҳисоб айрилади ва ҳоказо. Биринчи ҳисобда ҳамма кўрсаткичлар ўтган йил доирасида олинади, сўнгги ҳисобда эса - ҳақиқатдаги бажарилиши.

Занжирли боғланиш усулини қўллашни товар маҳсулотига таъсир этувчи меҳнат омилларини таҳлил қилиш орқали кўриб чиқишимиз мумкин. Таҳлил учун қуйидаги 3.1.- жадвали тузилади.

## Занжирли боғланиш усул

Тартиб сони		Ҳисоб формуласига кирувчи омиллар				Пировард нагжа – товар маҳсулотининг қиймати (минг сўм) [1ус*2ус*3ус*4ус]	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (минг сўм)
ҳисобни	боғланиши	Ишчиларнинг ўртача рўйхатдагисони(киши)	Биришчитомиданбирйилда ишланганкишукни (кун)	Ишкуниниўртача узунлиги (соат)	Биришчига тўғрикелувчисоатлишунуми (сўм, тийин)		
А	Б	1	2	3	4	5	6
1	-	х.ўт.й 1113	х.ўт.й 238	х.ўт.й 7,78	х.ўт.й 3,21	х.ўт.й 6615	-
2	1	х.ўт.й 1085	х.ўт.й 238	х.ўт. 7,78	х.ўт.й 3,21	ҳисоб 6449	- 166
3	2	х.х.й. 1085	х.х.й. 226	х.ўт. 7,78	х.ўт.й 3,21	ҳисоб 6124	- 325
4	3	х.х.й. 1085	х.х.й. 226	х.х.й. 7,73	х.ўт.й 3,21	ҳисоб 6084	- 40
5	4	х.х.й. 1085	х.х.й 226	х.х.й 7,73	х.х.й 3,65	ҳисоб 6905	+821

х.ўт.й. - ҳақиқатда ўтган йили.

х.х.й. - ҳақиқатда ҳисобот йили.

Жадвалдан кўринишича, экстенсив омил - корхонанинг иш кучи билан тўла таъминланмаганлиги (1085-1113=28 киши), бир ишчи томонидан бир йилда ишланган ўртача киши кунининг ўтган йилга нисбатан 12 кунга камайиши (226-238) ва иш кунининг ўртача узунлиги 0,05 соатга (7,73-7,78) камайиши натижасида товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 531 минг сўмга камайди (166; 325; 40.). бу камайишнинг ўрни жадал омилнинг ўсиши эвазига қопланди. бир ишчига

тўғри келадиган ўртача соатлик иш унумининг 44 тийинга (3,65-3,21) ошиши натижасида 821 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

**и) Таҳлилда кўп қўлланиладиган усул - кўрсаткичларнинг ўсиш суръати бўйича фарқни аниқлаш усулидир.** Таҳлил қилиш учун қуйидаги 3.2 - жадвални кўриш мумкин.

3.2 – жадвал

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларнинг ўсиш суръати (%)	Ўсиш суръатидаги фарқ (+,-)	Маҳсулот ҳажмига таъсири (м.с.) (2 устх 6615*:100)
А	1	2	3
1. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони.	97,5	100-97,5=-2,5	- 165
2. Бир йилда ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши-кунлар	92,4	97,5-92,4=-5,1	- 138
3. Бир йилда ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши-соатлар.	91,8	92,4-91,8= - 0,6	- 40
4.Товар маҳсулоти	104,4	104,4-91,8= +12,6	+ 833
Жами:	-	+ 4,4	+ 290

\*6615 минг сўм - ҳақиқатда ўтган йилдаги маҳсулот ҳажми

Жадвалдан кўринишича, маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи омилларни бу усулда ҳисоблаганда олинган натижалар занжирли боғланиш усули бўйича аниқланган натижаларга тенг.

л) баланс усули - бу усул хом ашё (материал) нинг келиши ва ундан фойдаланиш йўналиши ўртасидаги нисбатни аниқлашга, шунингдек, иш вақти, ускуналарнинг ишлаши ва бошқалардан фойдаланишни ўрганиш учун хизмат қилади.

м) **мутлоқ фарқ усули** (детерминалланган омиллар). Бу усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат: миқдор омилида бўлган фарқни кўпайтирилади сифат омилини ўтган йилдаги даражасига. сифат омилида бўлган фарқни кўпайтирилади миқдор омилини ҳисобот йилидаги даражасига. Ушбу усулни қўлланиш моҳиятини қуйидаги жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқамиз

## Асосий фондлардан самарали фойдаланишни таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+ -)
1.Товар маҳсулоти (минг сўм ҳисобида)	5254	5224	- 30
2.Асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати (минг сўм ҳисобда)	4430	5844	+ 1414
3.Фонд самараси (1к:2к), (сўм ҳисобда)	1,1860	0,8939	- 0,2921

3.3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада товар маҳсулоти ҳажми ҳисобот йилидаўтган йилга нисбатан 30 минг сўмга камайган. Бу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган<sup>^</sup>

1. Асосий фондларнинг йиллик ўртача қийматининг ўзгариши.

+1414 x 1,1860 = +1677 минг сўм.

2. Фонд самарасининг ўзгариши.

(- 0,2921) x 5844 = - 1707 минг сўм.

Омиллар баланси: (-1707) + 1677 = -30 минг сўм.

Юқорида қайд этилган усуллар билан бир қаторда таҳлил қилиш жараёнида бир қатор статистика қоидаларидан фойдаланилади. Буларга масалан, ўртача миқдорни аниқлаш, ўртача миқдордан оғишларни белгилаш, ўртача квадратик оғмаларни ҳисоблаш, корреляция усули, шунингдек, иқтисодий-математик усуллар бўлиб, булар тегишли статистика дарсларидаатрофлича баён этилади.

## 2.5.Иқтисодий - математик усулларни таҳлилда қўллашнинг зарурияти.

Кўхна ва қадимги Грециянинг Платон дарвозасига шу сўзлар ёзилган: «Кимда-ким математикани билмаса, унинг академия дарвозасига киришининг ҳожати йўқ». Математика - бу фанлар маликаси дир. Математика зехн ваақлни машқ қилиш воситасидир.

Иқтисодий-математик усулларни иқтисодий таҳлилда қўллаш қуйидагилардан келиб чиққан:

1. Корхоналар сони кун сайин ошиб бормоқда.

2.Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси 10млн. тур, уларнинг хилма-хиллиги эса 1 млрд. турни ташкил этади.

3. Иқтисодиёт жуда ҳам мураккаб иерархик (бўйсунуш) тизимига эга.

4. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари жуда юқори параметрларда ишламоқдалар, яъни ишлаб чиқариладиган маҳсулот хилма-хиллиги ва таркибининг ўзгариши тез суръатлар билан бормоқда.

Иқтисодий-математик усулларни таҳлилда қўллашнинг афзалликлари куйидагилардан иборат:

- а) таҳлил этиш муддати тезлашади;
- б) иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар улуши (салмоғи) аниқ ҳисобланади;
- в) тахминий ёки ноаниқ ҳисоблашлар ўрнини аниқ рақам ва далиллар эгаллайди.

Иқтисодий таҳлилда иқтисодий-математик усулларни қўллаш куйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- масала шarti белгиланади;
- таъсир этувчи омиллар аниқланади;
- математик ҳисоблаш усули белгиланади;
- эксперимент модел тузилади;
- бевосита ҳисоблашлар бажарилади;
- аниқ ечимлар топилади.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва далиллар аниқ ўлчанган ва ҳисобланган бўлиши шарт. Бунга интеграл усулини қўллаш орқали эришиш мумкин.

Масалан, товар маҳсулоти ҳажмининг ўсиши ва камайишига асосий фондлар қиймати ва ундан самарали фойдаланиш таъсирини куйидаги мисолда интеграл усули орқали аниқлаш мумкин.

4.1-жадвал

Кўрсаткичлар	Шартли белги	Ҳақ. ўт. й. (0)	Ҳақ. жорий йили (1)	Ўзгариши (+,-)
1. Товар маҳсулоти (м.с.)	Н	5254	5224	- 30
2. А.ф.йиллик ўртача қиймати (м.с.)	Ф	4430	5844	+ 1414
3. Фонд самараси (1к:2к), (сўм ҳисобда)	Л	1,1860	0,8939	- 0,2921

Жадвалдан кўринишича, ҳисобот йили товар маҳсулоти ҳажми ҳақиқатда ўтган йилга нисбатан 30 минг сўмга камайган. Бунга куйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

1. Асосий фондлар йиллик ўртача қийматининг ўзгариши (экстенсив омил). У куйидаги формула орқали аниқланади:

$$N_{\Phi} = L_0 \cdot \Delta \Phi + \Delta L \cdot \Delta \Phi : 2$$

$$N_{\Phi} = 1 \cdot 1860 \cdot 1414 + (- 0.2921) \cdot 1414 / 2 = + 1470 \text{ минг сўм.}$$

2. Фонд самарасининг ўзгариши. У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$H_{Л} = \Phi_0 \cdot \Delta Л + \Delta Л \cdot \Phi : 2$$

$$H_{Л} = 4430 \cdot (-0.2921) + (-0.2921) \cdot 1414 : 2 = -1500 \text{ минг сўм}$$

3. Иккала омилнинг йиғиндиси:

$$H_{\Phi} + H_{Л} = (+1470) + (-1500) = -30 \text{ минг сўм.}$$

Демак, товар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 30 минг сўмга камайиши асосий фондлардан фойдаланишни ёмонлашганлиги сабабли содир бўлган, бунинг таъсирида товар маҳсулот ишлаб чиқариш 1500 минг сўмга камайган, лекин асосий фондлар қийматининг ўсиши натижасида маҳсулот ҳажми 1470 минг сўмга кўпайган.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Иқтисодий таҳлил фанининг усули тўғрисида умумий тушунча.
2. Иқтисодий таҳлил усулининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омиллар тушунчаси ва уларни туркумлаш.
4. Таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларни туркумлаш.
5. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган махсус усуллар.

### 3-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ТУРЛАРИ, АХБОРОТ МАНБАЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш турларини туркумлаш ва уларнинг бошқарув функцияси.

3.2. Иқтисодий таҳлил турлари.

3.3. Иқтисодий таҳлилнинг асосий ахборот манбалари.

3.4. Таҳлилий ҳисоблар ва таҳлил натижаларини расмийлаштириш.

3.5. Иқтисодий таҳлил босқичлари.

3.6. Иқтисодий таҳлил дастурини тузиш.

3.7. Иқтисодий таҳлил учун материаллар тайёрлаш.

3.8. Корхоналарнинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишда қатнашадиган субъектлар.

**Таянч сўз ва иборалар:** молиявий таҳлил, бошқарув таҳлили, тезкор (оператив) таҳлил, жорий таҳлил, истикболли таҳлил, комплекс таҳлил, функционал қиймат таҳлили, диагностик таҳлил, ички хўжалик ва корхоналараро таҳлил, ҳудуд, тармоқ ва вазирлик бўйича таҳлил, таҳлилнинг бошқа турлари, иқтисодий маълумотлар, ҳуқуқий – меъёрий маълумотлар, илмий - техникавий маълумотлар, табиий - экологик маълумотлар, бенчмаркинг маълумотлари.

#### 3.1. Иқтисодий таҳлилнинг турлари ва шакллари тўғрисида тушунча.

Иқтисодий таҳлил мазмун ва моҳияти жиҳатидан турли шаклларга ва турларга эгадир.

Иқтисодий таҳлил тури деганда маълум белгалари, хоссалари, вазифаси ва шу кабилар билан умумий бўлган гуруҳлар ёки бир бутунликни ташкил этган яхлит хиллари тушунилади.

Иқтисодий таҳлил шакли деганда унинг ўзига хос бўлган ташқи кўриниши, сиртқи қиёфаси билан бирга ўзига хос мазмуни, яъни уни амалга ошириш йўллари, усуллари тушунилади. Иқтисодий таҳлил шакллари ва турларини мазмунини қуйидаги чизмада кўриш мумкин (5.1-чизма).

Иқтисодий таҳлил	
Шакллари	Мазмуни
1.Комплекс таҳлил	Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини макон ва замон нуқтаи назаридан барча тузулмалари билан бирга батафсил таҳлил қилишдир.
2.Солиштириш таҳлили	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини яхлит ҳолда алоҳида тузулмалари ёки мавзуларини баҳо ва вақт жиҳатидан солиштириладиган ҳолатга келтирилиб амалга ошириладиган таҳлилдир.
3.Омилли таҳлил	<i>Хўжалик фаолияти натижасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш усулларини мажмуасини</i>

	<i>ўзида акс эттирган таҳлилдир.</i>
4.Маржинал таҳлили	Барча харажатларни доимий ва ўзгарувчи харажатларга бўлиб ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг (бажариладиган иш, кўрсатиладиган хизмат) бизнесда кўзда тутилган фойдага эришиш учун зарур бўлган миқдорини аниқлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган таҳлилдир.
5.Стохастик таҳлил	Хўжалик фаолиятида натижа ва омиллар ўртасидаги боғлиқлик, функционал боғлиқ бўлмаган шароитда, уларнинг боғлиқлигини ўрганишга қаратилган таҳлилдир.
6.Лойиҳа таҳлили	Хўжалик юритувчи субъектлар истиқболини, бизнес-режасини, инвестиция лойиҳаларини асослаш учун ҳали содир бўлмаган, яъни, бўлиши кутилаётган иқтисодий жараёнларни ўргатадиган таҳлилдир.
7.Молиявий таҳлил	Хўжалик юритувчи субъект молиявий натижалари ва молиявий ҳолатини ўрганишга бағишланган таҳлилдир.
8.Бошқарув таҳлили	Корхона раҳбарияти, эгаси ва мутахассислари томонидан ички имкониятларни ишга солиш ва самарадорликни ошириш мақсадида қилинадиган таҳлилдир.
9.Хўжалик фаолияти таҳлили	Корхоналар хўжалик фаолиятини ўрганишга қаратилган иқтисодиётнинг микроиқтисод даражасини ўрганишга қаратилган таҳлилдир.
10.Аудиторлик таҳлили	Хўжалик юритувчи субъектлар молия -хўжалик фаолиятини аудит қилганда тўғри хулоса чиқариш учун аудиторлар томонидан ўтказиладиган таҳлил.

### 5.1.-чизма. Иқтисодий таҳлил шакллари

Иқтисодий таҳлил тури ва шакли мазмун жиҳатдан бир-бирига жуда яқин, чунки уларнинг иккаласи ҳам таҳлил қилувчининг ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширишга хизмат қилади. Таҳлилнинг тури нечахил бўлишидан қатъий назар уларда бир-бирига ўхшаш усуллардан фойдаланилади. Таҳлилнинг шаклида эса ҳар бирида ўзига хос усуллар мажмуаси қўлланилади. Иқтисодий таҳлилнинг тури унинг белгилари бўйича туркумланади.

#### 3.1. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш турларини туркумлаш ва уларнинг бошқарув функцияси

Таҳлил турларини туркумлаш - уларни умумлаштириш ва бир тизимга келтиришга, энг муҳим томонларини аниқлашга ҳамда ушбу фанни истиқболда янада такомиллаштириш учун кенг имконият очиб беради. **Иқтисодчи олима Г.Савицкая томонидан таҳлил турларини гуруҳлаштириш белгиларига қуйидагилар киритилган:** таҳлилнинг вазифалари, уни ўтказиш муддати, қабул қилинадиган қарорларнинг характери, корхоналар фаолиятини ўрганишнинг асосий томонлари, резервларни аниқлаш усуллари, ўрганиладиган объект, таҳлил қилувчи субъект, ўрганиладиган ҳодисаларнинг кўлами, ахборотларни қайта



ишлаш кабилар<sup>6</sup>. Барча турдаги таҳлилнинг турлари уларнинг бажарган вазифаларига қараб **қуйидаги гуруҳларга умумлаштирилади**: бизнес-режанинг асосланганлигини баҳолаш ва унинг бажарилишини назорат қилиш, эришиладиган натижаларни олдиндан айтиб бериш ва эришилган натижаларга объектив баҳо бериш, шу мақсадда корхона фаолиятига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабабларни аниқ белгилаш, ички хўжалик ҳисоби якунини ўтказиш, резервларни аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, келгусида режалаштириш учун асос (база)ни аниқлаш, оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун таҳлилий вариантларни тайёрлаш.

### 3.2. Иқтисодий таҳлил турлари

Иқтисодий таҳлилнинг қуйидаги турларидан амалиётда кенг фойдаланилади:

- **хўжалик фаолиятини жорий (ретроспектив) таҳлили.**
- **тезкор (оператив) таҳлил.**
- **истикболли таҳлил.**
- **молия – иқтисодий таҳлил.**
- **техник – иқтисодий таҳлил.**
- **таққослама (корхоналараро) таҳлил.**
- **функционал – қиймат таҳлили.**

**Хўжалик фаолиятининг жорий (ретроспектив) таҳлили.** Корхоналарнинг амалий фаолиятида асосан жорий таҳлил ўтказиш усули тўла ишлаб чиқилган. Жорий таҳлил корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда расмий жихатдан қабул қилинган ҳисоботга таянган ҳолда уларнинг ойлик, чораклик, йиллик ва қатор йиллари таҳлил қилинади. Жорий таҳлилнинг асосий вазифаси хўжалик фаолиятида эришилган пировард натижаларга объектив баҳо бериш, фойдаланилмаган ички хўжалик резервларини комплекс тарзда аниқлаш ва уларни келгусида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб этиш ҳисобланади.

Жорий таҳлилнинг кенг кўламда қўлланишига қуйидагилар сабаб бўлди: **биринчидан**, таҳлилнинг барча вазифалари бизнес-режанинг тифизлиги ва асосланганлиги, унинг бажарилишини назорат қилиш, хўжалик фаолиятида эришиладиган натижаларни олдиндан айтиб бериш, меҳнат, моддий ва молия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ҳоказолар жорий таҳлил зиммасига тушади;

**иккинчидан**, жорий таҳлилнинг кенг кўламда қўлланилишига барча корхоналарнинг тасдиқланган ягона ҳисобот шаклларига асосан юқори ташкилот, статистика, молия ва солиқ органлари, давлат банкига ҳисобот топшириш вазифасининг зарурлиги;

<sup>6</sup> Савицкая Г.В. Теория экономического анализа. Учебное пособие. –М.: ИНФРА, 2010.-354 с.

**учинчидан**, жорий таҳлилнинг бажариладиган таҳлилий ишларда тутган салмоғи 90 фоизни ташкил қилади, чунки дастлабки ва тезкор таҳлилни ўтказиш усули ҳали тўла ишлаб чиқилмаган;

**тўртинчидан**, жорий таҳлилда корхонанинг хўжалик фаолияти чуқур, ҳар томонлама ўтказилади, чунки таҳлилий ходимнинг ихтириёрида барча ахборотлар манбаи муҳайё;

**бешинчидан**, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш тарихан жорий таҳлилдан бошланган;

**олтинчидан**, иқтисодий олий ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш ҳам жорий таҳлил асосида олиб борилади.

**Жорий таҳлилнинг** дастлабки ва тезкор таҳлилдан устунлиги шундаки, уни ўтказишда ахборотлар тизими системали ва комплекс характерга эга бўлиб, расмий жихатдан қабул қилинган бухгалтерия ва статистика ҳисоботларига асосланади. Жорий таҳлилнинг камчилиги шундан иборатки, таҳлил хўжалик фаолиятида камчилик ва хато рўй бериб бўлгандан сўнг бошланади.

**Тезкор таҳлил** корхонанинг хўжалик фаолиятини бошқаришда шу кундаги ишлаб чиқариш жараёнини тезкор тарзда бошқаришда қўлланилади. Бу қисқа муддатли таҳлил бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида рўй берган четга чиқишларни тезкорлик билан аниқлаб, уни бартараф қилиш чора - тадбирларини кўради. **Тезкор таҳлилнинг асосий вазифаси** топшириқларни мунтазам назорат қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнини кунда аниқлаш, шу кундаги ишлаб чиқариш резервларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб қилиш ҳисобланади. Тезкор таҳлил жорий таҳлилдан фарқли ўлароқ **у асосан бошланғич маълумотларга асосланади.**

**Тезкор таҳлил ўз ичига қуйидагиларни олади:**

-корхонанинг асосий миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича ҳамда унинг бўлинмалари сменада, суткада, беш кунликда ва декадаларда четга чиқишини аниқлаш;

-меъёрдан чиқишга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

-камчиликларга йўл қўйган жавобгар шахсларни аниқлаш;

-салбий омилларни бартараф қилиш учун тадбирлар ишлаб чиқиш;

-кўрсатилган вақтда эришилган натижаларни яқунлаш ва «Тор» жой ва илғор бўғинларни аниқлаш.

**Истиқболли таҳлил**, деганда хўжалик юритувчи субъектнинг келгуси фаолиятини олдиндан ўрганиш, бўладиган жараёнларни олдиндан белгилаш мақсадида амалга ошириладиган таҳлил тушунилади. Масалан, хўжалик юритувчи субъект бизнес-режани тузиш учун ўз фаолиятини нима билан яқунлаши тўғрисидааниқ тушунча ва кўрсаткичларга эга бўлиши керак. Бу эса истиқбол таҳлили орқали амалга оширилади. Ҳозирги пайтда уни лойиҳа таҳлили, ҳам деб атамоқдалар.

**Молия-иқтисодий таҳлил.** Ушбу таҳлилнинг моҳияти умумий қиймат кўрсаткичлар тизимини ўрганиш ва корхоналарнинг молиявий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш билан ифодаланади. Молия-иқтисодий таҳлилга хос муҳим хусусиятлардан бири - бу асосий ахборот олиш манбалари. Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона ҳисобот шаклларида қўлланилиш ҳисобланади. Шундай қилиб, молия-иқтисодий таҳлилнинг предмети корхоналар хўжалик фаолиятининг турли томонлари, хўжалик юритиш жараёни, иқтисодий кўрсаткичларнинг бир-бири билан сабабий боғланиши ҳисобланади.

Молия-иқтисодий таҳлилнинг субъекти - бу корхона, вазирлик, бошқарма, молия-кредит идоралари ва статистика органларининг иқтисодий бўлинмалари ҳисобланади.

Шу билан бирга корхона таҳлилнинг объекти ҳам ҳисобланиб, уларнинг фаолияти юқори ташкилот, молия-кредит ва статистика органлари томонидан ўрганилади. **Масалан, молия органлари** корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда асосий эътиборни бизнес-режанинг бажарилиши, айланма маблағларининг ҳолати, фойда бўйича бизнес-режанинг бажарилиши, давлат бюджетига тушадиган тўлов мажбуриятларининг бажарилишига қаратадилар. **Кредит тизими эса** корхоналар ўз айланма маблағлари ҳолатини, олинган кредитнинг товар-моддий бойликлар билан таъминланганлигини, тўлов интизомининг бажарилиши каби масалаларга қаратади.

Ўрганиладиган масалаларга қараб молия-иқтисодий таҳлил тўла ёки танланма характерга эга бўлиши мумкин. Молия-иқтисодий таҳлилни ўтказиш муддатлари кунлик, хафталик, декадалик, ойлик, кварталлик, йиллик бўлади. Молия-иқтисодий таҳлилнинг турлари: дастлабки, тезкор ва жорий таҳлилдан иборат.

**Техник-иқтисодий таҳлил.** Ушбу таҳлил комплекс иқтисодий таҳлил ва муҳандислик таҳлилнинг бирикиши асосида ҳосил бўлган. **Техник-иқтисодий таҳлил 3 йўналишда олиб борилади:** а) ишлаб чиқаришнинг техник даражасини таҳлил қилиш; б) ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва бошқарувни таҳлил қилиш; в) ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг техник даражасини таҳлил қилиш.

**Корxonанинг техник даражасини таҳлил қилиш** жараёнида корxonанинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш даражасини, илғор технология жараёнларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, қўл меҳнатини тўла механизациялаш, замонавийлаштириш каби масалалар киради.

**Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва бошқарув масалаларини таҳлил қилиш** жараёнида қўлланилаётган бошқарув шакллариининг прогрессивлиги (илғорлиги), бошқарув тизимининг самарадорлиги, бошқарув аппаратини қисқартириш каби ечимлар ҳал этилади.

Маҳсулотнинг техник даражасини таҳлил қилиш жараёнида истеъмолчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш,

уларнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичларини республикамизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган энг яхши (юқори) намуналари билан таққослаш.

**Маҳсулотнинг техник даражаси** уларни аттестация қилиш орқали аниқланади. Техник-иқтисодий таҳлил иқтисодчилар, техниклар, муҳандислар, мутахассислардан тузилган комплекс бригада орқали амалга оширилади.

**Таққослама (корхоналараро) таҳлил.** Таққослаш - бу иқтисодий таҳлилнинг энг кўп қўлланиладиган усулидир. Таққослама таҳлилнинг 2 асосий тури мавжуд: **ички корхона таҳлили**, яъни таҳлилнинг объекти сифатида шу корхонага тааллуқли хўжалик жараёни ўрганилади; **корхоналараро таҳлил**, қачонки бир қатор корхоналарнинг хўжалик фаолияти таҳлил қилиниб, тармоқдаги илғор тажриба ўрганилади.

**Таққослама корхоналараро таҳлилнинг** моҳияти алоҳида олинган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини уларнинг кўрсаткичларини ҳар томонлама ўрганиб, эришилган натижалар даражасини холис фарқлаш ва иқтисодий кўрсаткичларга таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш ҳамда илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш натижасида ички хўжалик резервларини аниқлашдан иборатдир.

Таққослама таҳлил корхонанинг барча иқтисодий кўрсаткичларини ўз ичига олиши мумкин ёки бошқача сўз билан айтганда комплекс характерга эга бўлади. Таққослама таҳлилнинг мазмуни қўйилган мақсад ва текшириладиган объектга қараб куйидагича туркумланади:

-объект бўйича (корхона, цехлар, ишлаб чиқариш участкаси, иш жойи);

-мавзунинг (тема) мазмуни бўйича - меҳнат предметлари, меҳнат воситалари, меҳнат ва молия ресурсларини таҳлил қилиш ва ҳоказо;

-таҳлилни ўтказиш доираси - комплекс таҳлил ва махсус (тематик) таҳлил.

Таққослама таҳлилнинг энг муҳим услубий масалалардан бири ўрганиладиган объектни бир-бири билан солиштириш шартларига риоя қилишдир.

**Функционал - қиймат таҳлили.** Маҳсулот таннархини камайтириш борасида кераксиз ва ортиқча харажатларни минимал даражага келтиришни маҳсулот ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш ва уни ишлаб чиқариш чоғида ҳар томонлама ҳисобга олиш керак. Бу масалани ижобий ҳал қилишда **ФҚТ** асқотади. **ФҚТ** - объектни (маҳсулот) технологик ва меҳнат жараёнларини тизимли тарзда тадқиқ қилиб, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган чора - тадбирларни ишлаб чиқади.

**ФҚТ** нинг асосий мақсади-илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари чоғида янги хил маҳсулотларни лойиҳалаштириш ва уларни ўзлаштиришда ортиқча харажатларнинг юзага келишига йўл қўймаслик; ишлаб чиқариш босқичида лойиҳа бўйича кўзда тутилган харажатлар даражасидан четга чиқмасликни; буюмни қўллаш босқичида оқланмаган эксплуатацион харажат ва йўқотишларни бартараф қилиш ва ниҳоят, буюмларни утилизация (чикитга)

чиқариш босқичида чиқитга чиқарилган буюмларни қайта ишлаб, улардан фойдаланиш жараёнини ўз ичига олади.

ФҚТ нинг энг муҳим тамойиллари қуйидагилардан иборат:

-объектга комплекс тарзда ёндошиш;

-объект ҳолатини ўрганилганда жамоа ижодий тафаккурини ҳар томонлама фаоллаштириш (фикрлар хужуми);

-ФҚТ барча босқичларида техникавий ва ташкилий ечимларни баҳолашда функционал керакли ва ортикча харажатларни аниқлаш.

**ФҚТ ўтказиш қуйидаги босқичларга бўлинади:**

-таҳлил қилиш объектини танлаш (маҳсулот конструкцияси, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, технологик жараён, бошқарув ва ҳисоб тизими кабилар);

-таҳлилнинг мақсади ва вазифаларини асослаш (рентабеллик даражасини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардошлик қобилиятини ошириш, хом-ашё, материаллар ва электр қувватини тежаш, ишлаб чиқаришдаги «тор» жойларни бартараф қилиш, импорт ва тақчил маҳсулотларни ишлатишдан воз кечиш);

-таҳлил объекти тўғрисида маълумотларни йиғиш, асосий, қўшимча ҳамда кераксиз функцияларни аниқлаш;

-ижодий ёндошиш ва ностандарт тафаккур қилиш;

-функционал-қиймат таҳлилинини қўллаш натижасида олинган иқтисодий самарани аниқлаш;

-қабул қилинган қарорларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

### **3.3. Иқтисодий таҳлилнинг асосий ахборот манбалари**

Иқтисодий таҳлилнинг асосий ахборот манбалари қуйидагилар;**бизнес - режа маълумотлари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, статистик ҳисоб ва ҳисобот, оператив (тезкор) ҳисоб ва ҳисобот, ҳисобдан ташқари маълумотлар. Ушбу санаб ўтилган маълумотлар ичида энг асосийси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳисобланади, чунки тахминан 70 фоиз маълумотларни иқтисодий таҳлил бухгалтерия ҳисобидан олади.**

Таҳлил қилиш жараёнида **ҳисобдан ташқари маълумотлардан** ҳам фойдаланиш катта самара беради. Буларга: текшириш ва тафтиш актлари, молия ва солиқ идоралари, банкнинг бажарган таҳлил натижалари, лаборатория ва табобат назорати материаллари, корхона меҳнат жамоасининг умумий мажлис материаллари киради.

Иқтисодий таҳлил қилишнинг самараси авваламбор, ҳисобот маълумотларининг сифатига боғлиқ.

Шунинг учун ҳисоб ва ҳисобот материалларини текшириш керак. **Амалда маълумотларни текширишнинг бир неча усуллари мавжуд:**

**1. Ҳисоботларни тузиш қоидаларига амал қилиш.** Ушбу текшириш ўз ичига қуйидагиларни олади: ҳисобот шаклларининг тўғри тўлдирилиши ва

уларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Давлат Статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклларга мос келиши, айрим миқдорий кўрсаткичларни аниқлашда арифметика амалларини тўғри қўлланилганлиги кабилар. Ҳисобот шакллари ва ҳужжатларда ҳеч қандай тузатиш ёки рақамларни ўчириб қайта ёзиш асло мумкин эмас.

**2. Турли ҳисобот шаклларида бериладиган иқтисодий кўрсаткичлар суммасининг бир - бирига мос келиши.** Ушбу текширишнинг моҳияти қуйидагидан иборат: Бир қанча иқтисодий кўрсаткичлар турли ҳисобот шаклларида берилади ва бинобарин, ҳисобот тузишда ана шу иқтисодий кўрсаткичлар суммаси бир-бирига тўғри келиши шарт. Масалан, устав капиталининг миқдори 1-шакл (баланс) ва 5-шакл (хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот) ёки асосий фондларнинг суммаси 1-шакл (баланс)да берилади ва ҳ.к.

### **3.4. Таҳлилий ҳисоблар ва таҳлил натижаларини расмийлаштириш**

Ҳисобот маълумотларини таҳлилий жиҳатдан қайта ишлаш усулларида бири **таҳлилий жадвалларни тузиш** ҳисобланади. Жадвалга таҳлил қилинадиган кўрсаткичларнинг база ва амалдаги даражаси киритилади, мутлақ фарқ аниқланади, кўрсаткичларнинг ўсиш суръати аниқланади ҳамда тегишли хулоса ёзилади. Таҳлилий жадвалларнинг устунлиги ва афзаллиги шундан иборатки, у ҳам бўлса, кўрсаткичларнинг ўзаро боғланиши жуда ҳам аниқ ва кўргазмали тарзда намоён бўлади.

**Таҳлилнинг сўнгги босқичи унинг натижаларини расмийлаштириш ҳисобланади.** Таҳлил натижаларига асосланган ҳолда **маълумотнома ёки изоҳнома ёзилади.** Изоҳномада корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятида қўлга киритилган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини бартараф қилиш йўллари кўрсатилади. Бу ўринда айниқса, аниқланган ички хўжалик резервларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб этиш йўллари кўрсатилади.

### **3.5. Иқтисодий таҳлил босқичлари**

Таҳлилий жараёни муваффақиятли ўтказишнинг гарови уни ҳар томонлама пухта ташкил қилишдир.

**Таҳлилий жараён қуйидаги босқичлардан иборат:**

- а) таҳлил дастурини тузиш;
- б) таҳлил учун маълумотларни ва уларни текшириш; кўрсаткичларни танлаш ва ҳисоблаш;
- в) кўрсаткичларни таҳлилий жиҳатдан қайта ишлаш ва таққослаш.;
- г) таҳлил натижаларини умумлаштириш ва корхона ҳамда ташкилотлар фаолиятида содир бўлган камчиликларни бартараф қилиш учун чора ва тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда аниқланган ички хўжалик резервларидан фойдаланиш.

Дастурсиз бажариладиган таҳлил, ёхуд ўрганиладиган масалалар кўламини аниқ белгиламаслик ўз навбатида таҳлил натижаларига путур етказди. **Шунинг учун таҳлилий ишларни ташкил қилиш борасидаги энг масулиятли вазифа - иқтисодий таҳлил дастурини тузиш ҳисобланади.**

### **3.6. Иқтисодий таҳлил дастурини тузиш**

Таҳлил дастурининг ҳажми ва мазмуни ундан кўзланган мақсадга боғлиқ. Масалан, таҳлил комплекс тарзда ўтказилиши мумкин. Хўжалик фаолиятининг комплекс таҳлили деб хўжалик фаолиятини бўлақларга бўлиб, бир-бирига боғлиқ ҳолда батафсил ўрганишга айтилади. Бунда корхона ва ташкилотлар фаолиятини ҳамма томонлари чуқур ўрганилади. Ёки ишнинг қандайдир бир томонини ўз ичига олган тематик (танланма) таҳлил бўлади. Комплекс таҳлил ўтказилганда ойлик, кварталлик ва йиллик ҳисобот материаллари асосида таҳлилий баёнот ёзишда қўлланиладиган жадваллар макети юқори ташкилот томонидан тасдиқланиши керак. Агар танланма таҳлил ўтказилса, у ҳолда дастурда унинг мавзуси, ҳажми қандай манбаларга ва маълумотларга асосланиши, таҳлилни бажарувчи шахс, ишнинг бажарилиш муддати кўрсатилиши керак.

### **3.7. Иқтисодий таҳлил учун материаллар тайёрлаш**

Жорий ҳисобда берилмайдиган маълумотларни аниқлаш катта аҳамиятга молик. Масалан, ишчиларнинг бекор туриб қолиш сабабларини аниқлаш учун бевосита кузатув олиб бориш керак. Бунда иш кунини фотография қилиш орқали ёки ушбу участкада банд бўлган ишчилар, муҳандислар ва бошқа ходимларнинг фикр ва мулоҳазаларини билиш орқали юқорида айтилган камчиликларнинг сабаблари аниқланади. У ёки бу ахборотлар манбаидан фойдаланиш таҳлил дастурини тузишда ҳисобга олиниши керак. Маълумотларнинг тўғрилигини ва аниқлигини текширишдан сўнг уларни қайта ишлашга ўтилади.

### **3.8. Корхоналарнинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишда қатнашадиган субъектлар**

Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик ва молиявий фаолияти авваламбор, ушбу корхонанинг ходимлари томонидан таҳлил қилинади. Корхоналарнинг хўжалик ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш асосан режа-иқтисод, бухгалтерия ва молия бўлимларининг вазифасидир. Корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш бевосита юқори ташкилотларнинг вазифаси ҳам бўлиб, улар корхоналар ҳисоботини тасдиқлайдилар, ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини объектив (холисона) баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қиладилар. Иқтисодий таҳлил қилиш билан молия ва солиқ идоралари, банк ходимлари ҳам шуғулланадилар. Ҳозирги кунда хўжалик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлили масалалари билан бевосита аудиторлик компаниялари ҳам шуғулланмоқда. Статистика идоралари ҳам иқтисодий таҳлил билан шуғулланадилар. Улар қабул қилинган ҳисобот ва статистик маълумотларни статистика усуллари билан қайта ишлаб вазирликлар ва бошқармаларни йиғма ахборот материаллари билан таъминлайдилар.

**Назорат учун саволлар:**

1. Иқтисодий таҳлил турларини туркумлаш.
2. Жорий (ретроспектив), тезкор ва истиқболли таҳлилни ташкил этиш усулининг ўзигахос хусусиятлари.
3. Хўжаликлараро таққослама таҳлилни ташкил этишнинг ўзигахос хусусиятлари.
4. Функционал қийматтаҳлилини ташкил этиш ва унинг услуги.
5. Иқтисодий таҳлилнинг асосий манбалари.
6. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган маълумотлар манбаларининг тўғрилигини текшириш усуллари.
7. Таҳлилий жадвалларга маълумотлар тайёрлаш.
8. Молиявий ҳисобот шаклларида бериладиган иқтисодий кўрсаткичлар суммасининг бир-бирига мос келиши нима ?
9. Иқтисодий таҳлилнинг сўнги босқичи қандай расмийлаштирилади ?
10. Таҳлилий ишларнинг асосий босқичлари ва уларнинг мантиқий кетма-кетлиги.
11. Иқтисодий таҳлил дастурини тузиш.
12. Иқтисодий таҳлил учун материаллар тўплаш ва уларни қайта ишлаш.
13. Иқтисодий таҳлил қилиш билан мукамал тарзда ким шуғулланади?
14. Иқтисодий таҳлилда қатнашадиган субъектлар.



## **4-МАВЗУ. КОРХОНАЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

### **Режа:**

4.1. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усуллари.

4.2. Корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари.

4.3. Асосий фондларнинг таркибини, ҳолатини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари.

4.4. Саноат корхоналарининг моддий ресурслар билан таъминланишини ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари.

4.5. Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш усуллари.

4.6. Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ички хўжалик резервларини аниқлаш усули.

**Таянч сўз ва иборалар:** ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот номенклатурасининг тавсифи, маҳсулот ассортиментини таҳлил этиш услублари, ишлаб чиқариш маромийлиги, маҳсулот ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар, тадбиркорлик омили, меҳнат омили, товар-моддий заҳиралар билан таъминланганлик омили, асосий воситалар билан курулланганлик омили, сотиш ҳажми, сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлилининг услублари, маҳсулот етказиб бериш ва сотиш шартномалари, сифат кўрсаткичлари таҳлили, рекламация.

### **4.1. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усуллари**

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда таҳлилнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

-маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича бизнес-режанинг асослигини ва тўғрилигини аниқлаш;

-корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўсиш суръати, таркиби, хилма-хиллиги, сифати ва бир текисда ишлаб чиқаришга баҳо бериш;

-ўтган йилга нисбатан маҳсулот ҳажмининг ўсиши ва унинг сабабларини аниқлаш;

-тузилган шартнома мажбурияти асосида маҳсулотни етказиб бериш бўйича сотиш режасини бажарилишига баҳо бериш;

-маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишни тез амалга ошириш бўйича резервларни аниқлаш кабилар.

Корхоналарнинг маҳсулот сотишини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар куйидагилардир:

- корхонанинг ялпи маҳсулоти - бу товар маҳсулоти қўшув тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи ҳамда корхонанинг ўзида тайёрланган ярим-фабрикатлар ваасбоблардан иборатдир;

- товар маҳсулоти деганда, барча ишлаб чиқариш босқичларини ўтган, тўла бутланган, техника назорати бўлиmidан ҳам ўтган ваомборга топширилган маҳсулот тушунилади;

- сотилган маҳсулот деганда, товарлар истъёмолчиларга жўнатилиб, унинг ҳақи мол юборувчиларнинг банкдаги ҳисоб-китоб рақамига ўтказилиши тушунилади.

Сотиш ҳажмининг ўсиш суръатига кўпгинаомиллар таъсир этади. Буларга маҳсулот сифати, уни бир маромда ишлаб чиқариш, маҳсулотни ўз вақтида истъёмолчиларга жўнатиш, унинг ҳақини тўлаш, сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган қолдиғи кабилар киради. Ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларнинг бир-бирига боғлиқлигини текшириш учун товар балансини тузиш керак. Уни қуйидаги формулаорқали ифода қилиш мумкин:

$$T_1 + M = P + T_2$$

Бу ерда:

$T_1$  - сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига қолдиғи;

$M$  - жорий йилда ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти ҳажми;

$P$  - жорий йилда сотилган маҳсулот ҳажми;

$T_2$  - сотилмаган маҳсулотларнинг йил охирига бўлган қолдиғи.

Товар балансининг унсурлари бир-бири билан узвий равишда боғлиқ. Агар режага нисбатан йил бошига бўлган қолдиқ кўп бўлса, у ҳолда сотиш ҳажми ошади. Демак, сотиш ҳажмининг ўзгаришига товар маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотилмаган маҳсулотларнинг ўзгариши таъсир қилар экан. Энди юқорида берилган тенгликдан сотиш жараёнини қуйидагича ифода этиш мумкин:

$$P = T_1 + M - T_2$$

Маҳсулот ишлаб чиқаришни ифодаловчи кўрсаткичлар - соф маҳсулот, меъёрий соф маҳсулотларни таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Соф маҳсулоттовар маҳсулот билан уни ишлаб чиқаришга қилинган моддий сарфлар ваасосий ишлаб чиқариш фондларининг амортизацияси суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Меъёрий соф маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақини, ижтимоий суғурта учун ажратмалар ва меъёрий фойдани жамлаш орқали аниқланади. Шартли соф маҳсулот бу соф маҳсулот қўшув асосий фондларнинг амортизациясидир.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятига баҳо берувчи муҳим мезон - сотиш режасининг шартнома мажбуриятини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши бўлиб қолди. Мазкур кўрсаткич бўйича режанинг бажарилиш даражаси 100 фоиздан ошмайди, энг мақбўли 100 фоиздир.

Тузилган шартнома мажбуриятигаасосан истъёмолчиларни зарур товарлар хилма-хиллиги билан таъминлаш сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш режасини нафақат қиймат ифодасида, балки белгиланган ассортиментни бўйича бажарилиши зарур. Корхона фаолиятига тўғри баҳо беришда маҳсулотнинг хилма-хиллиги бўйича бизнес-режанинг

бажарилишини аниқлашда энг кам сон миқдорини ҳисобгаолиш усули қўлланилади.

Маҳсулот сифати деганда, унинг барча мўлжалланган мақсадда фойдаланишга яроқли хусусиятлари мажмуаси тушунилади. Халқ хўжалиги тармоқларида маҳсулот сифатини баҳолашда турли кўрсаткичлар қўлланилади. Маҳсулот сифатини таҳлил қилишда фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлар билан бир қаторда сифатсиз маҳсулот учун истеъмолчиларга тўланадиган жарималар, маҳсулотни кафолатли таъмирловчи устахоналарга сарфланадиган харажатлар каби кўрсаткичлар ҳам қўлланилади. Шундай қилиб, маҳсулот сифатини таҳлил қилиш усуллари таҳлил қилинаётган корхонанинг қайси тармоққа мансуб эканлигига боғлиқ экан.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича дастурнинг бажарилишини таҳлил қилиш жараёнида маҳсулотни бир маромда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш каттааҳамиятга эга. Маҳсулотни бир маромда ишлаб чиқариш деганда, уни тузилган жадвал асосида, маҳсулотнинг олдиндан аниқланган хилма-хиллиги ва сифатига мувофиқ етказиб бериш ва сотишни ўз вақтида таъминлаш тушунилади. Бир маромда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумлашган кўрсаткичи бир меъёردа ишлаш коэффиценти ҳисобланади, у жадвал бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бажарилган кунларни умумий иш кунига бўлиш билан аниқланади, одатдаой ҳисобида.

Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режанинг бажарилиши кўпгинаомилларга боғлиқ. Шунинг учун товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режанинг бажарилишига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш жараёнини осонлаштириш учун улар маълум иқтисодий белгиларига кўра 3 гуруҳга бўлинади:

**1.Мехнат омиллари.** Бу омиллар таркибига корхоналарни ишчи кучи билан таъминлаш, иш вақтидан фойдаланиш ва мехнат унумдорлиги каби масалалар киради.

**2.Мехнат воситалари омиллари.** Буларга корхоналарнинг асосий фондлар билан таъминланиши, техник ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги сингари масалалари киради.

**3.Мехнат буюмлари омиллари.** Буларга корхоналарнинг хом ашё ва материаллар билан қай даражада таъминланганлиги, моддий-техника таъминотининг ҳолати ва моддий ресурслардан фойдаланиш самараси каби масалалар киради.

#### **4.2. Корхоналарнинг мехнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари**

Корхоналарнинг иш кучи биланбилан таъминланишини таҳлил қилишда ишловчи барча ходимларнинг таркиби аниқланади. Корхонанинг ишчи кучи билан қай даражада таъминланганлиги. Улар икки туркумга бўлинади: асосий фаолиятда ишловчи ваасосий бўлмаган фаолиятдахизмат қилувчи ходимлар. Ўз

навбатдаасосий фаолиятда хизмат қилувчи ходимлар қуйидаги тоифаларга бўлинади: ишчилар, хизматчилар, шу жумладан, раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа хизматчилар. Ушбу қайд этилган ходимлар маҳсулот ишлаб чиқаришда бирдай қатнашмайдилар. Агар раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар сони бўйича фақат мутлақ фарқ аниқланса, ишчилар сони бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиш суръатини ҳисобга олган ҳолда нисбий фарқ ҳам аниқланади. Нисбий камлик эса меҳнат унумдорлиги ўсганлигидан далолат беради.

Меҳнат унумдорлиги вақт бирлиги (соат, смена, ой, квартал, йил) ичида ишчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарф қилинган вақт бирлиги билан ўлчанади.

Меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда қуйидаги уч кўрсаткичдан фойдаланиш мумкин:

- 1.Натурал кўрсаткичлар.
- 2.Шартли-натурал кўрсаткичлар.
- 3.Пул (қиймат) кўрсаткичлари.

Меҳнат унумдорлиги моддий ишлаб чиқаришда вақт бирлиги давомида ҳосил қилинган маҳсулот миқдори билан ўлчанади. Бунда индивидуал корхона ваҳалқ хўжалиги кўламидаги меҳнат унумдорлиги фарқланади.

Ижтимоий меҳнат унумдорлиги моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига ҳосил қилинган миллий даромад миқдори билан ўлчанади. Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги даражаси товар маҳсулотининг ҳажмини ишловчиларнинг сонига нисбати билан аниқланади. Таҳлил жараёнини чуқурлаштириш учун бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик, кунлик ва соатлик иш унумдорлиги ҳам ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар товар маҳсулоти ҳажмини мутаносиб тарзда ишчиларнинг рўйхатдаги сонига, ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-кунларига ва киши-соатларига нисбати тариқасида аниқланади.

#### **4.3. Асосий фондларнинг таркибини, ҳолатини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари**

Корхоналар асосий фондларининг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган роли бир хил эмас. Улар 2 қисмга бўлинади:

- актив (фаол) асосий фондлар;
- пассив (нофаол) асосий фондлар.

Корхоналарнинг асосий фондлари билан таъминланганлигини таҳлил қилишда ларнинг актив ва пассив қисмининг салмоғи, ўтган йилларга нисбатан мутлоқ фарқ ҳамда ўсиш суръати аниқланади.

Асосий фондларнинг техник ҳолати қониқарсиз даражада бўлса, бу ўз навбатида асбоб- Асосий фондларнинг техник ҳолатини белгиловчи умумий кўрсакичлардан бири - уларнинг эскириш коэффицентидир. Буни аниқлаш учун асосий фондларнинг эскириш суммаси уларнинг бошланғич қийматига бўлинади. Асосий фондларни янгилаш коэффицентини аниқлаш учун янги келган асосий

фондлар суммасини асосий фондларнинг йил охирига бўлган қийматига бўлиш керак. Асосий фондларнинг чиқиб кетиши коэффициентини ҳисоблаш учун эса чиқиб кетган асосий фондлар суммасини уларнинг йил охирига бўлган қийматига бўлиш керак. Асосий фондларнинг ишга яроқлилиқ коэффициентини аниқлаш мумкин. Уни аниқлаш учун бирдан эскириш коэффициентини айтириш керак, яъни1 - Ек .

Маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини муваффақиятли бажариш нафақат асосий фондларнинг таркиби, техник ҳолати, балки улардан самарали фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Асосий фондлардан фойдаланишнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи фонддан олинадиган самара ҳисобланади. У асосий фондларнинг бир сўми ҳисобига қанча маҳсулот чиқарилганлигини кўрсатади. Фонд самараси куйидаги формулаорқали ифодаланади: Товар маҳсулоти (соф тушум) ҳажмини асосий фондларнинг қийматига бўлинади. Фонд самараси кўрсаткичининг акси фонд сифими, деб аталади. Ушбу кўрсаткич асосий фондлар қийматини товар маҳсулоти ҳажмига нисбати тарикасида аниқланади.

#### **4.4. Саноат корхоналарининг моддий ресурслар билан таъминланишини ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари**

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ўз навбатида меҳнат буюмларининг ортишигаолиб келади. Агар халқ хўжалигининг айрим тармоқларида (енгил саноат) моддий харажатларнинг ишлаб чиқариш харажатларида тутган салмоғи 80 фоизни ташкил этишини назарда тутсак, у ҳолда материал сарфини камайтиришнинг халқ хўжалигида нақадар каттааҳамиятга эга эканлигини кўраимиз.

Моддий-техника таъминотини бозор иқтисодиётига мос равишда қайта куриш моддий ресурсларидан марказлаштирилган тарзда фойдаланиш ва истеъмолчиларни мол етказиб берувчиларга бириктириб қўйишдан ишлаб чиқариш воситалари билан фондлар ва нарядларсиз, истеъмолчиларнинг буюртмаси бўйича, шартнома нархларидан фойдаланган ҳолда, харидор манфаатини кўзлаб, иш юзасидан шерик танлаш орқали эркин олди-сотди шаклидаги савдо қилишга ўтиш натижасида ишлаб чиқарувчининг ўз амрини ўтказишини ва танҳо ҳуқуққа (монополия) эга бўлишни бартараф этиб, ривожланган бозорнинг пайдо бўлишигаолиб келди.

Корхоналарнинг моддий-техника таъминоти ҳолатини таҳлил қилиш учун уларнинг таъминот бўлими ваомборхона маълумотларига мурожаат қилиш керак бўлади. Ана шу маълумотларгаасосланган ҳолда материаллар гуруҳи бўйича келтирилиши ва бизнес-режанинг бажарилишини аниқлаш мумкин.

Моддий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш даржасини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич материал қайтими ҳисобланади. У моддий харажатларнинг бир сўми ҳисобига қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади. Материал самарасини аниқлаш учун товар маҳсулоти ёки соф тушум ҳажми моддий харажатлар қийматига бўлинади. Материал қайтими

кўрсаткичининг акси материал сиғимидир. У бир сўм товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун неча тийин моддий харажатлар тўғри келишини кўрсатади.

#### **4.5. Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш усуллари**

Маҳсулот таннархи корхоналар хўжалик фаолиятини ифодаловчи сифат кўрсаткичи бўлиб, корхоналар фаолиятининг ҳамма томонларини, яъни ишлаб чиқариш ва молиявий томонларини акс эттиради ва уларнинг иш самарадорлигини кўрсатади. Маҳсулот таннархи деганда, маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва корхона молиявий фаолияти бўйича барчахаражатларининг пул орқали ифодаланиши тушунилади.

Маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборат: бошқарув усулларини, ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилишни, хўжалик ҳисобини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш асосий фондларидан фойдаланишни яхшилаш, моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш, хўжасизликка қарши курашиш кабилар.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: корхонахўжалик фаолияти давомида юзага келадиган харажатлар таркибини аниқлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг режа ва ўтган йилги харажатларга нисбатан бўлган тежам ёки ўртачахаражатга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида материал ва меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш устидан назорат олиб бориш, бир сўмлик товар маҳсулотига кетган харажатларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, маҳсулот таннархининг харажат унсурлари ва калкуляция моддалари бўйича таркибини таҳлил қилиш, таннархини арзонлаштириш резервларини аниқлаш кабилар.

Шундай қилиб, харажат моддалари қуйидагича гуруҳланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи:
2. Давр харажатлари:
3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:
4. Тасодифий зарарлар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида ишлатиладиган табиат ресурслари, хом ашё, материал, ёқилғи, энергия, асосий фондлар, меҳнат ресурслари, ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқажаражатларнинг пулдаги ифодасидир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ташкил қиладиган харажатлар ўзларининг иқтисодий мазмунига мувофиқ қуйидаги харажат унсурларига бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш материал харажатлар (қайтариладиган чиқиндилар қиймати чиқариб ташланган ҳолда).
2. Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.
3. Ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғуртаажратмалари.

4.Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги асосий фондлар ва номоддий активлар амортизацияси.

5.Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги бошқахаражатлар.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш жараёнида бир сўмлик товар маҳсулотига кетган харажат кўраткичини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. У ишлаб чиқариш таннархини товар маҳсулоти ҳажмига нисбати тариқасида аниқланади. Демак, бу кўрсаткичда фойда билан ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги боғлиқликни яққол кўрсатишимиз мумкин.

#### **4.6. Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ички хўжалик резервларини аниқлаш усули**

Иқтисодий таҳлилни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ички хўжалик резервларини аниқлашдир. Бу эса асосан уч гуруҳ ишлаб чиқариш ресурслари - меҳнат ресурслари, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари омиллари билан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ. Ушбу омиллар ўзига хос мустақил маънога эга бўлиши билан бирга ўзаро бир-бири билан узвий равишда боғлангандир. Аввал ҳар бир омиллар гуруҳи алоҳида-алоҳида ўрганилади. Сўнгра учала омиллар гуруҳини таҳлил қилиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш борасидаги йиғма резервлар тўғрисида умумий хулоса берилади. Комплект йиғма деганда, резервларнинг энг кам сўммаси олинади.

а) Меҳнат омиллари таркибида.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига қуйидаги меҳнат омиллари таъсир кўрсатади:

- ишчиларнинг рўйхатдаги ўртача сонининг ўзгариши;
- бир ишчи томонидан бир йилда ишланган киши кунларининг ўзгариши;
- иш кунининг ўртача узунлиги ўзгариши;
- бир ишчига тўғри келувчи соатлик иш унумининг ўзгариши.

б) меҳнат воситалари омиллари таркибида,

Бу омиллар таркибига корхоналарнинг асосий фондлар билан қай даражада таъминланганлиги, уларнинг ҳажми, тузилиши, техник ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш киради.

в) меҳнат буюмлари омиллари таркибида.

Ушбу омиллар таркибига корхонанинг хомашё ва материаллар билан қай даражада таъминланганлиги, моддий ресурслардан фойдаланиш самараси, материал сифими кабилар киради.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятига дастлабки баҳо бериш тамойиллари.
2. Сотилган маҳсулот ҳажмига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Шартнома бўйича режани бажарилиши қандай аниқланади?
4. Маҳсулот сифати деганда нима тушунилади?

5. Меҳнат унумдорлигининг ҳажмининг қандай омиллар таъсир кўрсатади?
6. Асосий фондларнинг техник ҳолатини ифодаловчи коэффицентлар.
7. Асосий фондлардан самарали фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар.
8. Материал самараси ва материал сиғими кўрсткичлари қандай аниқланади?
9. Маҳсулот таннархини деганда нима тушунилади ва таннархни аниқлашдан мақсад нима?
10. Бир сўмлик товар маҳсулотига кетган харажатлар қандай аниқланади?
11. Товар маҳсулоти ҳажмини ошишига таъсир қилувчи омиллар.
12. Комплект резервни аниқлаш усули.
13. Ердан фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлилининг мақсади нималардан иборат?
14. Корхонанинг иқтисодий салоҳиятига таъриф беринг.



## 5-МАВЗУ. КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

### Режа:

5.1. Корхона молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий кўрсаткичлари

5.2. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва уларнинг турлари.

5.3. Маҳсулот (иш ва хизматлар)ни сотишдан олинган молиявий натижа ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

5.4. Давр харажатларининг таҳлили.

5.5. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадлар ва харажатлар таҳлили.

5.6. Рентабелликнинг кўрсаткичлар тизими ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.

**Таянч сўз ва иборалар:** молиявий натижалар, молиявий натижаларни шаклланиши, сотишдан кўрилган фойдага таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш, давр харажатларини таҳлил, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар ва тушумлар, молиявий фаолиятдан кўрилган фойда (зарар)ларни таҳлил, рентабеллик турлари, уларни моҳияти ва аниқлаш тартиби, ишлаб чиқариш, маҳсулот турлари бўйича рентабеллик даражаси, маҳсулот таннарни маҳсулот бирлигини баҳоси фойда ва рентабелликни ошириш йўллари.

### 5.1. Корхона молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий кўрсаткичлари

Фойда корхонанинг келгуси равнақи, ходимларни ижтимоий ҳимоялашни таъминловчи асосий манбадир. Бозор иқтисодиёти луғатида фойда – бу бухгалтерия тушунчасида даромаднинг кўпайганлигини англатади, деб таърифланган.

Даромадлар ва харажатлар молиявий натижаларни характерловчи фойдани ўлчашга дахлдор бўлган элементлар ҳисобланади. Даромадларни ва харажатларни, яъни фойдани аниқлаш ва ўлчаш- корхона ўз омлиявий ҳисоботини тайёрлашда фойдаланиладиган капитал консепсияси ҳамда капиталнинг сақланишига боғлиқ бўлади.

Даромадлар – бу ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пассивларнинг қатнашчиларнинг капиталидаги омонатлардан фарқ этувчи ўсишига олиб келувчи камайишдир.

Харажатлар – ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклини камайиши, шунингдек, қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир.

Шунингдек, фойда хўжалик субъектларининг маҳсулот сотишдан, асосий ва умумхўжалик фаолиятлари натижасидан ҳамда фавқулоддаги вазиятлардан сўнг ўз барча харажатларини қоплаб, қўшимча орган даромадлар йиғиндисидан

иборатдир, деб тушуниш ҳам мумкин. Демак, олинган фойдани таҳлил қилишда, даромаднинг кўпайган ёки камайганлиги, бунинг ўзгариш сабабалари ҳамда таъсир этувчи омиллар ўрганилиши лозим.

Молиявий натижалар таҳлили молиявий таҳлилнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу мавзунини таҳлил қилишда бевосита корxonанинг охириги натижаси, яъни фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар ўрганилади.

Молиявий натижалар таҳлилида даромад ва харажатларнинг ўзаро фарқлашидаги ҳолатга ҳам баҳо берилади. Молиявий натижаларни таҳлил қилишда фойда ва зарарнинг шаклланиш қаторлари бўйича ўзгаришлари ўрганилади. Фойда ва зарарнинг омилли таҳлили олиб борилади. Корхонада молиявий натижавийликни яхшилаш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ва уларни йўлга қўйишнинг чора ва тадбирлари белгиланади. Корxonанинг фойдалилик даражасини характерловчи рентабеллик кўрсаткичи ва унинг омилли таҳлили ўтказилади.

Таҳлил молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқиш, вертикал таҳлил, горизонтал таҳлил, трендли таҳлил ва кўрсаткичларни аниқлаш усулларида олиб борилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқишда унинг сатрлар бўйича кўрсаткичлар тартибланишига, молиявий натижавийликни характерловчи умумий қаторларнинг қиймат ифодаси, ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даври бўйича маълумотларига умумий изоҳ берилади.

Молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг **асосий вазифалари** қуйдагилардан иборат:

- корxonанинг ялпи фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омилларни таҳлил қилиш;
- асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан келган фойдани ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили;
- умумхўжалик фаолиятидан келган фойда фойдани ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш;
- солиқ тўлангунга қадар фойда ва уни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили;
- соф фойда ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи ижобий ва салбий омилларни ҳамда фойда миқдорини ошириш бўйича ички хўжалик резервларини аниқлаш;
- корxonанинг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- корxonанинг рентабеллик даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Молиявий натижаларни таҳлил қилишда асосий ахборот манбаси сифатида 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» дан фойдаланилади. «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл) маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар,

хизматлар) жараёнининг якуний маҳсули бўлиб, у ички ва ташқи фойдаланувчилар учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга таҳлил жараёнида корxonанинг «Бухгалтерия баланси», «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома», «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот», «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот», «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот», «Молиявий-иқтисодий ҳолат бўйича маълумотнома» каби ҳисоботлари маълумотлари ва ҳисоб-китоблари қўлланилади.

## **5.2. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва уларнинг турлари.**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари бу кенг қамровли тушунчадир. Уларнинг шаклланиши ва тақсимланиши бўйича тўлиқ ва ҳар томонлама асосланган хулоса чиқариш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Кўрсаткичлар ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун, аввало, уларни илмий жиҳатдан таснифлаш керак. Иқтисодий таҳлилда кўрсаткичлар ғоят кўп белгилар билан таснифланади. Чунончи, иқтисодий кўрсаткичларни иқтисодий мазмуни, фойдаланиш даражаси, ифодаланиш шакли, умумлаштириш даражаси, хўжалик фаолиятининг бўғинлари ва шаклланиш ҳолати бўйича каби белгилар бўйича таснифлаш қабул қилинган

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, уларнинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» да ифодаланишини, ҳар бир кўрсаткичнинг аниқланиш йўллари, молиявий натижаларнинг умумлашган кўрсаткичлари таҳлилининг ёритишдан иборат. Ушбу мавзунини таҳлил қилишда бевосита корxonанинг охириги натижаси, яъни фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар ўрганилади. Аммо ушбу кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида бир қанча омиллар таъсирида, кўпгина манбалар ҳисобидан шаклланади. Шу туфайли, корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг кўлами анча кенгайган.

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими унинг даромадлари, фойдаси ва рентабеллиги билан боғлиқ кўрсаткичлардир.

«Харажатлар таркиби тўғрисидаги...» Низомга асосан корxonанинг даромади қуйидагилардан иборат:

- **Маҳсулотни сотишдан келган соф тушум;**
- **Корxonанинг асосий фаолиятидан келган бошқа даромадлар;**
- **Молиявий фаолиятдан келган даромад;**
- **Тасодифий даромадлар.**

Бу тарзда даромадларни бўлиниши корxonанинг хўжалик фаолиятига холис баҳо учун имконият беради.

### **I. Маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум.**

1.1. Сотишдан олинган соф тушум = маҳсулотни сотишдан олинган ялпи тушум-қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), аксиз солиғи, қайтиб келган товарлар, харидорларга берилган имтиёзлар ва бошқалар.

1.2. Экспорт фаолиятини амалга оширувчи корхоналар ҳаракатдаги қонунда кўзда тутилган тартибдафойдани ҳисоблайди.

1.3. Маҳсулотни сотишдан олиннадиган тушум «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги» Қонунга мувофиқ аниқланади.

## **II. Асосий фаолиятдан олиннадиган бошқа даромадлар.**

Даромадларнинг бу моддалари «Бошқа операцион даромадлар ва киримлар» бўйича акс эттирилади.

Буларга қуйдагилар киради.

2.1. Хўжалик шартномалари шартларини бузганлиги учун тўланадиган жарима, ўсим ва бошқалар ҳамда зарарларни қоплаш юзасидан даромадлар.

2.2. Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йил фойдалари.

2.3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган операсиялардан олиннадиган бошқа даромадлар, масалан, рента даромади, корхона ошхонаси, ёрдамчи хўжаликлардан олиннадиган даромадлар.

2.4. Корхона асосий фондлари ва бошқа мулкларини сотишдан олиннадиган даромад.

2.5. Тўлаш муддати ўтиб кетган кредиторлик ва дебиторлик қарзларини тегишли счёта ёзишдан олиннадиган даромад.

2.6. Бошқа операцион даромадлар.

## **III. Молиявий фаолиятдан олиннадиган даромад.**

Молиявий фаолиятдан олиннадиган даромадлар қуйдаги асосий бўлимлар бўйича акс этирилади:

3.1. Уюшма компаниялар ва шуъба корхоналаридан олиннадиган даромадлар.

3.2. Бошқа олиннадиган дивидендлар.

3.3. Шуъба ва уюшма корхоналарига берилган қарзлар бўйича фоизлар.

3.4. Олинган бошқа фоизлар.

3.5. Чет эл валюталари ва операциялари ва валюта счётлари бўйича ижобий курс фарқлари.

3.6. Сармояланган маблағларни қайта баҳолашдан олиннадиган фойда.

Молиявий фаолиятдан олиннадиган даромадга қуйдагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида жойлашган 7борона фаолиятида ўз улуши билан қатнашишдан олиннадиган даромадлар; корхонага қаршли акция дивидендлари.

2. Узоқ муддатли ижарага берилган мулкдан олиннадиган даромад.

3. Валюта счётлар ва валюта операциялари бўйича ижобий курс фарқлари.

4. Қимматли қоғозлар, 7боро корхоналари ва бошқаларга қўйилган маблағларни 7борон баҳолашдан олиннадиган фойда.

5. Молиявий фаолиятдан олиннадиган бошқа даромадлар.

#### IV. Тасодифий фойда.

Фавкулудда фойда моддалари – бу олиниши кутилмаган, 77орона фаолиятидан ташқаридаги ҳолатлар ва муаммолар оқибатида олинган ғайри оддий хусусиятга эга фойдадир. Бунга асосий фаолиятидан олинадиган бошқа даромадлар бўлимида кўрсатиладиган ўтган даврларидаги даромадлари ва фойда кирмайди.

Корхонанинг соф фойдаси молиявий натижаларнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Соф фойда миқдорини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тасдиқлаган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни таркиб топиши ҳақидаги» Низомга кўра қуйидаги оралиқ фойда кўрсаткичларини аниқлаш керак:

1. Ялпи фойда= Соф тушум – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан келган фойда (зарар) = ялпи фойда – давр харажатлари ± асосий фаолиятдан олинган бошқа даромад (харажат).

3. Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (зарар)= асосий фаолиятдан олинган фойда + олинган дивидендлар + бошқа олинган дивидендлар ± олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар ± бошқа олинган ва тўланган фоизлар ± валюта курси фарқи ± молиявий фаолият бўйича бошқа даромад (харажат).

4. Солиқ тўлагунга қадар фойда (зарар)= умумхўжалик фаолиятидан келган фойда ± фавкулуддаги фойда (зарар).

5. Соф фойда (зарар) = солиқ тўлагунга қадар фойда – фойдадан солиқ – бошқа солиқлар ва ажратмалар.

#### 5.3. Маҳсулот (иш ва хизматлар)ни сотишдан олинган молиявий натижа ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи мезон - соф фойдадир. Соф фойда миқдорини аниқлаш учун “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби, маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшиладиган ва молиявий натижаларни таркиб топиши ҳақидаги” Низомга асосан оралиқ фойда кўрсаткичларини аниқлаш керак бўлади. Таҳлил қилиш авваламбор, корхона ялпи фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашдан бошланади.

Маҳсулотлар сотишдан олинган ялпи молиявий натижа фойда ёки зарар қуйидаги боғланишлар асосида аниқланади. Яъни, маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириш асосида аниқланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари таркибида асосий ўринни маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда ташкил этади. Молиявий натижаларнинг асосий қисми маҳсулот, иш, хизматларни сотишдан шакланганлиги сабабли таҳлилда асосий

эътибор ушбу қаторнинг режага ваўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва омилли таъсирига қаратилади.

Ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ички имкониятларни излаб топишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, омилли таҳлил усулларида кенг миқёсда фойдаланишни талаб қилмоқда. Шу боисдан, маҳсулот сотишдан олинган фойда ёки зарар ўзгаришида омилли таҳлилга алоҳида аҳамият берилди.

Маҳсулотлар сотишдан олинган фойда (зарар) ҳажмининг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади.

1. Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум ҳажм.

2. Сотилган маҳсулот таннархни.

Маҳсулотлар сотишдан келган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш мумкин.

#### **5.4. Давр харажатларининг таҳлили**

Давр харажатлари дейилганда— бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади. Давр харажатлари таркибига маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган хўжалик сарфлари киритилади. Уларни юзага чиқиш шакли ва ўрнига қараб қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- сотиш харажатлари;
- маъмурий харажатлар;
- бошқа умумхўжалик харажатлари.

Сотиш харажатлари-- маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) таннархига киритилмайдиган харажатлар, маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ягона тартибланиш ва тўғридан тўғри корхона фаолият натижавийлиги боғланиши тартибланган.

Сотиш харажатлари маҳсулотларни харидор ва буюртмачиларга ортиб жўнатиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади.

Сотиш харажатларини иш қақи харажатлари, иш ҳақидан ажратмалар, материал харажатлари, асосий воситалар ва номатериал активлар амортизацияси, реклама харажатлари, иш ва хизматлар, бошқа харажат моддалари бўйича таркибланиш ва тағлил этиш мумкин.

Сотиш харажатларининг қопланиши корхонанинг дастлаб ҳисоб фойдасидан амалга оширилади.

Маъмурий харажатлар қаторига корхона бошқаруви билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади ва уларнинг корхона сарфлари таркибидаги салмоғи сезиларли улушни ташкил этади. Бу бевосита раҳбарлар ва бошқарув аппаратининг хизмати харажатларидир.

Бошқа умумхўжалик харажатлар қаторига юқоридаги таркибга киритилмаган харажатлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ўзлаштириш ва янги

маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади.

### **5.5. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадлар ва харажатлар таҳлили**

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган фойда қаторига корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан ташқари фаолиятдан олинган фойдаси киритилади. Уларбўйича харажатлар ва даромадлар қатори алоҳида таркибланган ҳолда умумий суммада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилади. Операцион даромадлар ва харажатлар ўзининг соф қиймати бўйича ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилиши белгиланади. Бунда операцион жараёнлардан олинган даромадлар улар бўйича харажатлар қийматига фарқланган ҳолда ҳисоботга фойда ёки зарар қаторига туширилади.

Асосий фаолиятдан кўрилган фойдани аниқлаш учун маҳсулотлар сотишдан тушган ялпи фойдадан давр харажатлари ва асосий фаолиятдан олинган бошқа харажатлар чегирилиши, асосий фаолиятдан бошқа даромадлар қўшилиши тавсия этилган.

Корхонада асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар) ва уни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларга баҳо беришда давр харажатлари, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳамдахаражатларни ҳам таҳлил қилиш керак.

Давр харажатлари дейилганда- бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади. Давр харажатлари таркибига маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган хўжалик сарфлари киритилади. Уларни юзага чиқиш шакли ва ўрнига қараб қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- сотиш харажатлари;
- маъмурий харажатлар;
- Бошқа операцион харажатлари.

Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар таҳлилида асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан ташқари фаолиятлардан олинган даромад ва йўқотишларни таҳлил этилади.

Корхонанинг асосий фаолиятдан бошқа харажатларига қуйидагилар киради:

- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари;
- лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чалаликни бартараф этиш харажатлари;
- маслаҳат ва ахборот тизимларига ҳақ тўлаш;
- аудиторлик хизматлари учун тўловлар;
- саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларни ишлабчиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари харажатлари;
- компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар;

- иш ҳақини ҳисоблашда эътиборга олинмайдиган харажатлар, яъни моддий ёрдам;

- вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари;

- соғломлаштириш, халқ таълими, ижтимоий таъминот ва шу каби ташкилотларга бадаллар;

- бюджетга мажбурия тўловлар, солиқлар ва йиғимлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар;

- зарарлар, жарималар, пенялар ва бошқа харажатлар.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф қилинган жарималар ва пенялар;

- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йил фойдалари;

- ёрдамчи хизмат кўрсатувчи тармоқлардан олинган тушумлар;

- асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мол-мулкларни сотишдан олинган даромадлар;

- даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

- товар-моддий бойликларнинг қайта баҳоланишидан кўрилган натижалар;

- давлат субсидияларидан даромадлар;

- холисона молиявий ёрдам;

- бошқа операцион даромадлар.

Асосий фаолиятдан тушган фойда ҳажмига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажми.

2. Давр харажатлари ҳажми.

3. Бошқа операцион даромадлар.

4. Бошқа операцион харажатлари.

Асосий фаолиятдан келган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқланади.

### **5.6. Рентабелликнинг кўрсаткичлар тизими ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Корхоналар фаолиятининг якуни рентабеллик - иқтисодий самарадорлик кўрсаткичида ифодаланади. Бозор иқтисодиёти шароитида рентабеллик фойда олиш даражаси, сарфланган харажат ёки капитал ҳисобига тўғри келадиган фойда ҳажмини белгилайди.

Рентабеллик кўрсаткичлари жами ижтимоий ишлаб чиқариш ва ҳар бир савдо ташкилотлари ва корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бу кўрсаткичда кенгайтирилган ишлаб чиқариш, умумдавлат эҳтиёжларини таъминлаш, халқнинг ижтимоий



ривожланишини юксалтириш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган жонли ва буюм шаклидаги меҳнат тежамининг пул шаклида ифодаланиши ҳамда қўшимча маҳсулотнинг массаси ўз аксини топади.

**Рентабеллик** хўжалик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб, хўжалик фаолияти натижаларини тўла ва ҳар томонлама тавсифлаб беради. Рентабелли корхоналар ҳамма харажатларини ўз даромадлари билан қоплайдилар ва иқтисодиётни ривожлантириш учун қўшимча фойда яратадилар. Корхоналар ўзлари ҳосил қилган фойда ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий-маданий тадбирлар, ходимларни моддий рағбатлантириш учун маблағ сарфлайдилар. Бу ўринда эътиборда тутиш керакки, корхоналар хўжалик фаолиятини иқтисодий томондан мустақкам қилишга фақат рентабелликни ўстириш билангина эришиб бўлмайди. Бунинг учун корхоналарни ихтисослаштириш, уларнинг фаолияти аҳоли ва халқ хўжалиги талабларини қондиришини кўзда тутган ҳолда олиб борилиши, ҳамма ходимларнинг асосий диққатини корхона ички имкониятларидан фойдаланиб, рентабелликни оширишга қаратиш талаб қилинади.

**Рентабеллик кўрсаткичлари** корхоналарнинг хўжалик фаолиятида бир қанча вазифаларни бажаради:

- корхонага қўйилган маблағларнинг қоплаш даражасини кўрсатади. Масалан, корхонанинг рентабеллик даражаси 2 фоиз бўлса, у ҳолда корхонага қўйилган капитал 50 йилдан сўнг қопланади, 4 фоиз бўлса 25 йилдан кейин ва ҳоказо. Ушбу кўрсаткич халқ хўжалигининг алоҳида олинган тармоқлари бўйича ҳам ишлаб чиқилиши керак. Шу асосда, рентабеллик бўйича белгиланган меъёрий кўрсаткич муайян корхоналарнинг рентабеллик кўрсаткичлари билан таққосланиши керак. Халқ хўжалиги бўйича рентабеллик даражаси 20 фоиздан кам бўлмаса, мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Шунда корхонага қўйилган капитал 5 йилда қопланади ҳамда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш учун реал имконият яратилади:

- ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавийлаштириш ва уни қайта тиклаш таъминланади;

- олинган кредит ва қарзларни қайтариш, яъни корхоналарнинг тўлов қобилияти таъминланади;

- ишлаб чиқаришнинг ижтимоий соҳаси ривож топади ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш таъминланади.

Рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг асосий мақсади - бу бозор иқтисодиёти шароитида рентабеллик кўрсаткичларнинг янги тизимини яратиш, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари кўрсатиш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш эвазига ички имкониятларни ахтариб топиш орқали таҳлил

қилинаётган корхона фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўлларини ўргатишдан иборатдир.

Рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун ахборот манбалари сифатида молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади.

Рентабеллик кўрсаткичларини иқтисодий таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсадларидан бири таҳлил қилинаётган иқтисодий кўрсаткичларни ҳолисона ва тўғри баҳолаш учун уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдан ҳамда уларни назарий ва услубий жиҳатдан асослашдан иборатдир.

Рентабеллик кенг қамровли тушунчалар қаторига кирганлиги боис, унинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси хусусида тўлиқ ҳамда мукамал хулоса чиқариш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур. Шу боисдан Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг ваколатли идоралари қабул қилган расмий ҳужжатларга асосан рентабеллик кўрсаткичлар тизими ва уларни ҳисоблаш усулларини кўриб чиқамиз. Иқтисодий адабиётларда ушбу масала юзасидан иқтисодчи олимлар ўртасида бирлик йўқ. Масалан, «Молиявий таҳлил бўйича услубий тавсиялар»да қуйидаги рентабеллик кўрсаткичлари тавсия этилган: сотилган маҳсулот рентабеллиги, асосий воситалар рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги, перманент капитал рентабеллиги, жами капиталнинг рентабеллик коеффисенти.

«Харажатлар таркиби тўғрисида...» Низомга асосан қуйидаги рентабеллик кўрсаткичлари тавсия этилган: жами активларнинг рентабеллиги, сотилган маҳсулот рентабеллиги, хусусий (ўз) капиталининг рентабеллиги.

Бевосита корхоналарнинг молиявий ҳолатига бағишлаган адабиётларда рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлилига кўп эътибор берилган нуфузли ишлардан бири сифатида Э.А.Акрамов<sup>7</sup>томонидан чоп этилган «Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили» ўқув қўлланмани эътироф этиш жоиз. Ушбу ишда муаллиф рентабеллик кўрсаткичларини икки тизимли кўрсаткичларга умумлаштиришни тавсия этган:

#### **I. Умумий рентабеллик кўрсаткичлари:**

- 1) жами активларнинг рентабеллиги;
- 2) ишлаб чиқариш фондларининг рентабеллиги;
- 3) корхонанинг жорий харажатлари рентабеллиги;
- 4) сотилган маҳсулот рентабеллиги.

#### **II. Қўшимча рентабеллик кўрсаткичлари:**

- 1) хусусий (ўз) капиталининг рентабеллиги;
- 2) қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги;
- 3) асосий капиталнинг рентабеллиги;
- 4) айланма капиталнинг рентабеллиги;

<sup>7</sup>Akramov E.A. «Korxonalarining moliyaviy holatini tahlili».- T.: Moliya. 2003.

5) перманент (инвестиция) капиталнинг рентабеллиги.

Бу борада иқтисодчи олимлардан М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исроиловларнинг тавсияларини диққатга сазовор деб ҳисобладик. Уларнинг тавсияларига кўра рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий мазмуни бўйича тўрт гуруҳга бўлинади:

- ишчанлик билан боғлиқ умумий рентабеллик кўрсаткичлари,
- иқтисодий салоҳият билан боғлиқ рентабеллик кўрсаткичлари,
- молиявий салоҳият билан боғлиқ рентабеллик кўрсаткичлари ва
- молиявий бозордаги фаоллик билан боғлиқ рентабеллик кўрсаткичлари.

Бугунги кунда амалиётда кенг тарқалган ва иқтисодчилар томонидан бир қанча рентабеллик кўрсаткичларини аниқлашни қуйидаги усуллари тавсия этилган.

1. Жами активларни рентабеллиги = Соф фойда : активларни ўртача қиймати.

2. Жорий активлар = Соф фойда: жорий активларни ўртача қиймати.

3. Сотилган маҳсулотни рентабеллиги = Соф фойда: маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум.

4. Сотилган маҳсулотни рентабеллиги = Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш танархи: маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум.

5. Корхонанинг асосий фаолиятининг рентабеллиги = Корхонанинг асосий фаолиятининг рентабеллиги.

6. Хусусий (ўз) капиталининг рентабеллиги = Соф фойда: ўз маблағларининг ўртача йилик қиймати.

7. Асосий капиталнинг рентабеллиги = Соф фойда: узок муддатли активларнинг ўртача йилик қиймати.

8. Перманент капиталининг рентабеллиги = Соф фойда: ўз маблағларнинг ўртача қиймати + узок, муддатлик кредитлар + узок муддатли қарзлар.

9. Қарзга олинган капиталининг рентабеллиги = Соф фойда: қарзга олинган капиталнинг ўртача қиймати.

10. Солиқ кесими (срез) = Соф фойда : солиқ, тўлагунга қадар фойда.

11. Реал асосий капиталнинг рентабеллиги = Соф фойда : асосий фондларнинг қолдиқ қиймати + капитал.

12. Сармояланган капиталнинг рентабеллиги (самарадорлиги) = Солиқ, тўлагунга қадар фойда + тўланган фоизлар капитали + узок муддатли қарз капитали.

Тавсия этилган рентабеллик кўрсаткичларидан фақат жами активлар рентабеллиги, сотилган маҳсулот рентабеллиги ва асосий фаолият рентабеллиги мисолида омилли таҳлил усулини кўриб чиқамиз. Қолган кўрсаткичларнинг омилли таҳлилини ҳам шу йўсинда ўтказиш мумкин. Бу ерда умумий таҳлил услуби сақланиб ҳолган ҳолда, айрим таъсир этувчи омиллар ва уларнинг сони таҳлилнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўзгарди.

Жами активларнинг рентабеллиги ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таҳлили. Жами активларнинг рентабеллиги даражаси корхоналарнинг асосий фондлар ва айланма маблағлардан фойдаланиш (самародорлик) даражасини кўрсатади. Ушбу рентабеллик даражасининг нормаси аҳамияти 5 фоиздан 10 фоизгача бўлиши керак. Жами активларнинг рентабеллиги даражаси — корхонанинг бир сўмлик мулкидан неча сўм фойда олганлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич корхоналар ўртасидаги рақобат курашида индикаторлик вазифасини ўтайди.

Рақобатбардошлик даражаси таҳлил қилинаётган корхонанинг жами активларнинг рентабеллиги даражасини ўртача тармоқдаги коэффициенти билан таққослаш орқали аниқланади. Жами активларнинг рентабеллиги даражасини таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар 1-шакл (Баланс), 2-шакл («Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»)дан олинади.

Жами активларни рентабеллик даражасига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади.

1. Соф фойда ҳажмининг ўзгариши.
2. Жами активларнинг ўртача миқдорининг ўзгариши.

Ушбу омилларнинг таъсирини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш мумкин.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили. Ушбу рентабеллик кўрсаткичи бир сўмлик соф тушумга тўғри келувчи харажат бирлигини кўрсатади. Ушбу рентабеллик коэффициентининг ўсиши маҳсулот таннархининг пасайиши ва сотилган маҳсулот рентабеллигини ошишидан далолат беради. Сотилган маҳсулот рентабеллиги кўрсаткичини соф фойдани соф тушумга нисбати тариқасида ҳам аниқласа бўлади. Бунда бир сўмлик сотилган маҳсулот қанча соф фойда бирлигини беришини кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткични таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» дан олинади.

Сотилган маҳсулот рентабеллигига (ишлаб чиқариш таннархи бўйича) қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархини ўзгариши.
2. Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум ҳажмини ўзгариши.

Ушбу омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш мумкин.

### **Корхонанинг асосий фаолиятининг рентабеллик даражаси.**

Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажмини сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш танархиги бўлинади.

Асосий фаолияти рентабеллиги даражасига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда ҳажмини ўзгариши.
2. Сотилган маҳсулотларни таннархини ўзгариши.

Ушбу омилларни таъсирини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз.

Биз юқорида методологик асос сифатида фақат мулк рентабеллиги, сотиш рентабеллиги ва асосий фаолият рентабеллиги даражасининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоб-китобини ҳавола этдик. Бундай ҳисоб-китоблар бошқа рентабеллик кўрсаткичларининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашида ҳам қўлланилиши мумкин.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг мазмуни, мақсади, вазифалари ва ахборот манбалари.
2. Асосий қиймат кўрсаткичлари тизимида фойдани тутган ўрни.
3. Молиявий натижаларни ўрганишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
4. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятдан олинadиган даромадларни таҳлил қилиш ва уларнинг таркиби.
5. Маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойда қандай аниқланади?
6. Маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойданинг ўзгаришига қандай омиллар таъсир қилади?
7. Асосий фаолият фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлили.
8. Давр харажатлари деганда қандай харажатларни тушунасиз?
9. Корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан келган фойда ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таҳлил.
10. Молиявий фаолиятдан кўрилган даромад ва йўқотишлар қандай ўрганилади?
11. Солиқ тўлангунга қадар фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлили.
12. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар қандай таҳил қилинади?
13. Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили.
14. Соф фойда ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш усули.
15. Рентабеллик кўрсаткичларни таҳлил қилишнинг мақсади, мазмуни, вазифалари ва ахборот манбалари.
16. Рентабеллик кўрсаткичлари тизими ва уларни аниқлаш усуллари.
17. Жами активлар рентабеллиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили.
18. Жорий активлар рентабеллиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

## 6-МАВЗУ. АУДИТНИНГ МОҲИЯТИ, ЗАРУРЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ.

### Режа:

6.1. Аудит ва аудиторлик фаолиятининг моҳияти.

6.2. Аудит мақсади ва вазифалари. Аудиторлик фаолиятининг ривожланиш босқичлари. .

6.3. Аудит ва тафтиш, уларнинг ўхшашлик ва фарқли томонлари.

**Таянч сўз ва иборалар:** Аудит усуллари, хужжатли текширув, инвентаризация, калькуляция, тафтиш, тахдид, экспертиза, аудит услуги, аудитнинг турлари, ташқи аудит, ички аудит, молиявий аудит, қонунларга мосликнинг аудити, иқтисодий самарадорликнинг аудити, таваккалчиликнинг аудити, аудитнинг бошқа турлари, аудит турларининг ўзаро боғлиқлиги ва фарқлари, аудитнинг ҳуқуқий асослари, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, аудит стандартлари, аудиторлик шартномаси.

### 6.1. Аудит ва аудиторлик фаолиятининг моҳияти.

Аудит шу кунга қадар узок, тарихга эгадир. Биринчи мустақил аудиторлар Европанинг акциядорлик компанияларида XIX-асрларидаёқ пайдо бўлган. Аудит сўзи турли таржималарда у "эшитида" ёки "эшитмоқда" деган маънони англатади.

Аудитнинг пайдо бўлиши корхонани бевосита бошқариш билан шуғулланаётганлар (маъмурият, менеджерлар) ва унинг фаолиятига пул қўяётганлар (мулкдорлар, акциядорлар, инвесторлар) манфаатларини ажралиши натижаси билан боғлиқдир.

Молиявий маълумотни тўғри эканлигини текшириш ва молиявий ҳисоботни тасдиқлаш учун, акциядорларни фикри бўйича ишониш мумкин бўлган шахслар таклиф этилар эди. Аудиторга нисбатан қўйиладиган асосий талаблардан унинг сўзсиз ҳалоллиги ва мустақиллигидир. Бухгалтерия ҳисобининг мураккабланишига аудиторнинг жиддий малакавий тайёргарликка эга бўлишлигини тақозо этади.

Ўрта асрлардан бошлаб Европада ҳокимият шартномаларини турли жавобгарлар томонидан тасдиқлаб, қайд этиш одат тусига кирди ва шу йўсинда аста – секин бухгалтерия ҳисоби ва назорат шакллани бошлади, XIV асрда икки ёқлама ёзиш усули пайдо бўлди ва мулк йўналиши устидан назорат кучайди.

1862 йили Англияда, 1867 йили Францияда, 1937 йили эса АҚШ да мажбурий аудит тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Ҳозирги пайтда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ўзининг ташкилий ҳуқуқий инфратузилмаларига эга бўлган аудит институтлари фаолият кўрсатмоқда.

## 6.2 Аудит мақсади ва вазифалари. Аудиторлик фаолиятининг ривожланиш босқичлари.

Аудиторлик фаолиятининг ривожланишига 1929–1933 йилларда жаҳон иқтисодий таназзули катта туртки бўлди. Бу даврда аксиядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналарнинг кўпчилиги инқирозга юз тутдилар. Натижада ҳисоботларни, хусусан, баланс, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини тасдиқлаш тартибини қатъий белгилаш уларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини мустақил аудиторлар томонидан текшириш эҳтиёжи юзага келган.

Дастлаб аудиторлик вазифалари аниқ белгиланмаган бўлиб, барча инвесторлар, акциядорлар, кредиторлар аудиторларни ўзларининг ҳимоячиси сифатида қабул қилганлар.

1929-1933 йилларда дунёда вужудга келган иқтисодий инқироз бухгалтер-аудиторларга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Бу вақтда, аудиторлик текшируви сифати ва унинг мажбурийлигига қўйиладиган талаблар кескин кучаяди, бу турдаги хизматларга бозор эҳтиёжи ўсиб боради. Аудит қаллобликка қарши кучли кураш бўлиб қолади.

1940 йилларнинг охиригача аудит асосан амалга оширилган пул операцияларини тасдиқловчи ҳужжатларни текширишдан ва молиявий ҳисоботларда ушбу операциялар тўғри гуруҳланганлигини текширишдан иборат эди. Бу, ибора жоиз бўлса, тасдиқловчи деб аталадиган аудит эди.

1949 йилдан сўнг мустақил аудиторлар, самарали ички назорат тизимида хато қилиш эҳтимоли унча кўп бўлмайди ва молиявий маълумотлар етарли даражада тўлиқ ва аниқ бўлади деб ҳисоблаб, компаниялардаги ички назорат масалаларига эътиборни кўпроқ, қарата бошладилар.

Аудит ривожланишининг учинчи босқичи - бу текширув ўтказишда ёки маслаҳат беришда вужудга келиши мумкин бўлган таваккалчиликка йўналтириш, таваккалчиликни олдини олиш ва бартараф этишдир, яъни: миқдорнинг бизнес шартларидан келиб чиққан ҳолда, асосан хатоликларга йўл қўйилиши мумкин бўлган ёки товламачилик таваккалчилиги энг юқори бўлган жойларни танлаб текширувчи аудитдир.

## 6.3. Аудит ва тафтиш, уларнинг ўхшашлик ва фарқли томонлари.

Мустақиллик йилларигача республикамизда асосан тафтиш хизмати мавжуд бўлиб. Бу хизматнинг асосий вазифаси давлат мулкисининг бутлигини таъминлашга қаратилган эди. Мустақиллик йилларидан бошлаб республикамизга аудит хизмати кириб келди. Бу икки фур фаолият ўртасида мақсади, ташкилий-ҳуқуқий асосларига кўра муҳим фарқланишлар мавжуд. Бу фарқланишлар қўйидаги жадвалда ўз ифодасини топган:

№	Фарқ қиладиган	

	Белгилар	Аудит	Тафтиш
1	Мақсадлари	Молиявий ҳисобот ишончилиги юзасидан фикр билдириш, хизматлар кўрсатиш, мижозга ёрдам бериш ва ҳамкорлик қилиш	Бартараф этиш мақсадида камчиликларни аниқлаш ва айбдор шахсларни жазолаш.
2.	Тавсифи	Ишбилармонлик фаолияти	Ижройи фаолият, фармойишларни бажариш
3.	Ўзаро ҳуқуқий муносабат асослари	Фуқаролик ҳуқуқи, хўжалик шартномаларга асосан амалга ошириш	Маъмурий ҳуқуқ, мажбурийлик, юқори ташкилот ёки давлат идоралари фармойишларига мувофиқ амалга ошириш
4.	Бошқарув алоқалари	Горизонтал (-) алоқалар, мижоз билан муносабатларда тенг ҳуқуқлилик, унинг олдида ҳисобот бериш	Вертикал (!) алоқалар, юқори бўғин томонидан тайинланиш, ижроси тўғрисида унга ҳисобот бериш
5.	Хизматларга тўлов тамойиллари	Тўловни мижоз-корхона ёки аудиторлик текширувини буюртмачиси шартнома асосида амалга оширади	Тўловни юқори бўғин ёки давлат идораси амалга оширади
6.	Амалий масалалар	Мижознинг молиявий ҳолатини яхшилаш, пассив (инвестор, кредитор) ларни жалб қилиш, мижозга маслаҳатлар билан ёрдам бериш.	активларни сақлаш, суистеъмолчиликларни бартараф этиш ва олдини олиш.
7.	Натижалар	Аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси тузиш билан яқунланади. Молиявий ҳисоботнинг ишончилигини тасдиқловчи аудиторлик хулосасининг яқуний қисми чоп этилиши мумкин.	Далолатнома - бу барча аниқланган, хатто аҳамиятсиз бўлган камчиликлар қайд этилган ички ҳужжат. Далолатнома юқори ташкилотга ёки бошқа идораларга тақдим этилиши мумкин.

### Назорат учун саволлар

1. Аудитнинг моҳияти нималардан иборат?
2. Сиз қандай назорат турларини биласиз? Уларнинг қисқа тавсифини беринг?
3. Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
4. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолияти деганда нима тушунилади?
5. Қайси давлатда биринчи бўлиб аудит пайдо бўлган?
6. Аудит яхши ривожланган давлатларнинг номини айтинг?
7. Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатларнинг номини айтинг?



8. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солувчи тизим қандай ташкил этилган?
9. Аудиторлик фаолиятини тартибга солишда Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг вазифалари нималардан иборат?
10. Аудит ва бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги фарқларни изоҳланг?
11. Аудит ва тафтишнинг қандай фарқлари мавжуд?

## **7-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ.**

7.1. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими, унинг элементлари. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва унинг аҳамияти.

7.2. Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари.

7.3. Операцион аудит. Мувофиқлик аудити. Молиявий ҳисобот аудити.

7.4. Ички ва ташқи аудит.

7.5. Мажбурий аудиторлик текшируви. Ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текшируви. Назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббусига кўра аудит ўтказиш хусусиятлари.

### **7.1. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими, унинг элементлари.**

Ўзбекистонда аудит 1991 йилдан ташкил топа бошлади. Ушбу даврдан бошлаб аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Асосий меъёрий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

1. "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Қонуни (1992 йил 9 декабр) 2000 йил 26 май қабул қилинди (қўшимча ва ўзгартиришлар билан)

2. "Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли Қарори (қўшимча ва ўзгартиришлар билан).

3. "Аудитор малака сертификатини бериш тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 13 октябрда 977-сон билан рўйхатга олинган (қўшимча ва ўзгартиришлар билан).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янадата комиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати

учун жавобгарликни ошириш тўғрисида” 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615 сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 2 июлдаги ПҚ-907 сонли қарори.

6. Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги Низом (ЎзРАВ 28.03.2007 й. 1668-сон билан рўйхатга олинган).

7. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари.

8. Ўзбекистон аудиторларининг касбга оид ахлоқ Кодекси. Ўзбекистон аудиторлар Палатасининг 2005 йил 25 июн 3-сон, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2005 йил 4-сон Қарорлари билан тасдиқланган.

9. Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида Низом тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1709-сон билан рўйхатга олинди.

10. "Аудиторлик ташкилотлари фаолияти тўғрисида маълумотлар" шакли ва уни тўлдириш бўйича қоидалар тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 29 ноябрда 1744-сон билан рўйхатга олинди.

Мамлакатимизда шаклланган ва ривожланаётган аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий-меъёрий тартибга солиш тизимини ўрта поғонага бўлиш мумкин. Ушбу тизимнинг биринчи (юқори) поғонасида Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) туради. Ушбу қонун 29 моддадан иборат.

Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг иккинчи поғонаси – аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини (АФМС) ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олади. Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) – бу барча аудиторлик ташкилотлари ўзларининг профессионал фаолиятлари жараёнида риоя қилишлари лозим бўлган ягона асосий тамойиллардир. 1999 йилдан бошлаб шу кунгача бўлган даврда 21та Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарт (АФМС)лари ҳамда аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг турли масалаларини тартибга соладиган бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

учинчи поғона – халқаро ва миллий стандартларни тадбиқ қилиш учун зарур ҳужжатлар тўплами, яъни аудиторлик ташкилотининг ички иш стандартларидан иборат. Бу ҳужжатлар стандартларни қўллаш ва улар асосида аудиторлик фаолиятини ташкил этишга доир маълумотларни ўз ичига олади

## **7.2. Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида” ги ПҚ 615-сон қарори билан “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Мазкур Низом “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунигу мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, аудиторлик ташкилотларининг мақоми, вазифаси, мажбуриятлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси конституцияси, қонунлари, Олий мажлис қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Президент фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, низом талабларига амал қилади.

Аудиторлик фаолияти қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

-аудиторлик текшируви ўтказиладиган шахслардан, шунингдек, ҳар қандай учинчи шахслардан мустақиллик;

-аудиторлик текширувларини ўтказишда холислик;

-аудиторлик текширувини ўтказиётган аудиторлик ташкилотлари мустақил равишда ишлаш усуллари ва методларини танлаши;

- аудиторлик текширувини амалга ошираётган шахсларнинг профессионал компитентлигини;

аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотларнинг махфийлиги.

Аудиторлик ташкилоти, аудиторлик фаолиятни амалга ошириш лицензияси, ўзининг номига эга муҳри, мустақил баланси, банкларда ҳисоб рақамларига эга бўлган юридик шахс ҳисобланади.

Қуйидагилар аудиторлик ташкилотларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

-хўжалк юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг таҳлили ва ишончлилигини тасдиқлаш;

-хўжалик фаолияти самарадорлигини реал ва ҳаққоний баҳолаш;

-мулкдорлар, акциядорлар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқа молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

-хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Аудиторлик ташкилоти уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ молиявий ҳисоботлар ҳамда у билан боғлиқ бўлган молиявий ахборотларнинг қонунчиликка мувофиқлиги ва ишончлилигини аудиторлик текширувларидан ўтказиш, шунингдек, профессионал хизматлар кўрсатади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда аудитлорлик ташкилотлари, авваломбор даромадлилик, капиталдан фойдаланиш даражаси, молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти ва ўзини-ўзи молиялаш даражаси, ишдаги фаоллик мезонларидан келиб чиқади.

Аудиторлик ташкилотлари:

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботлари билан олдиндан танишиб чиқиш;

- аудиторлик текширувини олиб бориш шакллари ва услубларини мустақил белгилаш;

- аудиторлик текширувини ўтказишда хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатлари билан танишиб чиқиш, шунингдек, ушбу ҳужжатда ҳисобга олинган ҳар қандай мулкнинг аниқ мавжудлиги ёки ҳар қандай мажбуриятларнинг аниқ ҳолатини текшириш;

- аудиторлик текшируви давомида юзага келган саволлар бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиш;

- хўжалик юритувчи субъектдан учинчи шахслир ахборотининг ёзма тасдиқномасини олиш;

- ишончли аудиторлик хулосасини тайёрлаш учун барча зарур бўлган ахборотни бермаган тақдирда, аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш;

- аудиторлик текширувини ўтказишда аудиторлар ва бошқа мутахассисларни иштирок этишга жалб этиш;

- аудиторлик текширувини олиб бориш даврида хўжалик юритувчи субъектга бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш, олиб бориш ҳамда молиявий ҳисоботни тайёрлашдан ташқари профессионал хизмат кўрсати;

- аудиторлар жамоат бирлашмасига аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.

### **7.3. Операцион аудит. Мувофиқлик аудити. Молиявий ҳисобот аудити.**

Аудиторлик фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётларни таҳлили аудитни қуйидаги турларга бўлиш мумкинлигини келтириб чиқаради: операцион аудит, мувофиқлик (мослик) аудити ва молиявий ҳисобот аудити.

Операцион аудит - корхона хўжалик механизмининг алоҳида бўлимлари фаолиятини, уларнинг самарадорлиги, ишончлилиги ва бошқарув учун фойдалилигини баҳолаш мақсадида амалга ошириладиган текширувдир.

Операцион аудитда текширувга бошқарув ташкилий тизимининг ҳажми, бухгалтерия ҳисобининг ташкилий услуби ва техникаси, компютер тизимлари, маркетинг услублари ва бошқа жабҳалар киритилиши мумкин.

Мувофиқлик (мослик) аудити - бу корхона хўжалик тизимида амалдаги қонунчиликка оид ҳужжатлар ва йўриқномалар билан белгиланган меъёрларга

ҳамда маъмурият ходимлари учун ишлаб чиқилган муолажа ва қоидаларга қандай риоя этилаётганлигининг текширувидир.

Бюджет томонидан молиялаштириладиган ташкилотлар назорат қилинганда ҳам асосан мослик аудити ўтказилади, чунки бундай ташкилотларда бажарилиши лозим бўлган қоидалар аниқ кўрсатилади.

Молиявий ҳисобот аудити ҳисоб ва ҳисоботда қайд этилган маълумот белгиланган мезонларга мувофиқлигини текшириш учун амалга оширилади. Одатда, бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган тамойиллари ва қоидалари мажмуи мезонлар бўлиб ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот аудити – бу аудитнинг асосий тури бўлиб, молиявий ҳисобот белгиланган мезонлар асосида тайёрланганлигини аниқлайди.

#### **7.4. Ички ва ташқи аудит.**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти мураккаб операциялар ва жараёнларни ўз ичига олади. Корхоналар фаолиятда содир бўлаётган барча ўзгаришларни доимий равишда кузатиб бориш ва назоратини таъминлаш анча қийин кечади. Ушбу муаммолар ички ва ташқи аудит ўтказиш орқали ҳал қилинади.

**Ички аудит** — бу корхоналар фаолиятини манфаатдорларнинг буюртмасига асосан дахлсиз аудиторлар томонидан текшириш ва асосли хулосалар беришдир.

Ички аудитнинг мақсади корхонада тўлиқ фойдаланилмаган имкониятларни аниқлаш, корхона ходимларининг ўз вазифаларини тўлиқбажаришларига яқиндан ёрдам беришдан иборат.

#### **Ички аудитнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киритилган:**

- корхонада ички тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя қилинишни текшириш;
- корхона (фирма) сиёсатига амал қилиш ва сирини сақлашга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилишини текшириш;
- корхона самарадорлиги кўрсаткичларининг ҳдққонийлигини аниқлаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тўғрилигини текшириш;
- корхонанинг жорий ва истикболли бизнес-режасини тузишда яқиндан ёрдам бериш;
- корхона фаолиятига оид жараёнлар бўйича маслаҳатлар (консультациялар) беришдан иборат.

Ички аудитнинг объектлари корхонанинг тўлиқ фаолияти ёки алоҳида хўжалик жараёнлари (операцияси) бўлиши мумкин. Ички аудит натижаларига асосан корхона раҳбарлари ва бошқа манфаатдор шахслар керакли бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятларига эга бўладилар.

**Ташқи аудит** — бу ташқи манфаатдорларнинг буюртмаларига асосан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва экспертиза қилишдир.

Ташқи аудитнинг асосий буюртмачилари давлат бошқарув органлари, таъсисчилар, инвесторлар, кредиторлар, солиқ идоралари, банк муассасалари ва бошқа манфаатдорлар ҳдсобланади.

Ташқи аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- корхона фаолиятида қабул қилинган қонунлар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тўлиқ амал қилинишини текшириш;
- корхона мулкнинг мақсадли фойдаланиши ва самарадорлигини таҳлил қилиш;
- четдан жалб қилинган сармояларнинг тўғри фойдаланишини текшириш;
- солиққа тортилувчи кўрсаткичлар, солиқдарнинг тўғри ҳисобланишини ва бюджетга тўлиқ ўтказилишини назорат қилиш;
- ўзаро ҳисоб-китобларнинг тўғри олиб борилишини текшириш;
- корхонанинг ҳисоб сиёсати ва унга тўлиқ риоя қилинишини аниқлаш;
- молиявий ҳисоботнинг асослиги ва ҳаққонийлигига ҳолисона баҳр беришдан иборат.

Ташқи аудит бетараф ва дахлсиз аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари (фирмалари) томонидан ўтказилади. Ушбу аудит турининг асосий объектлари қуйидагилардан иборат: молиявий натижалар; ўзаро ҳисоб-китоб операциялари, шу жумладан экспорт-импорт, реэкспорт, реимпорт, бартер операциялари; хорижий инвестициялар, пул-валюта операциялари, қимматбохр қоғозлар, хусусийлаштириш билан боғлиқ операциялар.

Ташқи аудит натижалари бўйича асосли қарорлар қабул қилинади.

#### **7.5. Мажбурий аудиторлик текшируви. Ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текшируви. Назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббусига кўра аудит ўтказиш хусусиятлари**

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви (ихтиёрий аудит) — Олий Мажлис қарорига мувофиқ янги таҳрирда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун»нинг 11-моддасига мувофиқ, корхона раҳбариятининг ўз қарорига биноан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўтказилади. Ихтиёрий аудитни ўтказишдан мақсад турхча бўлиши мумкин. Мисол учун, корхона бухгалтерия тизимининг ҳолатини таҳлил қилиш, унинг устидан самарали назорат ўратиш, компютерлашган бухгалтерия тизими фаолиятини текшириш ва ҳ.к.

Ихтиёрий аудит **комплекс ва тематик асосда** ташкил этилиши мумкин.

**Комплекс ихтиёрий аудит** текширувида корхонанинг бухгалтерия ҳисобига оид барча бошланғич ҳужжатлари текширилади, активлар ва мажбуриятлар юзасидан тўлиқ инвентаризация ўтказилади. **Тематик ихтиёрий аудит** текширувида эса корхона бухгалтерия ҳисобининг фақатгина алоҳида бир бўлими, мисол учун, иш хақи юзасидан ҳисоб-китобламинг тўғри юритилаётгани, бюджет билан соҳқ юзасидан ҳисоб-китоблар қонунҳужжатларга асосан оқб борилаётгани аудитор текширувидан ўтади.

**Мажбурий аудит** - «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун» нинг 10-моддасига мувофиқ, қонун-ҳужжатларда белгиланган тартибда, юқори турувчи давлат муассасаларининг талаби билан корхона раҳбарияти буюртмасига асосан

аудиторлар томонидан ўтказиладиган аудит текширувидир. «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун»нинг 10-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида мажбурий аудит текширувидан қуйидаги иқтисодий субъектлар ўтишлари лозим:

Ташқи аудит ўз хусусиятига кўра қуйидаги **икки** кўринишга эга:

1. Ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра: акциядорлик жамиятлари.

2. Фаолият турига кўра:

- банк ва бошқа кредит ташкилотлари;

- суғурта компаниялари;

- инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсламинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг бошқарув компаниялари;

- манбалари юридик ва жисмоний шахсламинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;

- маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;

- устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган корхоналар. .

Мажбурий аудитдан бош тортиш ёки унинг ўтказилишига қаршилик кўрсатиш корхонадан «Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказилишидан бўйин товлаганлик учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисидаги низом» га асосан энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ундиришга ва унинг раҳбарини қонун билан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ундирилган жарималар тегишли давлат органи бюджетига даромад сифатида ўтказилади. Жариманинг тўланиши корхонани аудит текширувидан ўтишдан озод қилмайди.

Аудит текширувининг корхона раҳбариятининг ихтиёрисиз, мажбурий тартибда ўтказилишидан мақсад қуйидагилардан иборат:

1) юқорида келтирилган мажбурий аудит субъектлари кенг жамоатчилик маблағлари билан иш юритадиган банк муассасалари, суғурта ташкилотлари, очик акциядорлик жамиятлари ва ҳ.к. ташкилотлардан иборал. Жамоатчилик бу ташкилотларга ўзининг маълум мақсадларини кўзлаган ҳолда ўз маблағларини ишониб топширади. Аммо бу маблағлар устидан етарлича назоратнинг ўрнатилмаслиги бу маблағларнинг суистеъмол бўлишига олиб келиши мумкин. Лекин беввосита кенг жамоатчиликнинг ўзи бу назоратни олиб боришининг имкони йўқ. Сабаби, жамоатчилик бухгалтерия ҳисоби тизими тақдим этаётган маълумотлардан унумли фойдаланиш, кўрсаткичлами таҳлил этиш ва улар асосида самарали қарор қабул қилиш учун етарли малакага эга эмас. Бу вазиятда аудитор текширилаётган субъект ва жамоатчилик ўртасида боғловчи вазифасини бажаради;

2) катта миқдордаги даромадга эга корхоналарнинг молиявий ҳисоботларига нисбатан мажбурий аудит текширувини белгилаш орқали давлат йирик солиқ тўловчилар фаолияти устидан солиқни тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушиши юзасидан назорат ўматади.

Ўз навбатида, мажбурий аудит текширувини ўтказётган аудиторлик фирмасига ҳам қуйида келтирилган талаблар қўйилади:

1) мажбурий аудит корхонанинг барча фаолият соҳаларини, бухгалтерия ҳисобининг барча элементларини, барча турдаги активларни, корхонанинг ҳамма филиаллари фаолиятини қамраб олиши, бир сўз билан айтганда, аудит текшируви фақат комплекс кўринишда бўлиши керак;

2) аудитор томонидан корхона молиявий ҳисоботига нисбатан бир тарафлама, аниқ хулоса берилиши лозим;

3) мажбурий аудит текшируви аудиторлик фаолиятининг барча стандартларига амал қилинган ҳолда олиб борилиши зарур.

Шу ўринда, мажбурий аудит текширувидан ўтаётган корхона раҳбарияти зиммасига ҳам қуйида келтирилган асосий талаблар белгиланиши мумкин:

1) ихтиёрий аудитдан фарқли равишда, мажбурий аудитда корхона раҳбарияти аудитнинг тематик, яъни бухгалтериянинг фақатгина раҳбарият томонидан белгиланган элементларининг текширилишини талаб этмаслиги лозим. Юқорида таъкидлаганимиздек, аудит текшируви фақат комплекс характерига эга бўлиши зарур;

2) корхона раҳбарияти мажбурий аудит текшируви якунида тақдим этилган аудиторлик хулосасини шу маълумотдан манфаатдор бўлган тарафлардан яширмаслиги керак;

3) мажбурий аудит текшируви якунида аниқланган камчиликлар ва улами бартараф этиш юзасидан тавсиялами олгач, корхона раҳбарияти бу камчиликларни тўғрилаш чораларини кўриши шарт.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилмашидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майгача йиллик молиявий ҳисобот аудиторлик текширувидан ўтказилмаслиги ва аудиторлик хулосаси мавжуд эмаслиги хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши деб эътироф этилади, ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши сифатида жарима солиш учун асос ҳисобланади. Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилмашидан хўжалик юритувчи субъект олдинги йил учун ўз йиллик молиявий ҳисоботини ҳисобот йилининг 1 майгача аудиторлик текширувидан ўтказди ва аудиторлик текшируви тамом бўлгандан кейин 15 кун мобайнида тегишли солиқ органига аудиторлик хулосасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этади. Аудиторлик хулосаси нусхаси солиқ органига белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдирда хўжалик юритувчи



субект соҳқ органига аудиторлик хулосаси мавжуд эмаслигининг сабабини акс этгимвчи тушунтиришни ёзма шаклда тақдим этиши керак.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товласли хўжалик субектининг мансабдор шахсига нисбатан маъмуий жазо қўлланишига олиб келади. Хўжалик субектининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўллангандан кейин календар йил охиригача мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаш хўжалик субектидан қуйида келтирилган миқдорда жарима ундирилишига олб келади («Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товланганлиги учун хўжалик юритувчи субектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисида Низом» нинг 7-банди).

Бунда мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товланган тақдирда хўжалик субектига жарима суд қарори асосида солинади, хўжалик субекти содир этилган ҳуқуқбузарликда айбини тан олган ҳамда жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, жарима солиқ органи томонидан солинади. Жарима қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади. Бунда хўжалик субектининг охириги ҳисобот санасидаги жорий активларининг йигирма фоизидан ортиқ бўлган ялпи жарима хўжалик субектига жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ундириладиган суммани олти ой мобайнида ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилган ҳолда ундириб олинади. Жарима ставкалари табақалаштирилган ва мажбурий текшириладиган хўжалик юритувчи субектнинг ҳисобот йили охирида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган ялпи тушуми миқдорига қараб белгиланадиган миқдорларда ундириб олинади. Хўжалик юритувчи субект жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин. Тўланадиган жарималар тўлиқ миқдорда республика бюджетига ўтказилади.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолияти деганда нима тушунилади?
2. Қайси давлатда биринчи бўлиб аудит пайдо бўлган?
3. Аудит яхши ривожланган давлатларнинг номини айтинг?
4. Аудитнинг моҳияти нималардан иборат?
5. Сиз қандай назорат турларини биласиз? Уларнинг қисқа тавсифини беринг?
6. Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
7. Аудитор ва мижоз ўртасидаги ўзаро алоқалар нималардан иборат?
8. Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
9. Аудит ва тафтишнинг қандай фарқлари мавжуд?
10. Гашаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг буюртмачиси ким?

11. Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатларнинг номини айтинг?
12. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солувчи тизим қандай ташкил этилган?
13. Аудиторлик ташкилотларининг ичида аудиторлик фаолияти стандартларининг роли қандай?
14. Аудиторлик ташкилотларининг бошқа фирмалардан ажратиб турувчи томонлари нималардан иборат?
15. Йирик аудиторлик ташкилотларининг ташкилий тузилмаси қандай?
16. Халқаро тўртликка кирувчи аудиторлик ташкилотларини айтиб беринг.
17. Аудиторлик фаолиятини тартибга солишда Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг вазифалари нималардан иборат?

## **8-МАВЗУ. АУДИТОРЛИК СТАНДАРТЛАРИ ВА АУДИТНИНГ УСЛУБИЯТИ.**

### **Режа:**

- 8.1.Аудиторлик стандартларининг ахамияти ва мақсади.
- 8.2.Аудитнинг халқаро стандартлари.
- 8.3.Аудиторлик ташкилотлари томонидан мижозларни танлаб олиш.
- 8.4. Аудиторлик текшириувини ўтказиш тўғрисида шартнома, дастлабки келишувлар.
- 8.5.Аудиторлик хизматларининг қийматини баҳолаш
- 8.6.Аудиторнинг мижоз олдидаги мажбурият хати.

### **8.1.Аудиторлик стандартларининг ахамияти ва мақсади.**

Аудиторлик стандартлари аудитнинг сифатли ва ишончлигига қўйиладиган меъёрий талабни белгиладиган ва уларга риоя қилишда аудиторлик текшируви натижаларини маълум даражада кафолатли бўлишини таъминладиган умумий асосий талабларини ифодалайди.Иқтисодий шароитлар ўзгариб бориши билан, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар эғтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш мақсадида, аудиторлик стандартлар мунтазам равишда қайтадан кўриб чиқилиши лозим.

Аудиторлик стандартлари асосида аудиторларни тайёрлаш учун ўқув дастурлари ҳамда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш учун ўтказиладиган имтиёзларга қўйиладиган умумий талаблар шакллантирилади.

Суд жараёнида аудиторлик стандартлари, ўтказилган аудит сифатини исботлаш ва аудиторлар жавобгарлиги даражасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Стандартлар аудит ўтказиш учун умумий ёндашиш, аудиторлик текшируви миқёси, аудиторлар ҳисоботларининг турлари, услубият масалалари ҳамда аудит қандай шароитларда ўтказилаётганлигидан қатъий назар , ушбу касб вакиллари қандай асосий тамойилларга риоя қилиш лозимлигини белгилайди. Ўз

амалиётида стандартдан четга чиқишга йўл қўйган аудитор, буни сабабларини тушунтириб бериши лозим.

Стандартларнинг аҳамияти:

-аудиторлик текширувининг юқори сифатли бўлишини таъминлайди.;  
-аудиторлик амалиётига янги илмий ютуқларни жорий этишга ёрдам беради.;  
-аудиторлик текшируви жараёнини фойдаланувчилар томонидан тушунишга ёрдам беради.;

-касбнинг ижтимоий мақомини шакллантиради.;

-давлат томонидан назоратни бартараф этади;

-аудиторга мижозлар билан музокаралар олиб боришга ёрдам беради;

-аудиторлик жараёнининг алоҳида бўлимлари боғланишини таъминлайди.

Ўзбекистонда халқаро тажрибага асосланиб, аудиторлик фаолиятининг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу фаолиятга оид стандартларни ишлаб чиқилишини тақоза этади

Хозирги кунгача республикамизда аудиторлик фаолиятига доир масалаларни акс эттирувчи қуйидаги миллий стандартлар қабул қилинган:

1. 3-сонли "Аудитни режалаштириш" АМС.

2. 5-сонли "Аудитор иши сифатини назорат қилиш" АФМС.

3. 6-сонли "Аудитни ҳужжатлаштириш" АФМС.

4. 9-сонли "Мухимлилик ва аудиторлик таваккалчилиги" АФМС.

5. 10-сонли "Молиявий ҳисобот таркибидаги бошқа маълумотлар" АФМС.

6. 11-сонли "Маълумотларга компьютер ёрдамида ишлов бериш шароитида аудит" АФМС.

7. 13-сонли "Таҳлилий амаллар" АФМС.

8. 14-сонли "Аудиторлик танлаш" АФМС.

9. 16-сонли "Эксперт ишидан фойдаланиш" АФМС.

10.24-сонли «Молиявий ҳисоботнинг чалкашликлари аниқланганда аудиторлик ташкилотининг иш тутиши» АФМС.

11.25-сонли «Аудиторлик текшируви ўтказилаётганда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини текшириш» АФМС.

12.31-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти билан танишиш" АФМС.

13.50-сонли "Аудиторлик далиллар" АФМС.

14.55-сонли «Ўзаро боқлиқ шахслар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далилларини олиш таомиллари» АФМС.

15.56-сонли «Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ходисалар» АФМС.

16.60-сонли «Бошқа аудиторнинг иш натижаларидан фойдаланиш» АФМС.

17.70-сонли "Молиявий ҳисобот тўқрисида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси" АФМС.

18.80-сонли «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудиторнинг ҳисоботи» АФМС.

19.90-сонли "Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари" АФМС.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аудиторлик стандартларига риоя қилиш аудит сифатини ва унинг натижалари ишончилигини кафолатлайди.

## **8.2. Аудитнинг халқаро қоидалари (стандартлари)**

Турли мамлакатлар иқтисодиётида бозор ва интеграция жараёнлари ривожланиши муносабати билан ва, бунинг натижасида, айрим аудиторлик ташкилотлар йирик халқаро гуруҳларга бирлашиши сабабли, аудитни халқаро миқёсида бирхиллаштириш зарурати пайдо бўлди. Ушбу муаммолар амалда бутун дунёда бир бирига ўхшашдир. Шу боис, аудитнинг навбатдаги муаммосини ҳал этувчи маълум мамлакатнинг касбий ташкилоти, аудит стандартларини ишлаб чиқаётган бошқа мамлакатларда ушбу муаммо қандай ҳал этилаётганини ўрганиб чиқиши лозим.

Халқаро миқёсида касбий талабларни ишлаб чиқиш билан бир нечта ташкилотлар шуқулланади. Бевосита халқаро миқёсида аудиторлик стандартлар билан 1977 йилда ташкил этилган Халқаро бухгалтерлар Федерацияси (IFAC) доирасида муттасил мухторият ҳуқуқида фаолият кўрсатаётган Аудиторлик амалиёти халқаро қўмитаси (LAPS) шуқулланади.

Қўмита томонидан чоп этилаётган аудит ўтказиш бўйича халқаро қоидалар (стандартлар) касбий малакаси халқаро даражасидан пастроқ бўлган мамлакатларда касбни ривожлантиришга ва иложи борича аудитга халқаро миқёсида ёндошишга ёрдам беради.

Халқаро аудит стандартлари тизими ҳақида гапирадиган бўлсак, аввалам бор Халқаро аудит амалиёти бўйича комитетнинг вазифа ва усуллари ҳамда ушбу Халқаро Аудит Амалиёт Комитети томонидан ишлаб чиқилган маълумотлар асосида ҳужжатлар ҳажми ва статусини тушунишга ҳаракат қиламиз. Бу халқаро бухгалтерлар Федерациясининг Кенгаши томонидан тасдиқланган бўлиб, 1994 йилнинг июлида чоп этилган инглиз тилидаги вариантыга мос келади.

Аудит ҳамда унинг таркибига кирувчи хизматларнинг миллий стандартлари ҳар бир давлатда ўз шакли ва мазмуни жиҳатдан фарқ қилади. Халқаро Аудит Амалиёт Комитети бундай ҳужжатларга алоҳида эътибор билан ёндошиб, олинган маълумотлар асосида бутун дунё даражасида қабул қилиниши назарда тутилган халқаро аудит стандартлари чоп этилади.

Халқаро Аудит Стандартлари молиявий ҳисобот аудитида қўллаш учун мўлжалланади. Шунингдек, Халқаро Аудит Стандартлари зарур шароитларда бошқа маълумотлар ва аудит турига кирувчи хизматлар аудитида ҳам қўлланилади. Халқаро Аудит Стандартлари асосий тамойиллар ва зарур

шароитларни ўз ичига олади ва шунингдек мос ҳолдаги ёзма равишда берилган таклифлар ҳақида улардан фойдаланиш тартиблари мавжуд.

Асосий тамойиллар, зарурий ҳолатлар ва мос таклифларни тушуниш ҳамда тўқри қўллаш олиш учун Халқаро Аудит Стандартлари ва тушунтириш хатлари ҳамда бошқа материалларни тўлиқ ўрганиб чиқиш лозим.

Айрим ҳолларда аудитор аудитнинг вазифаларини самарали бажариш мақсадида Халқаро Аудит Стандартларидан четга чиқиши мумкин. Агар шундай вазият юзага келадиган бўлса, у ҳолда аудитор бу ҳолни асослаб бермоқи лозим бўлади.

Халқаро аудит амалиёти қўмитаси Халқаро Аудит Стандартларини ишлаб чиқариш каби ҳуқуқига эга. Ушбу ҳужжатларнинг мазмун – моҳияти шундаки, у аудиторлар томонидан қўрсатиши мумкин бўлган хизматлар доирасида Халқаро Аудит Стандартларининг концептуал асосини ишлаб чиқади.

Агарда Халқаро Аудит Стандартларида соддалаштириш мақсадида, махсус кўрсатма келтирилмаган бўлса, аудит ва унга ўхшаш хизматлар учун ягона «аудит» ибора қўлланилади. Махсус кўрсатма ҳақида гап борганда, ўхшаш хизматлар қўрсатувчи шахс субъект молиявий ҳисоботини текширувчи аудиторлар бўлиши шарт эмас.

Аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари бир бири билан ўзаро боқлиқ бўлган тўртта кетма-кет қисмлардан иборатдир.

Буларнинг негизи - қонуниятчилик, мантиқий тамойиллар, аудиторлик фаолияти стандартларининг умумий асосларини ифода этувчи шарт-шароитлардир. Улар аудиторларга фикр шакллантириш учун намуна сифатида ва, хусусан, аниқ бир стандартларни қўллаш мумкин бўлмаган ҳолда, хизмат қилади.

Умумий стандартлар - аудитор олдида турган масалаларни самарали ва малакали бажариши учун у муайян сифатлар ва малакавий даражага (тайёргарлилиги, хабардорлилиги, мустақиллилиги, бетарафлилиги, аудит ўтказишда етарли даражада эътиборлилиги) эга бўлишлигидир.

Ишчи стандартлар - аудит масалаларини бажаришда аудитор томонидан амал қилинадиган қоидалар (режалаштириш, назорат ва текшириш, ишончли маълумотларни тўплаш ва ички назорат тизимини тегишли равишда ўрганиш ва баҳолаш).

Ҳисобот ва аудиторлик ҳулосаси стандартлари - аудиторлик текшируви натижалари бўйича материалларнинг тақдим этилиш тартиби, шакли, мазмуни, жойлаштирилишига тааллуқлидир. Ҳулосада молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисобини юритиш талабларига мувофиқлилиги кўрсатилиши лозим.

Аудиторлик амалиёти бўйича Халқаро қўмита бухгалтерлар федерациясининг Халқаро Кенгаши номидан аудитлар ўтказиш бўйича Халқаро стандартлар ва

аудитлар ўтказиш бўйича Халқаро стандартлар таркибида қўшимча хизмат кўрсатиш бўйича Стандартларидан иборат стандартларни нашр қилди.

Қуйида баъзи-бир стандартнинг мазмуни ва вазифаларини кўриб чиқамиз.

### **IAG 1. Молиявий ҳисоботларнинг мақсад ва кўламлари:**

Стандарт корхона молиявий ҳисоботнинг мустақил аудитор томонидан ўтказиладиган текширувини умумий мақсад ва кўламлари, ҳамда бошқарувчи (раҳбар) ларнинг молиявий ҳисобот учун жавобгарлигини белгилаб беради.

### **IAG 2. Аудит ўтказишга розилик ҳақидаги хат:**

Мижозга аудиторнинг аудит ўтказишга розилик билдириб ёзган хати, аудиторнинг унга аудит ўтказиш ҳақида қилинган таклифга рози эканлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида хизмат қилади, аудитор бажаришни ўз зиммасига оладиган ишнинг қўлланиш ва жавобгарлик даражасини, ҳамда ҳисобот бериш шаклини белгилаб беради.

Стандартда розилик бериш ҳақидаги хатнинг асосий тезиси мавжуд, иловада эса шундай хатга мисол келтирилган.

### **IAG 3. Аудит ўтказишнинг асосий принциплари:**

Стандартда аудитор аудит ўтказётганда амал қилиш лозим булган кейидаги принциплар санаб ўтилади: ҳалоллик, ҳолислик ва мустақиллик, сир сақлай олиш, тегишли малака ва билимларга эга бўлиш, бошқа аудиторларнинг иш натижаларидан фойдаланиш, аудиторлик маълумотларини олиш, режалаштириш, ҳужжатлаштириш, ҳисоб-китоб ва ички назорат тизимини текшириш ва якуний хулосалар ясаш. Халқаро стандартлар ўзгартирилган (такомиллаштирилган) да ҳам мазкур принциплар ўзгартирилмайди.

### **IAG 4. Режалаштириш:**

Стандарт режалаштириш жараёнига молиявий ҳисобот бериш юзасидан ҳам, бошқа молиявий маълумот юзасидан ҳам аудит ўтказиш сифатида қарайди, режалаштириш жараёнининг муҳим элементларини аниқлайди ва унда аудитни тайёрлашда кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларга амалий мисоллар мавжуд.

### **IAG 5. Бошқа аудиторларнинг иш натижаларидан фойдаланиш:**

Стандарт мустақил аудитор аудиторлик хулосаси тайёрлаш учун бошқа бир мустақил аудиторнинг бир ёки бир нечта ҳисоботга киритилган бўлим, филиаллар, шўъба корхоналар ёки ассоциациялар томонидан берилган молиявий ҳисоботга алоқадор булган ишининг натижаларидан фойдаланган ҳолларда қўлланилади. Бошқа аудиторнинг фаолияти натижаларидан фойдаланмоқчи бўлаётган аудитор ҳисобга олиши лозим бўлган жихатларни баён қилади.

**IAG 6. Аудит ўтказилиши муносабати билан бухгалтерия ҳисоб-китобида қўлланилган тизимни ва ички назоратнинг мувофиқ келувчи воситаларини ўрганиш ва баҳолаш:**

Стандартда ички назорат, ҳамда ички назоратнинг ҳолатини урганиш ва баҳолашга мулжалланган аудиторлик тадбирларининг ҳисоб-китоб тизимлари, элементлари, вазифалари ва чеклашлар кўриб чиқилган.

#### **IAG 7. Аудит сифатини назорат қилиш:**

Сифатни назорат қилиш аудиторлик касбига куйиладиган юкори талабларнинг қондирилишида муҳим аҳамият касб этади.

Стандарт алоҳида текширувлар назорати билан умумий сифат назорати ўртасидаги аудиторлик фирмаси тарафидан белгиланган фаркни курсатиб беради. Назорат қилишнинг бу иккала тури ўртасидаги ўзаро боқлиқликнинг мавжуд эканлигининг эътироф этилиши билан бир вақтда, умумий сифат назорати алоҳида аудиторлар устидан ўрнатилган назоратни тўлдириши, лекин унинг ўрнини боса олмаслиги ҳам назарда тутилади. Стандартда аудиторнинг ўзи бажарадиган вазифаларни аудиторлик фаолиятининг асосий қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида алоҳида текширувлар ўтказиш учун ёрдамчиларига топшириш жараёни устидан назоратнинг амалга ошириш масалаларига тўхталиб ўтилган, ҳамда аудиторлик фирмасига унинг иши сифатини назорат қилиш юзасидан амалий маслаҳатлар берилган. Стандартларнинг иловасида сифатни назорат этиш, тадбирларига мисоллар келтирилган.

#### **IAG 8. Аудит маълумотлари:**

Аудит маълумотлари деганда аудитор томонидан унинг молиявий ҳисобот бериш ҳақидаги якуний хулосалари учун асос сифатида хизмат қилувчи хулосаларни тайёрлаш пайтида олинган маълумотлар тушунилади. Стандарт аудит маълумотларнинг асосий хусусиятларини ва манбаларини, ҳамда мазкур маълумотларнинг етарлилиги ва фойдаланишга яроқлилиги масалалари ҳам куриб чиқилади.

#### **IAG 9. Хужжатлар:**

Стандартда хужжатларнинг намунали шакллари ва уларни сақлаш ҳақидаги маълумотлар, ҳамда аудитор тарафидан тузилган ёки олинган ишчи хужжатларга аниқ мисоллар келтирилган.

#### **IAG 10. Ички аудиторнинг иш натижаларидан фойдаланиш:**

Ички аудит корхонада ички назорат ўрнатиш элементи ҳисобланади ва махсус тайинланган ходим томонидан корхона доирасида амалга оширилади. Ички аудитнинг вазифаси - ички назорат механизмини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллашнинг сифатини баҳолашдан иборат. Ички аудит фаолияти натижаларининг асосий қисми, мустақил аудитор томонидан молиявий ахборотни таҳлил қилишда қўлланиши мумкин.

Стандартда мустақил аудитор ички аудиторнинг ишини баҳолаётганда бажариши лозим булган тадбирлар келтирилган.

#### **IAG 11. Алдов ва хатоликлар:**

Стандарт "алдов" ва "хатолик" тушунчалари таърифлаб беради, алдовнинг ва хатоликнинг олдини олиш учун корхона раҳбари масъул эканлигини белгилайди. Аудитор аудитни алдов ва хатоликлар натижасида юзага келадиган маълум миқдордаги жиддий моддий камчиликларининг аниқланиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда режалаштириши лозим.

#### **IAG 12. Таҳлилий текшурув:**

Стандартда таҳлилий текширув ва унинг вазифалари, ўтказилиш вақти хусусида, ҳамда аудит ўтказиш пайтида бу тадбирларга қай даражада суяниш мумкинлиги хусусидаги тавсиялар берилган, шунингдек стандартларда меъёрдан қайри оддий равишда четга чиқиш ҳолатларининг ўрганилиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилган.

#### **IAG 13. Молиявий ҳисоботлар бўйича аудитор хулосаси:**

Стандарт корxonанинг молиявий ҳисобот беришини мустақил равишда текшириш материаллари бўйича тузиладиган аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмуни хусусида тавсиялар беради. Сўзсиз хулосаларга берилиши мумкин булган таърифларни ва сўзсиз хулосадан фарқ қилувчи хулоса яшаш мумкин бўлган ҳолатларини кўриб чиқади.

#### **IAG 14. Таркибида текширилган молиявий ҳисоботлар мавжуд булган ҳужжатлардаги бошқа маълумотлар:**

Стандартларда "бошқа маълумотлар" тушунчасига таркибида корxonанинг текширилган молиявий ҳисоботлари бўлган ҳужжатга аудиторнинг тегишли хулосаси билан биргаликда киритилган молиявий ва молиявий бўлмаган маълумотлар сифатида таъриф берилади. Бундай ҳужжат одатда корхона томонидан бир йилда бир марта тайёрланади ва кўпинча "йиллик ҳисобот" деб номланади: Баъзи бир ҳолларда аудитор бошқа маълумотлар ҳақида конунга мувофиқ равишда хабар бериши шарт, баъзи ҳолларда эса аудитор учун бундай мажбурият кузда тутилмайди. Стандартда аудиторнинг у ҳақда хабар бериши шарт булмаган бошқа маълумотларнинг аудитор томонидан қилинадиган таҳлилини, ҳамда аудитор бошқа маълумотларда жиддий номувофиқлик ёки жиддий хатоликлар аниқланган ҳолларда қандай ишларни амалга ошириши лозимлиги масалалари кўриб чиқилади.

#### **IAG 15. Маълумотларга электрон ишлов беришни қўллаш шароитларида аудит ўтказиш:**

Стандартда Маълумотларга электрон ишлов беришни қўллаш шароитларида IAG 3 "Аудит ўтказишнинг асосий принциплари" стандартига мувофиқ, келиши лозим бўлган қўшимча тадбирларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар берилган. Аудитор тайёрлаш ва унинг малакасини оширишга қўйиладиган талаблар, ҳамда унинг аудит ўтказишни ёрдамчиларга топшираётганда ёки бошқа аудиторларнинг шу натижаларидан фойдаланиш пайтида риоя қилиши лозим бўлган шартлар келтирилган.

#### **IAG 16. Аудитнинг компьютер усуллари:**



Стандарт аудитнинг компютер усуллари, айниқса дастурий таъминот ва текширув маълумотларига нисбатан қўллашга доир тавсияларни ўз ичига олган. Аудитнинг компютер усуллари қўллаш мумкин бўлган холлар ва уни қўллашнинг асосий босқичлари, уларни қўллаш масаласи ҳал этилаётганда ҳисобга олиниши лозим бўлган омиллар ҳамда аудитнинг компютер усулларида кичик корхоналардаги шароитларда фойдаланиш масаласи кўриб чиқилган.

**IAG 17. Манфаатдор томонлар:**

Стандартда манфаатдор томонларнинг мавжудлиги ва улар билан ўтказилган операцияларга тааллуқли, аудит ўтказиш учун керакли ва етарли миқдордаги маълумотларни олишнинг чора-тадбирлари келтирилган. 24-Стандарт "манфаатдор томон ҳақидаги маълумотнинг ошкор қилиниши"да баён қилинган ошкор қилиш ҳақидаги таъриф ва талаблардан келиб чиқади ва аудиторга корхона раҳбарининг манфаатдор томонлар билан алоқалар ва 24-Стандартга мувофиқ равишда биргаликда ўтказилган операциялар ҳақида ёлқон маълумот берилганлигини аниқлашга ёрдам беради.

**IAG 18. Эксперт хизматидан фойдаланиш:**

Стандартда мижоз ёки аудиторнинг эксперт (мутахассис) хизматидан фойдаланиш холларига оид тавсиялар берилади. Шундай холларда мисоллар, ҳамда экспертнинг малакаси, чуқур билимга эга ва холис бўлишига доир тавсиялар берилади. Стандарт аудитор экспертлар билан алоқа ўрнатаётганда ва алоқани давом эттириши пайтида ҳисобга олиши лозим бўлган ҳолатларни белгилаб беради ва экспертнинг фаолиятини баҳолаш учун аниқ таклифларни илгари суради.

**IAG 19. Аудиторлик танлови:**

Стандартда аудитор аудиторлик танлови учун маълумотлар танлаб олиш жараёнини ва аудит жараёнининг натижаларини баҳолашни амалга оширишда ҳисобга олиши лозим бўлган омиллар санаб ўтилган. Стандарт танлашнинг статик (тургун) усуллари нисбатан ҳам, статик бўлмаган усуллари нисбатан ҳам қўлланилади ва танлашдаги таваккалчилик, сертификатлаш, танлаб олиш ва хатоларни олдиндан кўра билиш усуллари каби масалалардаги асосий амалий тавсияларни таклиф этади.

**IAG 20. Маълумотларга электрон ишлов беришдан фойдаланишнинг ҳисобга олиш тизимини ва ички назоратнинг тегишли воситаларини ўрганиш ва баҳолашга таъсири:**

Стандарт ҳисобга олиш тизими ва ички назорат механизминини шароитларида ўрганиш ва баҳолашга мўлжалланган ва Халқаро аудит стандартлари «Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган тизим ва ички назоратнинг тегишли воситаларини аудит ўтказиш муносабати билан ўрганиш ва баҳолаш» ва Халқаро Аудит Стандартлари «Стандарт ҳисобга олиш тизими ва ички назорат

механизминидан фойдаланиш шароитларида аудит ўтказиш» стандартларида баён қилинган тавсиялар қўшимча тавсиялар бўлиб хизмат қилади.

### **8.3. Аудиторлик фирмалар томонидан миждозларни танлаб олиш.**

Аудиторлик текширувининг муваффақиятсизлик таваккалчилигини камайтириш мақсадида аудиторлар ва аудиторлик фирмалар бўлажак миждозларни баҳолаш учун ишончли мезонларга эга бўлишлари лозим. Миждозни атрофлича ўйламаган ҳолда муваффақиятсиз танлаш йирик молиявий ва маънавий харажатларга олиб келиши, фирма ва аудитор обрўсига путур етказиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида бозорни шакллантириш даврида кўпчилик савдосотик билан шуқулланувчи тизимлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни тузишга буюртма бериши муносабати билан, аудиторлик фирмалар томонидан миждозларни пухта ўйлаб танлаб олиш тизимига эга бўлиши айниқса муҳимдир.

Аудиторлик фирмалар томонидан миждозларни танлаб олиш бўйича асосий муолажалар қуйидагилардан иборат:

- 1) тармоқ тавсифини баҳолаш;
- 2) аудиторлик текшируви ва мазкур миждознинг мақсадлари ва келажақда унинг натижаларидан фойдаланиш имкониятини аниқлаш;
- 3) раҳбарларнинг ўзига хос бўлган томонларини аниқлаш;
- 4) аудит ўтказиш учун сарфланиши мумкин бўлган меҳнат ҳажми ва мураккаблиги ҳамда аудиторлик таваккалчилигига олдиндан баҳо бериш;
- 5) аудиторларнинг алмаштирилиши ёки бир неча маротаба алмаштирилиши сабабларига баҳо бериш;
- 6) аудит натижалари бўйича аввалги аудиторлик хулосаларидаги шарҳлар билан танишиш;
- 7) бўлажак миждознинг солиқ идоралари, банклар, ҳамкорлар, акциядорлар ва молиявий ҳисоботнинг бошқа фойдаланувчилар билан ўзаро алоқаларидаги тавсифлари ва муаммоларини аниқлаш;
- 8) тақдимномалар олиш (масалан, турли ташкилотлар, мутахассислар ва бошқалардан);
- 9) ҳисоботни таҳлилий текшириш;
- 10) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳолати ҳамда бўлажак миждознинг жорий ва вужудга келиши мумкин бўлган муаммолари билан олдиндан танишиш;
- 11) тегишли ходимлар мавжудлиги, миждоз тармоқини билишлик ва ҳоказолар нуктаи назаридан келиб чиқиб, аудиторлик фирмаси ёки аудитор ушбу ишни бажара олиш имкониятини баҳолаш.

Агар юқорида қайд этилган ёки бошқа муолажалар натижалари аудит таваккалчилиги юқори даража деб кўрсатса, қўйилган масала аудитор учун жуда ҳам мураккаб ва меҳнат сарфининг ҳажми кўп бўлса, миждоз хизмат кўрсатиш учун қабул қилинмайди.

Аудиторлик фирмалари мижозларини бир нечта турларга ажратиш мумкин, масалан, аудиторлик текшируви жараёнида "мижоз-аудитор" ўзаро алоқаларидан келиб чиққан ҳолда.

Юзаки-расмий: ушбу турдаги мижозлар аудитор билан яқин алоқа боқлашни истамайдилар ва аудиторлик текширувини тезкорлик билан яқунлашни талаб қиладилар. Бу ҳолда, аудитордан мижоз учун энг кам сарфланган вақт ва харажатлар билан, фақат аудиторлик хулосасини тайёрлаш ва тақдим этиш талаб қилинади.

Норасмий: бу турга аудитор билан яқин алоқа ўрнатадиган ва унинг ёрдамига ишонадиган мижозлар киради. Бунда ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда, асосий иш билан бир қаторда, ташқи аудитор ички аудиторнинг айрим вазифаларини бажаради, шунингдек, одатда, бир қатор қўшимча хизматлар ҳам кўрсатади (маслаҳат бериш, таҳлил, амалий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар).

Аудитор аудит ўтказиш тўғрисида шарнома тузишдан олдин мижоз қайси турга мансуб эканлигини аниқлаши лозим.

Агар мижоз норасмий турга мансуб бўлса, аудитор келажақдаги қўшимча равишда маслаҳатлар моҳиятини, аудиторлик текшируви натижалари бўйича кутилаётган қўшимча маълумотлар мазмунини аниқлаши керак. Аудиторлик текшируви тўғрисидаги шартномада ушбу барча масалаларни акс этилиши мақсадга мувофиқдир.

#### **8.4. Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида шартнома**

Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартнома "мижоз-аудитор" ўзаро муносабатларини чегаралаб берувчи расмий ҳужжат ҳисобланади ва умумий жиҳатлари билан тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган оддий шартномалардан фарқ қилмайди. Бу ҳужжат, бошқа шартномалар каби, томонларнинг, яъни шартнома иштирокчиларининг, бу ерда буюртмачи-мижоз ва ижрочи-аудитор, ўзаро келишилган манфаатларини ҳуқуқий томондан тартибга солади.

Шунинг билан бир қаторда, аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартнома тадбиркорликда қўлланиладиган бошқа шартномалардан муҳим фарқлари ҳам мавжуд - бу, биринчи навбатда, шартнома тузиш вақтида ошкорасиз ҳолда учинчи томон (молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар) манфаатларини ҳисобга олишдир. Зеро, амалда, агар текширув сифатсиз ўтказилганлиги натижасида зарар етказилса, аудитор нафақат мижоз олдида, балки ушбу фойдаланувчилар олдида ҳам масъулдир. Шартнома имзоланишидан олдин, аудитор ўзи учун нафақат имконияти борича мижоз истакларини аниқроқ билиб олиши, балки унга ўз буюртмасини тўғри шакллантиришда ёрдам бериши лозим. Ўтказиладиган аудиторлик текшируви сифати ҳамда аудитор ва мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўп жиҳатдан аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартнома аниқ тузилганлигига боқлиқдир.

Кўпчилик аудиторлик фирмалар шартнома тузишнинг стандартвий шаклларидан фойдаланадилар, лекин, шунга қарамасдан, шартномада аниқ бир корхонани аудит қилиш хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир, зеро мижозлар, кўп ҳолларда, унинг маъноси ва моҳиятини етарли даражада тушунмасликлари мумкин.

Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартномада аудитор томонидан аудиторлик хулосасини тақдим этишдан воз кечиш имкониятини акс этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, текширув ўтказиш учун керакли бўлган ҳужжатларни мижоз томонидан тақдим этиш муддатларини белгилаш лозим, чунки кўп ҳолатларда, бухгалтерия ҳисоботи ҳали тайёр бўлмасдан туриб мижозлар аудиторни таклиф қиладилар, бу, ўз навбатида, ишни жуда ҳам мураккаблаштиради.

Шартномада мижоз томонидан аудиторлик фирмага олдиндан пул тўлашни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир, зеро олдиндан пул тўланиши аудиторни молиявий мустақиллигини таъминлайди, текширув ўтказиш жараёнида мижоз томонидан ўтказилган аудит учун тегишли ҳақини тўламаслик йўли билан кўрқитиб "тазйик" ўтказишни олдини олади. Одатда, аудиторлик фирмалари томонидан олдиндан пул ўтказиш миқдори тўғрисидаги талаблари 50 фоиздан 100 фоизгачани ташкил этади.

Шартномада текширув жараёнида мижоз томонидан аудиторга ёрдам кўрсатиши лозимлиги тўғрисида мажбур эканлигини кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир (инвентарлаш ўтказишда ёрдам бериш учун ўз ходимларини жалб қилиш, хизмат сафарига чиқиш зарурияти бўлганда аудиторини транспорт воситаси билан таъминлаш ва бошқалар).

### **8.5.АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ**

Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартномани тузишда аудиторлик хизматларининг қийматини баҳолаш муҳим ўрин тутади. Хизматлар қийматини пасайтирмасликка ҳам ва кўтармасликка ҳам интилиш лозим, зеро униси ҳам буниси ҳам, кўпчилик ҳолатларда, айниқса у ушбу аудиторлик фирмасига биринчи бор мурожаат қилган тақдирда мижозни "чўчитиб" юборади.

Ўзбекистонда аудиторлик хизматлари бозори тобора шаклланиб бориши натижасида аудиторлик хизматларига оид нарх-наволар тартибга солинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда аудиторлик хизматлари қийматини баҳолаш мавжуд бўлган турларини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- аккорд тўлови;
- вақтбай тўлови;
- ишбай тўлови;
- натижалар бўйича тўлов;
- аралаш тўлови.

Аккорд тўловида аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартномада тўлов суммаси текширув бошланмасдан олдин белгиланади ва қайд этилади. Айрим аудиторлик фирмалар ушбу суммани мижознинг молиявий имкониятлари ёки бошқа бир мезонлардан келиб чиқиб эркин белгилайдилар. Лекин, мамлакатимизнинг кўпчилик фирмалари шартнома тузишдан олдин мижоз фаолияти хусусиятлари билан танишиш, тахминий аудиторлик таваккалчилигини баҳолаш ва бажариладиган ишларга сарфланадиган меҳнат ҳажмларини аниқлаш мақсадида, аудиторга муайян ҳақ тўлаб уни мижоз билан танишиб чиқиш учун юборадилар. Шундан кейин, аудиторлик фирмаси бажариладиган ишларнинг умумий қийматини белгилайди ва мижоз билан шартнома тузади.

Вақтбай тўлови - барча давлатларда аудиторлик хизматлари бозорида энг кўп тарқалган тўлов туридир. Агар кўзда тутилмаган вазиятлар натижасида меҳнат сарфи ҳажми кўпайса, ишлар қиймати ҳам мутаносиб равишда ошиб боради.

Вақтбай тўлови аудиторнинг бир соат (кун) иш вақтини баҳолашга асосланади ва унинг малакасига ҳам боқлиқдир.

Ишбай тўлови - одатда бухгалтерия ҳисобини тиклашда қўлланилади. Ҳисоб-китоб ҳисобдаги ҳар бир операция, ҳар бир кўрсаткич қийматини аниқлашдан келиб чиқади.

Натижалар бўйича тўлов - аудитор кўрсатилган хизматлар учун олдиндан қийматини белгиламайди, тўлов миқдорини эса, бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, солиқларни тўлаш ва бошқалардан аниқланган хатолар ва ноаниқликлардан мижоз учун иқтисод қилинган молиявий ресурслардан улуш сифатида белгилайди.

Аралаш тўлови - бу юқорида қайд этилган тўловлар турлари ва хилларидан ташкил топган мажмуидир. Масалан, шартномада хизматларнинг умумий қиймати белгиланади (аккорд) ва шунга қўшимча равишда, иқтисод қилинган сумма, кўзда тутилмаган вазиятлардан келиб чиқадиган ресурслардан маълум фоиз киритилади.

## **8.6. АУДИТОРНИНГ МИЖОЗ ОЛДИДАГИ МАЖБУРИЯТ-ХАТИ**

Мижоз ва аудитор ўртасидаги ўзаро келишувини белгиловчи қўшимча ҳужжат бўлиб аудит ўтказишга розилик бериш тўғрисидаги ва аудитор томонидан ўз мижозига йўлланган хати ҳисобланади (ушбу ҳужжатдан олдин мижознинг тегишли расмий таклифи мавжуд эканлиги назарда тутилади).

Аудитор ва мижоз ўртасидаги бир маротаба бўладиган келишувларда аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги розилик хати томонлар ўртасида тузиладиган шартнома ўрнини босиши мумкин.

Бунда аудитор томонидан таклиф этилган текширув шартларига мижоз ёзма равишда розилик билдириши лозим.

Мижозга йўлланган аудитор (аудиторлик фирмаси)нинг мажбурият-хати аудит ўтказишга розилигини ёки айрим корхоналар ва ташкилотлар (банклар,

жамқармалар, суғурта компаниялари, очик турдаги акциядорлик жамиятлар ва бошқалар) учун қонунчиликда кўзда тутилган расмий аудиторларни таклиф этилишини тан олганлигини тасдиқлайди.

Аудиторлик текшируви бошланишдан олдин миждозга хат йўлланиши миждозни ҳам аудиторни ҳам манфаатларига мос келади, чунки бу аудиторлик текшируви яқунлангандан кейин икки тарафнинг мажбуриятларига оид кўплаб англашилмовчиликларни олдини олиш имкониятини яратади.

Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги хатда қуйидагилар кўрсатилади:

- аудит ўтказилишининг зарурияти;
- корхонада бухгалтерия ҳисоби ишончилиги ва назорат самарадорлигини аниқлаш учун тест текширувларини ўтказиш ҳамда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосланганлиги, аниқлиги ва ишончилиги, қабул қилинган ҳисоб тартиби амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш мақсадида маълум муолажаларни амалга ошириш зарурлиги.

Хатнинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

- аудит объектларини ёритиш (бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот) ва унинг миқёсларини аниқлаш (текширув мазмуни ва муддатлари);
- тақдим этилган маълумотлар учун миждознинг масъуллигини белгилаш;
- амалдаги меъёрий ҳужжатлар, қонунчилик ёки малакали аудиторлик бирлашмалар тавсиялари, аудитор риоя қиладиган қоидалар доирасида аудит чегараларини белгилаш;
- аудиторлик фаолияти натижалари бўйича жамловчи хулоса, ҳисобот ёки бошқа турларини аниқлаш;
- ички назорат тизими номукамаллиги сабабли муҳим аниқсизликлар ёки хатолар аниқланмай қолиниши таваккалчилигини белгилаш;
- аудит пайтида ўрганиладиган барча мунтазам ва таҳлилий ҳисоб, ҳужжатлар ва бошқа турдаги керакли маълумотлардан бемалол фойдаланиш имконини яратиш;
- тадбиркорлик билан боқлик, бўлган сирни сақлаш тўғрисида аудиторнинг мажбурияти.

Аудит ўтказиш тўғрисида розилик берилган хатда аудитор ва миждоз жавобгарлиги белгиланади. Аудитор жавобгарлиги деб амалдаги қонунчиликка ва томонлар келишувига мувофиқ аудиторнинг маънавий ва моддий жавобгарлиги тушунилади. Аудитор молиявий ҳисоботга оид ўз хулосаси бўйича жавобгардир.

Миждоз жавобгарлиги деб аудиторлик текшируви учун молиявий ҳисобни ташкил этувчи, амалдаги қонунчиликка ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ мавжуд бўлган маълумотни тўлиқ тақдим этиши ва аудиторлик хулосасидан мақсадга мувофиқ фойдаланиши тушунилади.

### Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасида нечта аудиторлик фаолиятининг стандартлари ишлаб чиқилган?
2. Аудиторлик фаолиятининг аҳамияти нималардан иборат?
3. Аудиторлик стандартларининг тавсифини келтиринг?
4. Халқаро аудиторлик стандартлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари халқаро аудиторлик стандартларидан фарқли томони нималардан иборат?
6. Аудиторлик фаолиятининг ички стандартлари тўғрисида умумий тавсиф беринг?
7. Аудиторнинг миждоз олдидаги мажбурият хатининг мазмунини айтиб беринг?
8. Муҳимлик деганда нима тушунилади?
9. Аудиторлик rischi нима?
10. Аудиторлик фирмалари томонидан миждозларни танлаб олишда нималарга эътибор бериш керак?
11. Аудиторлик текширувини ўтказиш учун қандай ҳужжат тузилади?
12. Ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг қиймати қандай белгиланади?

### Адабиётлар:

1. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. (янги таҳрир) 2000 йил 26 май, Тошкент.
2. “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365 сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (3, 4, 6, 9, 10, 11, 13, 14, 15, 16, 25, 31, 55, 56, 60, 70, 80, 90)
4. Аудит. Тулаходжаева М.М., Жураев Т. И. ва Гулямова Ф. Г. умумий таҳрири остида тайёрланган Ўқув қўлланмаси. – Т.: ТДИУ ва ЎБАМАМ, 2004 йил.
5. Адамс Р. Основы аудита: Пер. с англ.; Под ред. Я. В. Соколов – М.; Аудит. ЮНИТИ. 1995 г.
6. Аренс А., Лоббек Дж, Аудит: Пер. с англ.; Гл. Редактор серии проф. Я. В. Соколов. – М.: Финансы и статистика. 1995 г.
7. Аудит Монтгомери. Ф.Л. Дефлиз, Г.Р.Дженик, В.М. ОРейлли, М.Б.Хирш: Пер. с англ., Под ред. Я.В.Соколова. М., Аудит. ЮНИТИ. 1997 г.
8. Аудит: Учебник для вузов. Под ред. В.И.Подольского. М. ЮНИТИ. 2001 г.
9. Тулаходжаева М.М. Корхоналар молиявий ҳолатининг аудити. – Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1996 йил.
10. Тулаходжаева М.М. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими, Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1998 йил.

## 9-МАВЗУ. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ СТРАТЕГИЯСИ

### Режа:

9.1. Аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси.

9.2. Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши.

9.3. Аудиторлик хулосасининг тузилиши.

**Таянч сўз ва иборалар:** аудит натижаларининг умумлаштирилиши, аудиторлик ҳисоботининг мазмуни, аудиторлик ҳисоботининг таркиби, аудиторлик ҳисоботининг тузилиши, аудиторлик ҳисоботнинг тақдим этилиши, аудиторлик хулосасининг моҳияти, аудиторлик хулосасининг таркиби, аудиторлик хулосасининг турлари, аудиторлик хулосасини тузиш тартиби, аудиторлик хулосасининг тақдим этилиши.

### 9.1. Аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси.

Аудиторлик фирмаси ўтказилган текширув натижаси юзасидан мижозга ёзма кўринишдаги ҳисобот тақдим этади. Текширувни ўтказиш жараёнида эса аудиторлик фирмаси оралиқ ҳисоботларни ёзма ёки оғзаки кўринишда раҳбариятга бериши ҳам мумкин. Бу ишчи қоғозлар аудиторлик ҳисоботи деб номланади. «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси» номли № 70 АФМС (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 10. 03. 2001 йил № 1016 сон билан рўйхатга олинган) нинг 3 бандига кўра аудиторлик ҳисоботи — хўжалик юритувчи субъект раҳбари, мулкдори, иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишига тақдим этиладиган, аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартиблардан четга чиқилган ҳоллари, молиявий ҳисоботлардаги қоидабузарликлар тўғрисида батафсил маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш натижасида олинган ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос ҳисобланган бошқа ахборотлардан иборат бўлган ҳужжат.

Аудитор ҳисоботидаги маълумотлар мижоз раҳбарияти учун бухгалтерия ҳужжатларида, ички назорат тизимида мавжуд бўлган ва молиявий ҳисоботларда нотўғри маълумотларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи камчиликларни ўрганиш имконини беради. Шунингдек, ҳисоботда корхонанинг бухгалтерия ва ички назорат тизимида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тақлифлар ҳам келтирилади.

Аудиторлик ҳисоботида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

а) номи («Аудиторлик ҳисоботи» ёки «Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи»); иккала ном бир хил кучга эга);



- б) адресат номи;
- в) кириш қисми;
- г) таҳлилий қисм;
- д) якуний қисм.

Аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир саҳифасига молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) имзо чекиши шарт. Аудиторлик ҳисоботи буюртмачининг барча зарурий реквизитлари кўрсатилган ҳолда аудиторлик текшируви буюртмаслиисига юборилади.

Аудитор мижоз молиявий ҳисоботида муҳим камчиликларни юзага келтириши мумкин бўлган ёки келтирган барча хатоликлар, камчиликларни мижоз раҳбариятига тўлиқ баён этиши лозим. Аммо аудитор ҳисоботи мижоз корхонанинг бухгалтерия тизимидаги барча хатоликлар и акс эттирмайдил Бу ҳисоботда фақатгина аудитор томонидан текширув давомида аниқланган хатоликларга кўрсатилади. Аудиторнинг текширув давомида барча услубларни самарали қўлламаганлиги сабабли баъзи камчиликлар, хатоликлар аниқланинай қолган бўлиши мумкин.

## 9.2. Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши

Аудиторлик ҳисоботи қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

- кириш қисм;
- таҳлилий қисм;
- якуний қисм.

Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида аудиторлик ташкилоти реквизитлари, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясининг рақами ва санаси, аудиторлар ва аудиторлик текширувида қатнашган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи келтирилади.

Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисмида АФМС га ҳавола қилиниб, қуйидагилар бўлиши шарт:

хўжалик юритувчи субъект ички назоратнинг ҳолатини текшириш натижалари (батафсил баёни);

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳолатини текшириш натижалари;

молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунчилик талабларига риоя этилишини текшириш натижалари;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар и ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари;

активламинг бутлигини текшириш натижалари.

Хўжалик юритувчи субъект ички назоратининг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ислиига олиши керак:

ички назорат тизим и хўжалик юритувчи субектнинг фаолияти миқёслари ва хусусиятига мувофиқлиги умумий баҳоси;

аудиторлик текшимви мобайнида аниқланган, ички назорат тизими хўжалик юритувчи субект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига жиддий мос келмасликлари баёни.

Хўжалик юритувчи субектнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

аудиторлик лекшируви давомида аниқланган, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартибини жиддий буз ишлар баёни.

Хўжалик юритувчи субект томонидан молиявий-хўжалик операцияларини амалга ошириш пайтида қонунларга риоя этилишини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

хўжалик юритувчи субект амалга оширган м олия-хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;

аудиторлик текшимви давомида аниқланган, хўжалик юритувчи субект амалга оширган молиявий-хўжалик операцияларининг қонунчиликка жиддий мос келмасликлари баёни. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тузилган ва тегишли овганларга тақдим этилган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрилигининг баҳоси;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар и ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартибини бузиш фактлари, солиққа тортиладиган базани белгилаш пайтидаги четга чиқишлар баёни.

Активлар бутлигини текшириш натижалари активлар инвентаризациясига асосланиши ва ўз ичига уламинг ҳақиқатда мавжудлиги ва бутлиги тўғрисидаги маълумотлари бўлиши керак.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми аудиторлик ташкилотининг аниқланган четга чиқишлар ва қоида бузилишларини бартараф эл ишга доир тавсияларини, шунингдек, хў жалик юритувчи субектнинг молия-хў жалик фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлари ва маслаҳатларини ўз ичига олиши керак.

Аудиторлик ҳисоботи бутун текширув давомида тайёрланади ва текширув якунида мижоз раҳбариятига берилади.

Аудиторлик ҳисоботи махфий ҳужжат ҳисобланади ва фақатгина қуйидаги шахсларга тақдим этилиши мумкин:

- аудит текширувини ўтказиш учун шартномани имзолаган шахсга;

- аудит текширувини ўтказиш юзасидан тузилган шартномада аудитор ҳисоботини олувчи сифатида кўрсатилган шахсга.

Аудитор ҳисоботининг алоҳида масалалари мижоз билан оғзаки тарзда ёки ёзма хатлар алмашиши орқали муҳокама қилиниши, муаммолар ҳал этилиши мумкин. Мисол учун, агар аудит текшируви давомида аудитор учун барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилмаса, бу ҳоли мижозга аудитор томонидан дарҳол маълум қилиниши керак. Чунки аудитор бу муаммони фақатгина аудитор ҳисоботи тайёрланган даврда, яъни аудит текшируви якунида маълум қилса, мижоз бу муаммони ижобий ҳал этиши мумкин, аммо аудитор бутун текширувни тақдоран ўтказиши ва кўпгина ишчи қоғозлами қайтадан тузиши зарур бўлади.

Аксинча, аудит текшируви давомида бу тур муаммолар маълум этилган тақдирда ҳам мижоз бу масалани ижобий ҳал этмаса, аудитор бу масалани ўз ҳисоботи ва хулосасида кўрсатиши керак.

Аудит текширувининг якунида мижоз илтимосига кўра аудитор томонидан дастлабки кўринишдаги аудиторлик ҳисоботи ҳам тайёрланиши мумкин. Аммо бу ҳужжат фақатгина аудиторлик ҳисоботининг якуний шаклини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга берилади. Аудиторлик ҳисоботида бухгалтерия тизимида камчиликлар, хатоликлар баён этилган бўлса мижоз раҳбарияти:

- аудитор номига ёзма тушунтириш хати тайёрлаши ва унда аудиторнинг кўйсатмаларига, аниқланган камчиликларга нисбатан корхона фикрини баён этиши мумкин;

- текширув олиб борган аудиторлар билан шахсан учрашиши ва корхона томонидан аудитор кўрсатган камчиликлар учун масъул деб ҳисоблаган шахсларни ҳам тақдир этиши мумкин.

Шу йўлда молиявий ҳисоботлардаги камчиликлар муҳокама қилиниши ва бартараф этилиши мумкин.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний шакли мижозга аудиторлик хулосасидан олдин ёки у билан бирга берилиши мумкин. Аммо, ҳисобот хулосадан кейин берилмайди. Аудиторлик фирмаси якуний ҳисоботида дастлабки ҳисоботида кўрсатилган камчиликларнинг тўғриланганини ҳам баён этиши мумкин.

Аммо, дастлабки ҳисоботда кўрсатилган камчиликларга мижоз томонидан эътибор берилмаса, аудитор бу камчиликларни якуний аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида ҳам кўрсатиши шарт.

Мижоз аудитор ҳисоботида келтирилган камчиликларни бартараф этишга ва молиявий ҳисоботларга тегишли тузатишлар киритишга қарор қилиши мумкин. Аммо аудитор ҳисоботида фақатгина молиявий ҳисоботларга киритилиши лозим бўлган якуний суммалар кўрсатилади. Мижоз молиявий ҳисоботлардаги камчиликларни бартараф этиш учун шу суммаларни фақатгина молиявий ҳисобот шаклларида киритиши етарли эмас. Аудитор ўз ҳисоботида кўрсатилган камчиликлар фақатгина молиявий ҳисоботларга эмас, балки бутун бухгалтерия тизимига киритилганда, мисол учун, киритилган тузатишлар бўйича бухгалтерия м

аълумотномалари тайёрланганда, бухгалтерия ёзувлари амалга оширилган, янги регистрлар тузилган ва янги молиявий ҳисоботлар тайёрлангандагина камчиликлар баратраф этилган деб ҳисоблайди.

Шу сабаб, мижоз аудитор кўрсатган камчиликламинг бартараф этилганини исботлаш учун фақатгина тўғриланган молиявий ҳисоботлами эмас, балки шу ҳисоботлами тайёрлаш учун асос бўлган тегишли қайдномалар, регистрлар ва тўғриловчи бухгалтерия ёзувларини ҳам кўрсатиши шарт.

### 9.3. Аудиторлик хулосасининг тузилиши

Аудитор томонидан аудит текширувини ўтказишдан бош мақсад - корхона молиявий ҳисоботлари молиявий маълумотларни тўғри ва тўлиқ акс эттириши юзасидан ўз профессионал фикрини билдиришдан иборат.

Бу фикр аудиторлик хулосасининг асосини ташкил этади. Аудиторлик хулосаси барча аудиторлик фирмаиари томонидан ягона, стандарт шаклда тайёрланади.

Аудиторлик хулосаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

а) номи («Аудиторлик хулосаси» ёки «Аудиторлик ташкилотининг хулосаси»: иккала ном тенг ҳуқуқли);

б) адресат номи;

в) кириш қисми;

г) таъкидлаш қисми;

д) яқуний қисм;

е) аудиторлик хулосасини бериш санаси;

ж) аудиторлик ташкилоти манзили;

з) аудиторлар ва аудиторлик ташкилоти раҳбарининг имзоси.

Аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши ва аудиторлик ташкилоии аудиторлик хулосаси шаклининг бир хиллигига риоя қилиши керак.

Аудиторлик хулосаси ўзбек тилида тайёрланиши ва унда келтирилган суммалар миллий валютада ифодаланиши керак. Бу ҳужжатда тузатишлар кийитилишига йўл қўйилмайди.

Аудиторлик фирмаси аудиторлик хулосасини мижоз билан келишилган миқдорда ва санада тақдим этиши шарт. Аудиторлик хулосасига мижоз корхонанинг молиявий ҳисоботлари ҳам илова қилинади. Аудиторлик хулосасининг бир нусхаси аудиторлик фирмасида махсус файлларда сақланади ва бу нусха мижозга тақдим этилган хулоса билан бир хил бўлиши лозим.

Аудиторлик хулосасида мижоз молиявий ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича амалда бўлган қонун — ҳужжатларга мос тузилганми ва тўғри маълумотлами акс эттиришини ёки бу қонунларни бузилганлигини аниқ баён этиши керак. Хулосадан фойдаланувчиларда шу хулоса маълумотларига асосан турли тасаввурлар ҳосил

бўлиши мумкин эмас, яъни хулоса барча фойдаланувчилар учун бир хилда тушунарли бўлиши шарт.

Аудиторлик хулосаси барча юридик ва жисмоний шахслар, давлат ва ниаҳалҳй ўз-ўзини бошқариш органлари учун юридик мақомга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Аудиторлик фирмасининг хулосаси барча корхоналарнинг молиявий ҳисоботларига мажбурий тартибда илова қилиниши зарур.

Аудиторлик хулосаси уч асосий қисмдан иборат:

- кириш қисми;
- таъкидлаш қисми;
- якуний қисм.

Аудиторлик хулосасининг кириш қисми аудиторлик ташкилотининг қуйидаги реквизитларини акс эттиради:

аудиторлик ташкилотининг юридик манзили ва телефонлари;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эгаллик тўғрисидаги лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензия берган органнинг номи; аудиторлик ташкилоти давлат рўйхатига олингани тўғрисидаги гувоҳнома рақами;

аудиторлик ташкилотининг ҳисоб-китоб счёти;

аудиторлик текширувида иштирок этган аудитор (аудиторлар)нинг, шунингдек, аудиторлик ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми.

Кириш қисмида сана ва ҳисобот даври кўрсатилган ҳолда текширилган молиявий ҳисоботлар рўйхати келтирилади ва қуйидагилар кўрсатилади:

хўжалик юритувчи субъект аудиторлик текширувидан ўтказиладиган м оҳявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ҳаққоний бўлиши учун жавобгар;

аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасининг хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолияти натижаларига мувофиқ бўлиши учун жавобгар.

Аудиторлик хулосасининг таъкидлаш қисмида аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот қонун ҳужжатларига, шунингдек, моля-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашга асосланишни кўрсатади. Таъкидлаш қисмида аудиторлик текшируви фикрини ифодалаш учун етарлича асослар бериши хусусида аудиторлик ташкилотининг тасдиғи ҳам берилади.

Аудиторлик хулосасининг якуний қисмида аудиторлик ташкилотининг текширилган молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолати тўғрисида ҳаққоний тасаввур бериш бермаслиги ва молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги фикри баён этилиши керак.

### Назорат учун саволлар:

1. Молиявий ҳисоботларда билмаган ҳолда ва атайин қилинган хатолик (фирибгарлик) фарқини баён этинг.
2. Молиявий ҳисоботларда хатоликнинг юзага келишига сабаб бўлувчи қандай ички ва ташқи омиллар мавжуд?
3. Аудиторнинг хатолик ва фирибгарлик ҳолати аниқланганда қўллаши лозим бўлган чора-тадбирлар ним адан иборат?
4. Аудиторлик ҳисоботининг моҳиятини ёритинг.
5. Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот ўртасидаги фарқ нимада? Боғлиқликчи?
6. Аудиторлик хулосасининг моҳияти нимада ва унинг қандай турлари мавжуд?
7. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасининг тузилиши қандай шаклга эга?
8. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасининг фарқли жиҳатларига тўхталинг.

### Адабиётлар:

1. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. (янги таҳрир) 2000 йил 26 май, Тошкент.
2. “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365 сонли қарори.
3. Аудиторлар учун қўлланма. Т.: ЎБАМА 2005.
4. Аудит. М.М. Тулаходжаева ва Ф.Г. Гуломоваларнинг умумий таҳрири остида тайёрланган Ўқув қўлланмаси. – Т.: ТДИУ ва ЎБАМА, 2004 йил.

## 10 –МАВЗУ. АУДИТНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ. ФИРИБГАРЛИК ВА ХАТО.

### Режа:

- 10.1.Аудиторлик танлови.
- 10.2 Аудиторнинг иш сифатини назорат қилиш.
- 10.3.Аудиторлик маълумотлар ва далиллар.
- 10.4.Аудиторнинг иш ҳужжатлари.
- 10.5.Фирибгарлик ва хато

**Қўлланиладиган таълим технологиялар:** ақлий ҳужум, баҳс, музокаралар, “Аудит ХР” Комплекс аудит дастурий таъминоти.

### Адабиетлар:

1. Subramanyam, K. R. Financial statement analysis. Eleventh edition. 2014 by McGraw-Hill Education. 814 p.
2. Alvin A. Arens, Randal J. Elder, Mark S. Beasley. Auditing and assurance services: an integrated approach. 14 th edition. 2012 by Pearson Education, Inc. 889 p.

3. Подольский В.И. Аудит: Учебник для вузов. М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2008, - 420 с.
4. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik. –Т.: TDIU, 2010. -265 б.
5. Тулаходжаева М., Илхомов Ш.И. Аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. - 170 б.

### 10.1. Аудиторлик танлови

Юқорида қайд этилганидек, аудиторлик текширувига ажратилган вақт жуда ҳам чекланганлиги муносабати билан, аудитор барча операциялар ва ҳужжатларни текширишга қодир эмас. Одатда, энг муҳим бўлган бўлимларда текширув ёппасига, операцияларнинг асосий қисми устидан назорат эса – танлаб олиш усули билан амалга оширилади, натижада аудит тезлашади ва арзонлашади.

Текширилаётган мажмуани алоҳида ҳужжатлар, ёзувлар ва бошқа кўринишларда шакллантириш учун муайян қоидалар бўйича олинган элементлар аудитда танлаб олиш ҳисобланади. Хатолар мавжуд бўлиши мумкинлиги билан боқлиқ бўлган бухгалтерия ҳисоби операцияларини танлаб олиш йўли билан аудитни режалаштириш жараёнида, аудитда танлаб олишнинг асосий тамойилига асос солинади.

Аудиторлик текшируви учун танлаб олинган операциялар ва ҳужжатлар сони аудитор томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратга баҳо беришига боқлиқдир – ушбу баҳо қанчалик юқори бўлса, шунчалик танлаб олиш ҳажми камроқ бўлади ва бунинг акси.

Танлаб олиш репрезентатив (эътиборли) бўлиши керак, яъни, ўрганилаётган мажмуанинг барча элементлари танлаб олиш учун бир хил эҳтимолга эга бўлиши лозим.

Аудитда танлаб олиш ҳажми икки хил йўл билан аниқланиши мумкин:

- 1) олдинги тажрибага асосланган ҳолда баҳолаш;
- 2) хатолар пайдо бўлиш эҳтимолига асосланган статистик усул.

Биринчи усулни қўллашда, одатда, аудитор, жамланган аудиторлик тажрибаси ва операция хусусиятидан келиб чиққан ҳолда (масалан, ҳар бир ўнинчи ёки юзинчи ҳужжатни ёки операцияни текшириш ва ҳоказо) танлаб олиш ҳажмини ички ҳис билан сезиб белгилайди.

Статистик усулларни қўллашда аудитор аввал маълумот тасдиқланиши учун керакли бўлган аниқликни белгилайди, сўнгра танлаб олиб тақсимлаш формуласига биноан ишончлилик коэффициентини аниқлайди, ва унинг асосида танлаб олиш ҳажмини ҳисоблаб чиқади.

Аудиторлик танлаш турлари, тузилиши, танлаш rischi ва танлаш натижаларини баҳолаш тартиби 14-сон АФМС да белгилаб берилган. Унда, «Танлаш репрезентатив, яъни ишончли бўлиши лозим. Бу талаб ўрганилаётган жамланманинг барча элементлари танлаш учун сайланиш тенг асосдаги

эҳтимолликка эга бўлишини кўзда тутати. Репрезентативликни таъминлаш учун аудиторлик ташкилоти қуйидаги усулларнинг биридан фойдаланиши мумкин:

1. Тасодифий танлаш. Тасодифий сонлар жадвали бўйича амалга оширилиши мумкин.

2. Мунтазам танлаш. Элементларни тасодифий танланган сондан бошлаб мунтазам оралиқ орқали танланишини кўзда тутати. Оралиқ ё жамланма элементлариниш муайян сониди ёки қийматни баҳолаш асосига қурилади.

3. Аралаш танлаш. Тасодифий ва мунтазам танлашнинг турли усуллари уйқунлигини ифодалайди.

Аудиторлик ташкилоти, танлашнинг ўтказилиши натижалари бўйича аудиторларнинг профессионал мулоҳазаси бутун жамланмага дахлдор бўлмаган вақтда норепрезентатив, яъни ишончли бўлмаган жамланмани ишга солишга ҳақли. Аудитор алоҳида олинган операциялар гуруҳини алоҳида топширганда ёки тегишли равишда эҳтимолли хатолар белгиланган операциялар тоифасини текширганда норепрезентатив танлаш қўлланиши мумкин.

Аудиторлик ташкилоти ҳисобварақлар бўйича сальдо ва операцияларнинг акс этирилиши тўғрилигини текшириш ёки текшириладиган жамланманинг элементлари сони жуда ҳам камлигидан статистик усулларнинг қўлланиши тўла ҳуқуқли бўлмаганлиги сабабли назорат тизими воситаларини яхлит тарзда текшириши ёки агар аудиторлик танлашининг қўлланиши яхлит текширув ўтказишдан кўра самарасизроқ бўлса, текшириши мумкин.

Стандарт, шунингдек статистик усулда тузилган танлашларга нисбатан ҳам қўлланади. У аудиторлик далилларини тўплаш учун ишончли имкониятларини ифода этиши лозим.

Аудиторлик танлаши текшириладиган жамланманинг 100 фоиздан кам бўлган объектларига нисбатан аудиторлик русум-қоидаларини қўллаш мақсадида амалга оширилади. Бундай объектлар деганда ҳисобварақлар сальдосини ташкил этувчи элементлар ёки бутун текшириладиган жамланма ҳақида бир фикрга келишга имкон берувчи аудиторлик далилларини йиғиш учун ҳисобварақлар бўйича айланма (оборот)ларни ташкил этувчи операциялар тушунилади. Танлашни тузиш учун аудиторлик ташкилотига оид бухгалтерия ҳисоботининг аниқ, муайян бўлимини текшириш тартибини, танлаш ўтказиш амалга ошириладиган, текшириладиган жамланмани ва танлаш ҳажмини белгилаб олиши керак.

Бухгалтерия ҳисоботининг аниқ, муайян бўлими текширувини ўтказишни ишлаб чиқишда аудиторлик ташкилоти текшириш мақсадини ва бу мақсадларга эришишга ёрдам берувчи аудиторлик русум-қоидаларини белгилаб олиши керак. Шундан сўнг аудитор юз бериши мумкин бўлган хатоларни аниқлаши, унга далиллар тўплаши ва бу зарур далилларни баҳолаши ва шунинг асосида қўриладиган маълумотлар жамланмасини белгилаши керак.

Аудиторлик ташкилоти ўргатиладиган жамланмани шу тарзда аниқлаши керакки, у аудитнинг мақсадига мувофиқ келсин. Жамланма муайян тарзда



идентификация қилинадиган бирликлар тўпламидан ташкил топиши керак. Аудиторлик ташкилоти жамланма элементлар танлашини унга ўз олдига қўйилган мақсадларга эришишга имкон берувчи самарали ва тежамкорлик тарзида ўтказди.

Танлашни ўтказишда аудиторлик ташкилоти ўрганилаётган жамланмани ҳар бирининг элементлари ўхшаш хусусиятларга эга бўлган алоҳида гуруҳларга ("жамланмага тегишли") ажратиши мумкин. Жамланмаларни ажратиш мезонлари шундай бўлиши керакки, ҳар қандай элемент бўйича, у қандай жамланмага тегишли гуруҳга оид эканлигини аниқ кўрсатиш мумкин. Стратификация деб номланувчи мазкур русум-қоида, маълумотлар тарқоқлигини (вариацияни) камайтириб, аудиторлик ташкилотининг ишини енгиллаштиришга имкон беради.

Жамланманинг ҳажми (ўлчамини) белгилашда аудиторлик ташкилоти танлаш таваккалчилигини, йўл қўйилган ва кутилаётган хатоларни аниқлаши керак.

Танлаш шундан иборат бўладики, аудиторнинг танлаш маълумотлари асосида юзага келган, муайян масалалар бўйича фикри, худди шу масалалар бўйича бутун жамланмани ўрганиш асосида юзага келган фикрлардан фарқ қилиши мумкин. Танлаш таваккалчилиги назорат тизими воситаларини тестдан ўтказишда ҳам, бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақлар бўйича оборотларни ва сальдоларнинг тўғри акс эттирилганлигини текширишда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Аудиторлик амалиётида назорат тизими тестлари ва ҳисобварақлар бўйича оборотлар ҳамда сальдо тўғрилигини текшириш учун биринчи ва иккинчи тур таваккалчиликлар фарқланади.

1. Назорат воситаларини тестдан ўтказишда қуйидаги танлаш таваккалчиликлари фарқланади:

1.1. Биринчи тур таваккалчилиги - танлаш натижаси назорат тизимининг ишончсизлигини кўрсатганда, аслида эса тизим ҳақиқатан ҳам ишончли бўлгани ҳолда тўғри фаразни рад этиш таваккалчилиги.

1.2. Иккинчи тур таваккалчилиги - танлаш натижаси тизимнинг ишончсизлигидан далолат бериб, аслида эса назорат тизими зарурий ишонччиликка эга бўлмаган ҳолда, нотўғри фаразни қабул қилиш таваккалчилиги.

2. Ҳисобварақлар бўйича оборотлар ва сальдонинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этганлигини синчиклаб текширишда қуйидаги танлаш таваккалчиликлари фарқланади:

2.1. Биринчи тур таваккалчилиги - танлаш натижаси текширилаётган жамланма жиддий хатоларга эга эканлигидан далолат бериб, аслида эса жамланма бундай хатолардан холи бўлгани ҳолда тўғри фаразни рад этиш;

2.2. Иккинчи тур таваккалчилиги - танлаш натижаси текширилаётган жамланма жиддий хатоларга эга эмаслигидан далолат берса, аслида эса жамланма жиддий хатога эга бўлган ҳолда нотўғри фаразни қабул қилиш таваккалчилиги.

Тўғри фаразни рад этиш таваккалчилиги аудиторлик ташкилоти томонидан ёки танлаш ўтказиш натижасида унинг ҳисоб-китобида хато борлиги аниқланган ҳўжалик юритувчи субъект томонидан қўшимча ишларни бажаришни талаб этади.

Нотўғри фаразни қабул қилиш таваккалчилиги аудиторлик ташкилоти иши натижаларини шубҳа остига олади.

Танлашнинг ўлчами аудитор томонидан ижозатли деб ҳисобланадиган хато миқдори билан аниқланади. Унинг миқдори қанчалик кичик бўлса, танлашнинг зарурий ўлчами шунчалик катта бўлади.

Йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар аудитор томонидан танланган муҳимлилик даражасига мувофиқ равишда аудитни режалаштириш босқичида аниқланади. Йўл қўйиладиган хатонинг ҳажми қанча кам бўлса, аудиторлик танлашсининг ҳажми шунча катта бўлиши керак.

1. Назорат тизими воситаларини тестдан ўтказишда ҳўжалик юритувчи субъект томонидан белгиланган ва аудиторлик ташкилоти режалаштириш босқичида аниқланган назорат русум-қоидаларидан юқори даражада очиш хато ҳисобланади.

2. Ҳисобварақлар бўйича оборотлар ва сальдо тўғрилигини текширишда сальдода ёки проводкаларнинг муайян тоифасидаги энг катта хато, йўл қўйиладиган хато ҳисобланади. Бундай хатоларнинг бутун аудит жараёнига жамланма таъсири, бухгалтерия ҳисоботлари жиддий хатолардан холи эканлигини ишончлиликнинг етарли даражасида тасдиқлашга имкон бериши учун аудиторлик ташкилоти бунга йўл қўйиши мумкин.

Агар аудитор текширилаётган жамланмада хато мавжуд деб ҳисобласа, бундай хатоларнинг умумий миқдори йўл қўйиладиган хато ўлчамидан ошмаслигини текшириш учун катта миқдордаги танлашни амалга ошириши керак. Агар аудитор танлаш хатолардан холи деб ҳисобласа, кичик ўлчамдаги танлашдан фойдаланади.

Ҳар қандай танлаш учун аудиторлик ташкилотининг мажбуриятлари:

1. Танлашга кириб қолган ҳар қандай хатони таҳлил этиш;
2. Танлашни амалга оширишда олинган натижаларни бутун текширилаётган жамланмага экстраполяциялаш, яъни татбиқ этиш;
3. Танлаш таваккалчиликларини баҳолаш.

Танлашга кириб қолган хатоларни таҳлил қилишда аудиторлик ташкилоти биринчи навбатда танлашга кириб қолган хатоларнинг табиатини аниқлаши лозим.

1. Танлашни шакллантиришда у қандай аниқ мақсадларни кўзлаб ўтказилаётганини таърифлаш ва танлашда аниқланган хатоларни шу мақсадларга мувофиқ равишда баҳолаш лозим. Агар кўзланган текширув мақсадларига танлаш текширувлари ёрдамида эришилмаган бўлса, унда аудиторлик ташкилоти муқобил аудиторлик русум-қоидаларини ўтказиши мумкин.

2. Аудиторлик ташкилоти хатоларнинг сифат жиҳатини, яъни уларнинг моҳияти ва уларни юзага келтирган сабабларни баҳолаши, шунингдек, уларнинг аудитнинг бошқа участкаларига таъсирини аниқлаши мумкин.

Аниқланган хатоларни таҳлил қилиб аудиторлик ташкилоти уларнинг операция турлари, ишлаб чиқариш бирликлари, хатолар айнан ўшалар учун топилган бўлинмалар, хатоларнинг келиб чиқиш вақти ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган умумий белгиларга эгаллиги тўғрисида хулосага келиши мумкин. Бу ҳолда аудиторлик ташкилоти текшириладиган жамланмани, мувофиқ белгиларига кўра унга тегишли гуруҳларга бўлиши ва аниқроқ натижаларга эришишига имкон беришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳар бирини алоҳида текшириши мумкин.

Аудиторлик ташкилоти танлашлар бўйича олинган натижаларни бутун текшириладиган жамланмаларга татбиқ этиши шарт. Танлаш натижаларини бутун жамланмаларга татбиқ этиш усуллари турлича бўлиши мумкин, лекин улар доимо танлашни тузиш усуллари мувофиқ келиши лозим. Агар жамланма жамланмага тегишли гуруҳларга ажратилган бўлса, уни татбиқ этиш ҳам уларнинг ҳар бирига нисбатан амалга оширилиши керак.

Аудитор текшириладиган жамланмадаги хато йўл қўйиладиган миқдордан ортиқ эмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак. Бунинг учун аудитор татбиқ этиш воситасида олинган жамланма хатоларини йўл қўйиладиган хато билан солиштиради. Агар биринчи хато йўл қўйилганидан ортиқ бўлса, аудиторлик ташкилоти танлаш хатоларини такроран баҳолаши лозим. Агар уларни номақбул деб топса, у ҳолда аудиторлик русум-қоидалари доирасини кенгайтириши ёки ўтказилганларига муқобил бўлган аудиторлик русумларини қўллагани маъқул.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик танлашининг барча босқичларини ва унинг натижаси таҳлилинини мажбурий тартибда иш ҳужжатларида акс эттириши шарт»<sup>8</sup> деб баён қилинган.

## **10.2. Аудиторнинг иш сифатини назорат қилиш шакллари**

Аудиторлик фирмаси томонидан аудитор ишини назорат қилиш қуйидагича амалга оширилади, биринчидан, мазкур мижозда аудит ўтказишга оид аудиторлик режаси ва дастури асосланганлигини муҳокама қилиш ва текшириш билан; иккинчидан, ташкилий-ахлоқий аудиторлик тамойилларига қатъий риоя қилиш йўли билан (хусусан, мижозга маслаҳат бераётган ёки унинг бухгалтерия ҳисобини тиклаётган аудитор мижозга текширув билан юборилмайди ва ҳоказолар); учинчидан, амалиётда айрим аудиторлик фирмалар, асосий аудитор томонидан аудиторлик хулосаси тақдим этиб бўлгандан кейин, мижоздан ҳақ олмаган ҳолда, фирманинг бошқа аудитори томонидан ҳисобот ишончилигини қайтадан текширишни қўллайдилар.

Аудитор ишининг сифатини назорат қилиш тартиби 5-сон АФМС да берилган. Унга кўра, «Аудитор иши сифатини назорат қилиш аудитнинг ўтказилиши ва аудитга турдош хизматларнинг кўрсатилиши чоқида аудит стандартларининг ва Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солиб турувчи бошқа хил меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя

<sup>8</sup> 14-сон «Аудиторлик танлаш» номли АФМС.

этилишини текшириш учун фойдаланиладиган ташкилий чоралар, услублар ва жараёнлар тизимини ўз ичига олади.

Ҳар бир аудиторлик ташкилоти иш сифати устидан назорат қилиш тамойиллари ва қоидаларини, шунингдек, улардан фойдаланиш жараёнларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши лозим. Бу эса аудитнинг ўтказилиши жараёнида текширишнинг умум белгиланган стандартлари билан зиддиятларнинг юзага келмаслиги учун зарурдир.

Аудитор иши сифатини назорат қилиш бир неча шаклларда амалга оширилади:

1. Асосий аудитор томонидан ўз ассистентлари ишини назорат қилиш;
2. Аудиторлик ташкилоти томонидан аудитор ишини назорат қилиш;
3. Ташқи назорат.

Асосий аудитор аудитнинг ўтказилиши жараёнида ассистентлар томонидан бажарилаётган ишларни доимий равишда назорат қилиши ва йўналтириб бориши керак.

Ассистент деганда асосий аудитордан касбий даражаси жиҳатидан фарқ қилувчи ходимлар тушунилади.

Ассистентдан фарқли ўлароқ, асосий аудитор аудитнинг бажарилиши учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

Ишлар топшириладиган ассистентлар маълум бир маънода уларнинг жавобгарлиги ва бажаришлари лозим бўлган жараёнларнинг мақсадлари ҳақида, ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти ва бўлиши мумкин бўлган аудиторлик жараёнларининг моҳияти, ўтказилиш вақти ва миқёсларига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳисобга оид аудиторлик муаммолари тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлишлари лозим.

Аудитор ишининг аудиторлик ташкилоти томонидан назорат қилиниши қуйидагилар воситасида амалга оширилади:

1. Мижоз олдида аудиторлик режасининг ва аудит ўтказиш дастурининг асосланганлигини муҳокама қилиш ва текшириш;
2. Ташкилий-этик аудиторлик тамойилларига қатъиян риоя этиш (хусусан, мижозга маслаҳатлар берувчи ёки унинг бухгалтерия ҳисобини тиклаб берадиган аудитор унинг ўзини текшириш учун ва шу кабиларга бормади);
3. Асосий аудитор томонидан аудиторлик хулосаси бериб бўлинганидан кейин аудиторлик ташкилотининг бошқа аудитори томонидан ҳисоботларнинг ишончлилигини мижоз учун бепул бўлган такрорий қайта текширишларни ўтказиш;

Ташқи назорат амалдаги қонунчиликда ва меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилганидек, давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Аудитор иши сифатини назорат қилишнинг қоида ва жараёнлари туси ва миқёслари қуйидаги шартларга боғлиқ:

1. Аудиторлик ташкилотининг ҳажмига;

2. Аудиторлик ташкилотлари ва функционал бўлинмалари хизматчиларининг мустақиллиги даражасига;

3. Очиқ акциядорлик жамиятлари аудити; ёпиқ акциядорлик жамиятлари аудити каби унинг компонентларини эътиборга олган ҳолдаги амалий фаолият моҳиятига;

- бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш соҳасидаги хизматлар; фойда солиғи ҳажмларини аниқлаш бўйича хизматлар; ўзаро аудитнинг ўтказилиши бўйича мажбуриятларга;

4. Олинган фойдага оид аудитор иши сифатини назорат қилиш қоида ва жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўлланиши билан боғлиқ чиқимлар даражасига.

Аудиторлик ташкилоти томонидан аудитор иши сифатини назорат қилиш қоида ва жараёнларининг белгиланиши чоғида у қуйидаги чораларни кўриши лозим:

1. Аудитор иши сифатини назорат қилиш қоида ва жараёнларининг амалга оширилиши бўйича малакали хизматчилар ўртасида вазифаларни тақсимлаши;

2. Аудитор иши сифатини назорат қилиш қоида ва жараёнларини хизматчиларга етказиш;

3. Аудитор иши сифатини назорат қилиш тизими самарадорлигини қоида ва жараёнларнинг аввалгидагидек уларнинг қўлланиш усуллари ва хизматчиларга етказилиши амалиётига жавоб бериш-бермаслигини аниқлаш мақсадида текшириб кўриш.

Аудитор иши сифатини назорат қилиш қоида ва жараёнлари ёзма шаклда баён қилиниши шарт эмас. Улар хизматчиларнинг ишга қабул қилиниши чоғида оғзаки равишда маълум қилиниши ва аудиторлик ташкилоти умумий йиғилишида, бир йилда бир маротаба тақдорланиши мумкин.

Шу билан биргаликда, аудиторлик ташкилотлари ўз қоида ва жараёнларини ҳужжатлар асосида мустаҳкамлаб боришлари тавсия этилади. Ҳужжатларнинг тури ва ҳажми энг аввало аудиторлик ташкилоти ҳажмига ва унинг фаолият тусига бевосита боқлиқ ҳисобланади»<sup>9</sup>.

### **10.3. Аудиторлик маълумотлар ва далиллар**

Аудитор томонидан текширувдан олдин, текширув жараёнида ва унинг натижаларига кўра тайёрланган ва тўпланган барча маълумот аудиторлик маълумоти ҳисобланади. Ушбу маълумотнинг бир қисми аудиторлик исботлари тариқасида фойдаланиш учун мумкин бўлган ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларидир.

Аудиторлик исботлар - аудиторлик ҳулосасини асослашга хизмат қиладиган текширув вақтида аудитор томонидан тўпланган маълумот ва натижалардир.

Аудиторлик исботлар релевант ва етарли бўлиши лозим. Исботнинг релевантлиги - қайсидир бир муаммони ечиш учун унинг муҳимлигидир,

<sup>9</sup> 5-сон «Аудитор иш сифатини назорат қилиш» номли АФМС.

етарлилик эса - ҳар бир аниқ ҳолатда, аудиторлик таваккалчилиги ва ички назорат тизимини баҳолаш асосида аниқланади. Қандай бўлмасин, аудитор ҳаққоний ва асосланган хулоса тайёрлаш учун керакли сифатдаги етарли даражада исботлар тўплаганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши лозим.

Аудиторлик далиллар тўғрисида тушунча, уларни олиш амаллари 50-сон АФМС да белгиланган. Унга кўра, «Аудиторлик далиллари - аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви вақтида йиқилган ва аудиторлик хулосасини асословчи маълумот (ахборот)лардир.

Аудиторлик далилларини олишда молиявий ҳисоботнинг асоси бўлган бошланқич ҳужжатлар ва бухгалтерлик ёзувлари, шунингдек бошқа манбалардан олинган тасдиқловчи маълумотлардан фойдаланилади.

Аудиторлик далиллари етарли ва мос бўлиши керак.

Аудиторлик далилларининг етарлилиги аудиторлик ташкилотига фикр билдириш учун зарур бўлган аудиторлик далилларининг Микдорий ўлчамини (чегарасини) ифодалайди.

Аудиторлик далилларининг мослиги аудиторлик ташкилотининг фикр билдиришида аудиторлик далилларининг аҳамияти ва ишончлилигини (аниқлигини) билдирувчи аудиторлик далилларининг сифати ўлчамини ифодалайди.

Аудиторлик ташкилоти етарли ва мос аудиторлик далилларини олиши учун қуйидаги омилларга эътибор бериши керак:

хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими характери, шунингдек дахлсиз ва назорат таваккачилигини баҳолаш;

аудиторлик ташкилоти томонидан бажариладиган ишлар ҳажми; мавжуд маълумотнинг манбаси ва ишончлилиги (аниқлиги).

Аудиторлик далиллари, агарда ҳужжатлар ва активлар, хусусий капитал ва мажбуриятларнинг ҳақиқий ҳолати билан тасдиқланганда, ишончли ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик далилларининг ишончлилигини баҳолашда қуйидаги умумий қоидаларга амал қилиши зарур:

а) ташқи манбалардан олинган аудиторлик далиллари (масалан, учинчи шахсдан олинган тасдиқ) ички манбалардан олингандан кўра ишончлироқ ҳисобланади;

б) агар бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг мавжуд тизими самарали ишласа, ички манбалардан олинган аудиторлик далиллари ишончли ҳисобланади;

в) аудиторлик ташкилоти томонидан бевосита йиқилган аудиторлик далиллари хўжалик юритувчи субъектдан олинган аудиторлик далилларидан кўра ишончлироқ ҳисобланади;

г) ёзма равишда олинган аудиторлик далиллари оқзаки берилган далиллардан кўра ишончлироқ ҳисобланади.

Турли манбалардан йиқилган аудиторлик далиллари бир-бирига зид бўлмаса, ишончли ҳисобланади.

Агар битта манбадан олинган аудиторлик далиллари кетма-кетликда бўлмаса ёки турли манбалардан олинган аудиторлик далиллари бир-бирига зид бўлса, аудиторлик ташкилоти қўшимча, аниқ далиллар олиш имконини берувчи амалларни бажариши зарур.

Агар аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисобот тўқрисида фикр билдириш учун етарли далиллар ололмаётган бўлса, у ҳолда аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиши керак.

Хўжалик юритувчи субъект (буюртмачи) аудиторлик ташкилотининг аудиторлик далилларини олиши учун зарур бўлган амалларни бажаришига тўсиқ бўлувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қилишга ҳақли эмас.

Хўжалик юритувчи субъект вакиллари ёки учинчи шахслар аудиторлик ташкилотининг аудиторлик далилларини олиш мақсадида амаллар бажаришига тўсиқ бўлувчи ҳаракатларни ёки ҳаракатсизликларни амалга оширган ҳолларда аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортишга ҳақли.

Аудиторлик далилларини хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини тестдан ўтказиш ва моҳияти бўйича текшириш амалларини ўтказиш йўллари билан олиш мумкин.

Ички назорат тизимининг тестлари аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг ҳолатини баҳолаш учун аудиторлик далилларини олиш мақсадида бажариладиган амалларни ифодалайди.

Аудиторлик далиллар олинishi керак бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг асосий жиҳатлари қуйидагилар ҳисобланади:

тузилма (бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими. хатоларнинг олдини олиш, аниқлаш ва тўқрилашга қаратилган тузилмага эга эканлиги);

иш юритиш (бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари самарали ишляптими).

Моҳияти бўйича текшириш амаллари аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳисоботда хато-камчиликлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун аудиторлик далиллари олиш мақсадида бажарадиган амалларни ифодалайди.

Моҳияти бўйича текшириш амалларини бажаришда қуйидаги саволлар ўрганиб чиқилади:

ҳисобот даври яқунланган санада мажбуриятлар ва активларнинг мавжудлиги;

молиявий ҳисоботда активлар, мажбуриятлар, хўжалик операциялари ва ҳодисаларнинг тўлиқ акс эттирилиши;

активлар ва мажбуриятларнинг мос қийматларда акс эттирилиши;

молиявий ҳисоботда хўжалик операциялари ва ҳодисаларнинг аниқ суммаларини акс эттириш;

даромад ва харажатларни тегишли даврларда акс эттириш.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик далилларини қуйидаги аудиторлик амалларининг бир ёки бир нечтасини бажариш йўли билан олади:

а) назоратлаш - ёзувлар, ҳужжатлар ва моддий активларни текшириш;

б) кузатиш - бошқа шахслар томонидан бажариладиган жараён ва ишларни ўрганиш. Масалан, аудиторлик ташкилотининг хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга ошириладиган товар-моддий захираларнинг инвентаризациясини кузатиш;

в) сўров - хўжалик юритувчи субъект ва ундан ташқаридаги шахслардан маълумот йиқиш;

г) ҳисоблаш - бошланқич ҳужжатлар ва бухгалтерия ёзувларидаги арифметик ҳисоб-китобларнинг аниқлигини текшириш;

д) аналитик амаллар - аудиторлик ташкилоти томонидан олинган маълумотни таҳлил қилиш ва баҳолаш, бухгалтерия ҳисобида хўжалик фаолиятидаги қайриқонуний ва нотўқри акс эттирилган ҳолатларни аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини текшириш, шунингдек, хато ва камчиликлар сабабларини суриштириш»<sup>10</sup>.

Аудиторлик далил (исбот) ларнинг сифати улар олинадиган манбалар сифатига боқлиқдир. Аудиторлик исботлар ҳужжатлаштирилган манбалардан, миждоз ходимлари ва учинчи шахслардан оқзаки равишда сўровномалар вақтида ва корхонада ҳисоб ва бошқа операциялар бажарилаётганида бевосита кузатиш йўли билан олинishi мумкин. Ишончлилиқ ва ҳақиқийлиқ даражаси бўйича аудиторнинг бевосита ўзи олган маълумотлар энг қимматли ҳисобланади. Ҳужжатлаштирилган исботлар ва миждознинг ёзма тақдимномалари оқзаки равишда олинган исботлардан устин туради.

#### 10.4. Аудитнинг иш ҳужжатлари

Олдиндан ва текширув вақтида аудитор томонидан тайёрланадиган барча ҳужжатлар унинг ишчи қоқозлари ҳисобланади ва унга аудитни режалаштиришда ва амалга оширишда, назорат қилишда ва аудиторлик ишининг жараёнида ёрдам беради ҳамда аудиторлик ишининг исботи ҳисобланади.

Тажрибали аудиторлар ўзларининг ишчи қоқозларини етарли даражада тўлиқ ва батафсил, қуйидаги барча муҳим муаммоларни киритган ҳолда, тайёрлайдилар:

1) корхонанинг ташкилий тузилиши тўғрисида маълумот;

2) ҳуқуқий ҳужжатлар, келишувлар ва мажлислар баённомаларидан кўчирмалар ёки уларнинг нусхалари;

3) мазкур корхонада аудит жараёни режалаштирилишининг асосланганлиги;

4) ҳисоб тизими ва ички назоратни ўрганиш ва баҳолаш натижаларини акс этиш;

5) ҳисобварақлар бўйича битим ва қолдиқлар таҳлили;

<sup>10</sup> 50-сон «Аудиторлик далиллар» номли АФМС.



6) молиявий ёки бошқа жараёнларнинг ривожланиш йўналишларини тавсифловчи муҳим кўрсаткич ва трендлар таҳлиллари;

7) амалга оширилган аудиторлик муолажалар мазмуни, ўтказиш вақти ва ҳажми ҳамда улар натижаларини акс этиш;

8) ассистентлар томонидан бажарилган ишлар аудитор томонидан текширилганлиги ва таҳлил қилинганлиги тўғрисида исботлар;

9) аудиторлик муолажалар ким томондан ва қачон амалга оширилганлиги тўғрисида кўрсатмалар;

10) аудиторнинг экспертлар, маслаҳатчилар ва учинчи томоннинг бошқа вакиллари билан ўтказган суҳбатлар нусхаси;

11) аудитор томонидан ўз мижозига йўллаган хатлар нусхаси, шу жумладан, ўз мажбуриятлари ва ички назорат тизимига оид камчиликлар тўғрисида;

12) мижоздан ёки унинг вакилларида олинган хатлар;

13) аудиторга тақдим этилган аудитнинг энг муҳим бўлган томонларига тааллуқли натижалар, тушунтиришлар, шу жумладан, қайритабиий бўлган турли саволлар ва истиснолар;

14) ўтган ҳисобот даврларга мансуб бўлган молиявий ҳисоботлар нусхалари ҳамда ушбу ҳисобот бўйича аудиторлик хулосалар, маълумотномалар, далолатномалар.

Аудиторнинг ишчи қоқозлари мижоз тўғрисида "досье" деб аталадиган махсус жилдларда сақланади.

Аудит иш ҳужжатларини тайёрлаш асослари 6-сон АФМС да келтирилган. Унга кўра, «Аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган аудит мажбурий ҳужжатлаштириш билан биргаликда, яъни мазкур аудит стандартига мувофиқ расмийлаштирилган аудитнинг иш ҳужжатларида ги олинган ахборотнинг акс эттирилиши орқали олиб борилиши лозим.

Аудит иш ҳужжатларига қуйидагилар киради:

а) аудит ўтказиш режа ва дастурлари;

б) аудиторлик ташкилоти томонидан фойдаланилган жараёнлар ва уларнинг натижалари баёни;

в) хўжалик юритувчи субъектнинг тушунтиришлари, изоҳлари ва аризалари;

г) хўжалик юритувчи субъект ҳужжатларининг кўчирма нусхалари, шу жумладан, фотонусхалари;

д) хўжалик юритувчи субъектни ички назорат қилиш ва бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тизимининг тавсифи;

е) аудиторлик ташкилотининг таҳлилий ҳужжатлари;

ж) бошқа ҳужжатлар.

Иш ҳужжатлари таркибига киритилиши мумкин бўлган ҳужжатларнинг тахминий рўйхати аудитнинг мазкур стандартига иловада келтирилган.

Иш ҳужжатлари аудитни ўтказаетган аудиторлик ташкилоти томонидан тузилган бўлиши ёки аудит ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ўзидан ёки бошқа шахслардан олинган бўлиши мумкин.

Иш ҳужжатларининг шакли ва мазмуни қуйидаги омилларга бевосита боғлиқ:

- а) олиб борилаётган ишнинг туси;
- б) аудиторлик хулосасининг шакли;
- в) хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти (бизнеси) туси ва мураккаблилиги;
- г) хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорати ҳолати;
- д) алоҳида жараёнларнинг бажарилиши чогидаги аудиторлик ташкилоти ходимлари иши устидан раҳбарлик ва назорат қилишнинг зарур даражаси;
- е) аудитни ўтказиш жараёнида ўзига хос аудиторлик усуллари ва технологияси.

Тузилиши Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солиб боровчи ҳужжатларда кўзда тутилган ҳужжатлар аудиторлик ташкилотининг иш ҳужжатлари таркибига мажбурий тартибда киритилади.

Иш ҳужжатларининг шакллари, агар Ўзбекистон Республикасидаги аудиторлик фаолиятини тартибга солиб турувчи ҳужжатлар бундай шакллари назарда тутмаган бўлса, аудиторлик ташкилоти томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилади.

Иш ҳужжатлари аудитни ўтказаетган аудиторлик ташкилотлари мулки таркибида сақланади. Хўжалик юритувчи субъект ҳужжатларининг кўчирма нусхалари, шу жумладан, фотонусхалари аудиторлик ташкилоти иш ҳужжатлари таркибига ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг розилиги билан киритилиши мумкин.

Аудит ўтказилган хўжалик юритувчи субъект ва бошқа шахслар, шу жумладан, солиқ ва давлат органлари, аудиторлик ташкилотидан иш ҳужжатларини ёки унинг кўчирма нусхаларини тўлиқ ёки бирор-бир қисмини тақдим этишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслар, тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

**Иш ҳужжатига қуйиладиган талаблар:** Иш ҳужжатларида келтирилган маълумотлар махфий сақланади ва аудиторлик ташкилоти томонидан ошкор этилиши тақиқланади.

Иш ҳужжатлари ўзида қуйидагиларни мужассамлаштирган бўлиши керак:

- а) аудитни режалаштириш тўғрисида ёзувлар;
- б) бажарилган аудиторлик хизматларининг туси, ўтказилиш вақти ва ҳажми тўғрисидаги ёзувлар;
- в) аудит ўтказилиши чогида олинган маълумотлардан чиқарилган хулосалар.

Аудиторнинг касбий фикрлашини талаб этувчи барча муҳим масалалар мазкур масалаларга оид чиқарилган хулосалар билан биргаликда иш ҳужжатларида акс эттирилиши керак.

Иш ҳужжатлари етарлича тўлиқ ва батафсил бўлиши керак, токи тажрибали аудиторнинг у билан танишиб чиққанидан сўнг аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган аудит тўғрисида умумий таассуротга эга бўлсин.

Иш ҳужжатлари таркибига киритилган маълумотлар равшан баён қилинган ва уларнинг моҳияти ҳамда шакллари аниқ-яққол келтирилган бўлиши ва турли хил талқинларни талаб этмаслиги керак.

Иш ҳужжатларининг ҳажми ва мазмуни қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Мазкур ҳўжалик юритувчи субъект янги буюртмачи бўлиб ҳисобланадими;
2. Хўжалик юритувчи субъект нодавлат ташкилоти бўлиб ҳисобланадими;
3. Аудит учинчи томон талаби билан ўтказиляптими;
4. Махсус ҳисобот талаб этиладими.

***Иш ҳужжатларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.*** Иш ҳужжатлари ўз вақтида: аудитнинг бошлангунига қадар, унинг бориши чоғида ва тугаши билан тузилиши лозим. Хўжалик юритувчи субъектга аудиторлик хулосасининг тақдим этилиши вақтида барча иш ҳужжатлари тузилган (олинган) ва расмийлаштирилиши ниҳоясига етказилган бўлиши лозим.

Иш ҳужжатлари таркибига кирувчи ҳужжатлар қуйидаги реквизитларга эга бўлиши керак:

- а) ҳужжатнинг номи;
- б) аудит текшириши амалга оширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектнинг номи;
- в) аудит ўтказилаётган давр;
- г) аудиторлик текшириши ёки ҳужжатнинг тузилиши амалга оширилаётган сана;
- д) ҳужжатнинг мазмуни;
- е) ҳужжатни тузган шахснинг имзоси ва унинг расшифровкаси;
- ж) ҳужжатнинг текширилиш санаси ва ҳужжатни текширган шахснинг ўз имзоси ва унинг расшифровкаси.

Аудитнинг иш ҳужжатлари сирасига кирувчи ҳужжатлар уларга киритилган маълумотлар манбаига ҳаволаларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим.

Агар иш ҳужжатларида шартли белгилар (тимсоллар)дан фойдаланилган бўлса, у ҳолда бундай белгилар (тимсоллар) тушунтириб берилиши керак.

Ҳар бир иш ҳужжати ўзининг рақам кўрсаткичига эга бўлиши керак. Рақам кўрсаткичларини тузиш тизими ва бериш тартиби аудиторлик ташкилоти томонидан белгиланади.

***Иш ҳужжатларининг сақланишига қўйиладиган талаблар.*** Аудит қилиш тугалланиши билан иш ҳужжатлари аудиторлик ташкилотининг архивига мажбурий сақлаш учун топширилиши керак.

Иш ҳужжатларининг сақланиши, уларнинг расмийлаштирилиши ва архивга топширилишини аудиторлик ташкилотининг раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган шахс ташкил қилади.

Ўтказилаётган ёки ўтказилган аудитни қайд қилувчи иш ҳужжатларининг мазкур ҳўжалик юритувчи субъектнинг аудит қилиниши билан банд бўлмаган аудиторлик ташкилотининг ходимларига берилишига, қоидага кўра, йўл қўйилмаслиги керак.

Аудиторлик ташкилоти иш ҳужжатларининг ишончли сақланишини таъминлаши шарт. Сақлаш муддати Қонунчилик асосида белгиланади.

Иш ҳужжатларининг йўқолиши ёки йўқ бўлиши ҳолларида аудиторлик ташкилотининг раҳбари - натижалари тегишли далолатнома билан расмийлаштирилувчи хизмат терговини тайинлаши керак.

Иш ҳужжатларининг аудиторлик ташкилотидан олинishi Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳолларда ва тартибда, фақатгина унга ваколатли бўлган органлар томонидан амалга оширилиши мумкин»<sup>11</sup>.

***Аудиторлик ташкилотининг иш ҳужжатлари таркибига киритилиши мумкин бўлган ҳужжатларнинг тахминий рўйхати:***

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий таркибига доир ахборот.

2. Хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатларидан, шунингдек бошқа муҳим юридик ҳужжатлардан кўчирмалар ёки кўчирма нусхалар.

3. Аудитни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар, шу жумладан, аудит дастурлари ва унга оид ўзгартишлар.

4. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини тушунишнинг аудитор томонидан исботлари.

5. Хўжалик операциялари ва бухгалтерия ҳисоби ҳисоб-варақлари бўйича қолдиқларнинг таҳлили.

6. Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти (бизнеси) муҳим кўрсаткичлари ва тамойиллари таҳлили.

7. Ўтказилган аудиторлик текширишлари туси, ўтказилиш санаси ва ҳажми ҳамда уларнинг натижалари тўғрисидаги ёзувлар.

8. Ёрдамчилар томонидан бажариладиган ишлар назорат қилингани ва таҳлил этилганига оид маълумотлар.

9. Аудиторлик текширишларини амалга оширган шахслар ва уларнинг бажарилиши вақтига оид маълумотлар.

10. Хўжалик юритувчи субъектнинг аудити ўтказилиши муносабати билан бошқа аудиторлик ташкилотлари, экспертлар ва учинчи шахслар билан олиб борилган ёзишмаларнинг кўчирма нусхалари.

<sup>11</sup> 6-сон «Аудитни қўжжатлаштириш» номли АФМС

11. Хўжалик юритувчи субъект билан аудит жараёнида юзага келувчи, шу жумладан, аудит ўтказиш шартлари масалалари бўйича учрашувлар вақтидаги ёзишмалар ёки муҳокама ёзувларининг кўчирма нусхалари.

12. Хўжалик юритувчи субъектдан олинган тасдиқлаш хатлари.

13. Аудит натижалари бўйича аудиторлик ташкилоти томонидан чиқарилган хулосалар.

14. Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ва ўзга хил молия ҳужжатларининг кўчирма нусхалари.

### **10.5. Фирибгарлик ва хато**

Ҳисоб ва ҳисоботда товламачилик - корхона раҳбарияти ва ходимлари таркибидаги бир ёки бир нечта шахслар томонидан атайин ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини нотўғри акс эттириши ва тақдим этишидир. У ҳийлагарлик билан ҳисоб ёзувларини ўзгартириш ва дастлабки ҳужжатларни, регистрларни ва ҳисоботни қалбакилаштиришдан, хўжалик операциялар маъносини бузиб кўрсатишга, корхона ҳисоб сиёсати ёки амалдаги қонунчилик билан белгиланган қоидаларни бузишга олиб келувчи ҳисобдаги ёзувларни атайин ўзгартиришдан, активларни, ёзувларни тўғриланган натижаларини ёки ҳужжатларни атайин йўналтирилган ҳолда баҳолашдан иборат.

Ҳисоб ёзувларида ва гуруҳларда арифметик ёки мантиқий хатолар, ҳисоб тўлиқлигига эътиборсизлик ва хўжалик фаолияти ҳолатлари, мол-мулкнинг мавжудлиги ва ҳолати, ҳисоб-китоблар нотўғри тақдим этилиши натижасида молиявий маълумот беҳосдан бузилиши хато ҳисобланади.

Ҳисоб ёзувлари юзасидан ҳийлагарлик - ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш мақсадида, нотўғри (ноаниқ) бухгалтерия ўтказмаларидан ёки "сторно" ёзувлардан билиб туриб фойдаланиш.

Бухгалтерия ҳисоби ва ёзувларни қалбакилаштириш - била туриб бухгалтерия ҳисобининг нотўғри ёки сохта ҳужжатларини (авизо, ҳисобварақлар, векселлар ва ҳоказолар) ва ҳақиқатни бузиб кўрсатадиган бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларидаги ёзувларни расмийлаштиришдир.

Хўжалик операциялари натижаларини йўқотиб юбориш -асосий бухгалтерия ўтказмаларига мазмуни ва суммаси бўйича ўхшаш бўлган "сторно" ёзувлардир.

Ҳисобда ноўхшаш ёзувлар - ҳисобварақлар тизимида молиявий маълумотни тўлиқ бўлмаган ҳажмда акс этиш (бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари ва дафтарларида керакли бўлмаган ўзгартиришлар, ҳисобварақлар корреспондентланишини бузиш, тўлиқ бўлмаган файллар, ҳисобда акс этилмаган хўжалик операциялар).

Ғайриоддий операциялар - бир маротабали келишувлар ва ғайриоддий хўжалик операциялар бўйича суммалар ва тўловларни ошириб юбориш.

Аудитор товламачилик ёки хато аниқланган тақдирда булар келиб чиқиши билан боқлиқ бўлган барча саволларга корхона раҳбарияти ва ходимларидан жавоб олиши лозим.

Аудиторлик текшируви ўтказиш вақтида аниқланадиган хатоларнинг асосий турларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

**1. Ҳисоб юритишдаги хатолар.**

Ҳисоб юритилмаслик - одатда корхона қуйи бўлими ёки фаолиятининг қайсидир бир тури бўйича бухгалтерияда тегишли ҳисоб олиб борилмаслиги билан ифодаланади.

Масалан, корхона фаолиятининг бир тури курилиш деб фараз қилайлик. Бухгалтер уни юритиш билан боқлиқ бўлган ўтказмалар билан шуғулланмаслик учун (мазкур масала бўйича кўпроқ тажрибага эга бўлган мутахассис келишини кутган ҳолда) йил давомида курилиш билан боқлиқ бўлган барча харажатларни турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобварақининг дебетига ўтказиб борган. Бунинг натижасида, йил якунига кўра ушбу ҳисобварақлар бўйича жуда катта сальдо вужудга келган. Тасодифий хатолар. Улар қуйидагилар:

- ниҳоятда кам учрайдиган арифметик хатолар, чунки бу хатоларни, одатда, бухгалтернинг ўзи аниқлайди;

- хўжалик фаолиятининг қайсидир бир ҳолатини ҳисобга олишда ҳисобнинг тўқри усулини қўллаб, бухгалтер етарли даражада асослар бўлмаслигига қарамасдан ёки тасодифан "Қайриоддий" ўтказма беради, натижада тасодифий нотўқри ўтказма ҳосил бўлади, масалан, асосий воситаларни жорий таъмирлаш бўйича харажатлар маҳсулот таннархига киритган ҳолда, шунинг билан бирга, қайсидир бир суммани "Асосий воситалар" ҳисобварақига ўтказди. Бундай хатолар кам учрайди, лекин уларни аниқлаш жуда қийин, чунки танлаб олиш усули билан текширувда, мазкур ҳисоб усулида қайд этилиши тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиб, аудитор операцияларнинг ушбу тури бўйича ёппасига текширув олиб бормади;

- такрорланадиган хатолар. Бухгалтер хўжалик фаолиятининг қайсидир бир ҳолатини нотўғри қайд этганда ва ҳар гал нотўғри ўтказма қилганда ушбу хатолар вужудга келади. Ушбу хатоларни аниқлаш, одатда, унчалик қийин эмас, фақат Бош китоб ёки балансининг тўлдирилган шаклини қараб чиқиб уларни топиб олиш мумкин.

**2. Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини билмаслик билан боқлиқ хатолар.** Улардан энг кўп учрайдиганлари:

- Низом капиталини нотўғри ҳисобга олиш;

- фойдадан солиқ ва йиқимларни тўлаш учун фойдаланиш ҳисоби ҳисобварақи ўрнига фойдалар ва зарарлар ҳисобварақларидан фойдаланиш;

- сотиб олинадиган асосий воситалар, номоддий активлар, асбоб-ускуна ва хўжалик жиҳозлари, материаллар, товарлар ва бошқа активларни ҳисобварақлар режаси билан кўзда тутилгандан бошқа ҳисобварақларга кирим қилиш.

**3. Солиқ қонунчилигини билмаслик билан боқлиқ бўлган хатолар:**

- белгиланган меъёрлар миқдоридан юқори бўлган хизмат сафари бўйича харажатлар, шахсий автотранспортдан фойдаланганлиги учун бадал хақи, реклама, ўқитиш, вакиллик харажатлари, банк кредитлари бўйича ҳисобланган фоизларни харажатларга белгиланган меъёрлар миқдорида ўрнига тўлиқ ўтказиш. Ушбу турдаги хатоларни бевосита бўнак ҳисоботларини текшириб ёки меъёрланган харажатлар ва уларни таннархга киритиш бўйича тегишли ҳисоб-китобларни талаб қилиб ва текшириб аниқлаш мумкин.

-солиқлар ва мажбурий тўловларни нотўғри ҳисоблаш. Кўпчилик ҳолларда бу бандлик жамқармасига тўловлар, реклама учун солиқ, ҳамкорлик фаолияти шартномаларига асосан олинган маблағлар бўйича қўшилган қиймат солиғига тааллуқлидир.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Аудитнинг дастури деганда нимани тушунасиз у қандай турлардан иборат
2. Аудиторлик дастури қандай омиллардан таркиб топган бўлади:
3. Аудитда танлаб олиш ҳажми қандай йўللар билан аниқланиши мумкин?
4. Аудиторлик текширувида сифат назорати қандай асосий йўналишдан иборат?
5. Аудиторлик исботлар релевант ва етарли бўлиши деганда нимани тушунасиз?
6. Аудиторнинг ишчи ҳужжатлари нималардан иборат ва улар нима учун хизмат қилади.
7. Аудиторлик текширувининг асосий усуллари нималардан иборат
8. Корхона фаолият кўрсатишга қобил эканлигини аниқлашда қандай кўрсаткичларни аудитор аниқлаши керак.
9. Ҳисоб ва ҳисоботда товламачилик деганда нимани тушунасиз?
- 10.Товламачилик ва хато ўртасидаги фарқлар нималардан иборат?
- 11.Аудиторлик текшируви ўтказиш вақтида аниқланадиган хатоларнинг асосий турларини қандай гуруҳлаш мумкин?
- 12.Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини билмаслик оқибатида келиб чиқадиган хатолар нималардан иборат?

### **11-МАВЗУ. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИНГ ЯҚУНЛАНИШИ. АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ.**

#### **Режа:**

- 11.1.Аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш.
- 11.2. Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши
- 11.3.Аудиторлик хулосасининг тузилиши. Аудиторлик хулосаси учун жавобгарлик

**Қўлланиладиган таълим технологиялари:** *ақлий ҳужум, баҳс, музокаралар.*

### **11.1.Аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш.**

Аудиторлик фирмаси ўтказилган текширув натижаси юзасидан мижозга ёзма кўринишдаги ҳисобот тақдим этади. Текширувни ўтказиш жараёнида эса аудиторлик фирмаси оралиқ ҳисоботларни ёзма ёки оғзаки кўринишда раҳбариятга бериши ҳам мумкин. Бу ишчи қоғозлар аудиторлик ҳисоботи деб номланади.«Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси» номли № 70 АФМС (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 10. 03. 2001 йил № 1016 сон билан рўйхатга олинган) нинг 3 бандига кўра аудиторлик ҳисоботи - хўжалик юритувчи субект раҳбари, мулкдори, иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишига тақдим этиладиган, аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартиблардан четга чиқилган ҳоллари, молиявий ҳисоботлардаги қоидабузарликлар тўғрисида батафсил маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш натижасида олинган ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос ҳисобланган бошқа ахборотлардан иборат бўлган ҳужжат.

Аудитор ҳисоботидаги маълумотлар мижоз раҳбарияти учун бухгалтерия ҳужжатларида, ички назорат тизимида мавжуд бўлган ва молиявий ҳисоботларда нотўғри маълумотларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи камчиликларни ўрганиш имконини беради. Шунингдек, ҳисоботда корхонанинг бухгалтерия ва ички назорат тизимида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар ҳам келтирилади.

Аудиторлик ҳисоботида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

- а) номи («Аудиторлик ҳисоботи» ёки «Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи»: иккала ном бир хил кучга эга);
- б) адресат номи;
- в) кириш қисми;
- г) таҳлилий қисм;
- д) якуний қисм.

Аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир саҳифасига молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) имзо чекиши шарт. Аудиторлик ҳисоботи буюртмачининг барча зарурий реквизитлари кўрсатилган ҳолда аудиторлик текшируви буюртмаслиисига юборилади.

Аудитор мижоз молиявий ҳисоботида муҳим камчиликларни юзага келтириши мумкин бўлган ёки келтирган барча хатоликлар, камчиликларни мижоз раҳбариятига тўлиқ баён этиши лозим. Аммо аудитор ҳисоботи мижоз корхонанинг бухгалтерия тизимидаги барча хатоликлар и акс эттирмайдл Бу ҳисоботда фақатгина аудитор томонидан текширув давомида аниқланган хатоликларга кўрсатилади. Аудиторнинг текширув давомида барча услубларни



самарали қўлламаганлиги сабабли баъзи камчиликлар, хатоликлар аниқланинай қолган бўлиши мумкин.

### 11.2.Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши

Аудиторлик ҳисоботи қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

- кириш қисм;

- таҳлилий қисм;

- якуний қисм. Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида аудиторлик ташкилоти реквизитлари, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясининг рақами ва санаси, аудиторлар ва аудиторлик текширувида қатнашган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи келтирилади.

Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисмида АФМС га ҳавола қилиниб, қуйидагилар бўлиши шарт:

хўжалик юритувчи субъект ички назоратнинг ҳолатини текшириш натижалари (батафсил баёни);

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳолатини текшириш натижалари;

молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунчилик талабларига риоя этилишини текшириш натижалари;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлам и ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари;

активламинг бутлигини текшириш натижалари.

Хўжалик юритувчи субъект ички назоратининг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ислиига олиши керак:

ички назорат тизим и хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти миқёслари ва хусусиятига мувофиқлиги умумий баҳоси;

аудиторлик текшируви мобайнида аниқланган, ички назорат тизими хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига жиддий мос келмасликлари баёни.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

аудиторлик текшируви давомида аниқланган, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартибининг жиддий буз ишлар баёни.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан молиявий-хўжалик операцияларини амалга ошириш пайтида қонунларга риоя этилишини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

хўжалик юритувчи субъект амалга оширган м олия-хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;

аудиторлик текшимви давомида аниқланган, хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий-хўжалик операцияларининг қонунчиликка жиддий мос келмасликлари баёни. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тузилган ва тегишли овганларга тақдим этилган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрилигининг баҳоси;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар и ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартибини бузиш фактлари, солиққа тортиладиган базани белгилаш пайтидаги четга чиқишлар баёни.

Активлар бутлигини текшириш натижалари активлар инвентаризациясига асосланиши ва ўз ичига уламинг ҳақиқатда мавжудлиги ва бутлиги тўғрисидаги маълумотлари бўлиши керак.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми аудиторлик ташкилотининг аниқланган четга чиқишлар ва қоида бузилишларини бартараф эл ишга доир тавсияларини, шунингдек, хў жалик юритувчи субъектнинг молия-хў жалик фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлари ва маслаҳатларини ўз ичига олиши керак.

Аудиторлик ҳисоботи бутун текширув давомида тайёрланади ва текширув якунида мижоз раҳбариятига берилади.

Аудиторлик ҳисоботи махфий ҳужжат ҳисобланади ва фақатгҳиа қуйидаги шахсларга тақдим этилиши мумкин:

- аудит текширувини ўтказиш учун шартномани имзолаган шахсга;
- аудит текширувини ўтказиш юзасидан тузилган шартномада аудитор ҳисоботини олувчи сифатида кўрсатилган шахсга.

Аудитор ҳисоботининг алоҳида масалалари мижоз билан оғзаки тарзда ёки ёзма хатлар алмашиши орқали муҳокама қилиниши, муаммолар ҳал этилиши мумкин. Мисол учун, агар аудит текшируви давомида аудитор учун барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилмаса, бу ҳои мижозга аудитор томонидан дарҳол м аълум қилиниши керак. Чунки аудитор бу муаммони фақатгина аудитор ҳисоботи тайёрланган даврда, яъни аудит текшируви якунида м аълум қилса, мижоз бу муаммони ижобий ҳал этиши мумкин, аммо аудитор бутун текширувни такроран ўтказиши ва кўпгина ишчи қоғозлами қайтадан тузиши зарур бўлади.

Аксинча, аудит текшируви давомида бу тур муаммолар м аълум этилган тақдирда ҳам мижоз бу масалани ижобий ҳал этмаса, аудитор бу масалани ўз ҳисоботи ва хулосасида кўрсатиши керак.

Аудит текширувининг якунида мижоз илтимосига кўра аудитор томонидан дастлабки кўринишдаги аудиторлик ҳисоботи ҳам тайёрланиши мумкин. Аммо бу ҳужжат фақатгина аудиторлик ҳисоботининг якуний шаклини олиш ҳуқуқига эга

бўлган шахсга берилади. Аудиторлик ҳисоботида бухгалтерия тизимида камчиликлар, хатоликлар баён этилган бўлса мижоз раҳбарияти:

- аудитор номига ёзма тушунтириш хати тайёрлаши ва унда Аудиторнинг қўйсатмаларига, аниқланган камчиликларга нисбатан корхона фикрини баён этиши мумкин;

- текширув олиб борган аудиторлар билан шахсан учрашиши ва корхона том онидан аудитор кўрсатган камчиликлар учун масъул деб ҳисоблаган шахсларни ҳам таклиф этиши мумкин.

Шу йўлда молиявий ҳисоботлардаги камчиликлар муҳокама қилиниши ва бартараф этилиши мумкин.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний шакли мижозга аудиторлик хулосасидан олдин ёки у билан бирга берилиши мумкин. Аммо, ҳисобот хулосадан кейин берилмайди. Аудиторлик фирмаси якуний ҳисоботида дастлабки ҳисоботида кўрсатилган камчиликларнинг тўғриланганини ҳам баён этиши мумкин.

Аммо, дастлабки ҳисоботда кўрсатилган камчиликларга мижоз томонидан эътибор берилмаса, аудитор бу камчиликларни якуний аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида ҳам кўрсатиши шарт.

Мижоз аудитор ҳисоботида келтирилган камчиликларни бартараф этишга ва молиявий ҳисоботларга тегишли тузатишлар киритишга қарор қилиши мумкин. Аммо аудитор ҳисоботида фақатгина молиявий ҳисоботларга киритилиши лозим бўлган якуний суммалар кўрсатилади. Мижоз молиявий ҳисоботлардаги камчиликларни бартараф этиш учун шу суммаларни фақатгина молиявий ҳисобот шаклларида киритиши етарли эмас. Аудитор ўз ҳисоботида кўрсатилган камчиликлар фақатгина молиявий ҳисоботларга эмас, балки бутун бухгалтерия тизимига критилганда, мисол учун, киритилган тузатишлар бўйича бухгалтерия маълумотномалари тайёрланганда, бухгалтерия ёзувлари амалга оширилган, янги регистрлар тузилган ва янги молиявий ҳисоботлар тайёрлангандагина камчиликлар бартараф этилган деб ҳисоблайди.

Шу сабаб, мижоз аудитор кўрсатган камчиликларнинг бартараф этилганини исботлаш учун фақатгина тўғриланган молиявий ҳисоботлари эмас, балки шу ҳисоботлари тайёрлаш учун асос бўлган тегишли қайдномалар, регистрлар ва тўғриловчи бухгалтерия ёзувларини ҳам кўрсатиши шарт.

“Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тизимидаги аудиторлик хулосаси” номли 70-сонли АФМСга мувофиқ, аудиторлик ташкилоти тузилган аудиторлик ҳисоботи учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, ушбу АФМСнинг 16-17-бандларига асосан, аудиторлик ҳисоботидаги ахборотлар махфий ҳисобланади. Ва уни ошкор этиш мумкин эмас. Ушбу ахборотларга алоқадор шахслар ахборотларни ошкор қилганлиги учун қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

### 11.3. Аудиторлик хулосасининг тузилиши

Аудитор томонидан аудит текширувини ўтказишдан бош мақсад - корхона молиявий ҳисоботлари молиявий маълумотларни тўғри ва тўлиқ акс эттириши юзасидан ўз профессионал фикрини билдиришдан иборат.

Бу фикр аудиторлик хулосасининг асосини ташкил этади. Аудиторлик хулосаси барча аудиторлик фирмаиари том онидан ягона, стандарт шаклда тайёрланади.

Аудиторлик хулосаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

а) номи («Аудиторлик хулосаси» ёки «Аудиторлик ташкилотининг хулосаси»: иккала ном тенг ҳуқуқли);

б) адресат номи;

в) кириш қисми;

г) таъкидлаш қисми;

д) яқуний қисм;

е) аудиторлик хулосасини бериш санаси;

ж) аудиторлик ташкилоти манзили;

з) аудиторлар ва аудиторлик ташкилоти раҳбарининг имзоси.

Аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши ва аудиторлик ташкилоии аудиторлик хулосаси шаклининг бир хиллигига риоя қилиши керак.

Аудиторлик хулосаси ўзбек тилида тайёрланиши ва унда келтирилган суммалар миллий валутада ифодаланиши керак. Бу ҳужжатда тузатишлар кииитилишига йўл қўйилмайди.

Аудиторлик фирмаси аудиторлик хулосасини мижоз билан келишилган миқдорда ва санада тақдим этиши шарт. Аудиторлик хулосасига мижоз корхонанинг молиявий ҳисоботлари ҳам илова қилинади. Аудиторлик хулосасининг бир нусхаси аудиторлик фирмасида махсус файлларда сақланади ва бу нусха мижозга тақдим этилган хулоса билан бир хил бўлиши лозим.

Аудиторлик хулосасида мижоз молиявий ҳисоботлари 0 Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича амалда бўлган қонун — ҳужжатларга мос тузилганми ва тўғри маълумотлами акс эттиришини ёки бу қонуниар бузилганлигини аниқ баён этиши керак. Хулосадан фойдаланувчиларда шу хулоса маълумотларига асосан турли тасаввурлар ҳосил бўлиши мумкин эмас, яъни хулоса барча фойдаланувчилар учун бир хилда тушунарли бўлиши шарт.

Аудиторлик хулосаси барча юридик ва жисмоний шахслар, давлат ва ниаҳалҳй ўз-ўзини бошқариш органлари учун юридик мақомга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Аудиторлик фирмасининг хулосаси барча корхоналаминг молиявий ҳисоботларига мажбурий тартибда илова қилиниши зарур.

**Аудиторлик хулосаси уч асосий қисмдан иборат:**

- кириш қисми;
- таъкидлаш қисми;
- якуний қисм.

Аудиторлик хулосасининг кириш қисми аудиторлик ташкилотининг куйидаги реквизитларини акс эттиради:

аудиторлик ташкилотининг юридик манзили ва телефонлари;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эгалик тўғрисидаги лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензия берган органнинг номи; аудиторлик ташкилоти давлат рўйхатида олингани тўғрисидаги гувоҳнома рақами;

аудиторлик ташкилотининг ҳисоб-китоб счёти;

аудиторлик текширувида иштирок этган аудитор (аудиторлар)нинг, шунингдек, аудиторлик ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми.

Кириш қисмида сана ва ҳисобот даври кўрсатилган ҳолда текширилган молиявий ҳисоботлар рўйхати келтирилади ва куйидагилар кўрсатилади:

хўжалик юритувчи субъект аудиторлик текширувидан ўтказиладиган м оҳявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ҳаққоний бўлиши учун жавобгар;

аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасининг хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолияти натижаларига мувофиқ бўлиши учун жавобгар.

Аудиторлик хулосасининг таъкидлаш қисмида аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот қонун ҳужжатларига, шунингдек, молия-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашга асосланишини кўрсатади. Таъкидлаш қисмида аудиторлик текшируви фикрини ифодалаш учун етарлича асослар бериши хусусида аудиторлик ташкилотининг тасдиғи ҳам берилади.

Аудиторлик хулосасининг якуний қисмида аудиторлик ташкилотининг текширилган молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолати тўғрисида ҳаққоний тасаввур бериш бермаслиги ва молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги фикри баён этилиши керак.

### **11.2. Аудиторлик хулосаси ва ҳисоботи.**

Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши. Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисми. Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисми. Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги қонуннинг 18-моддасида аудиторлик ҳисоботи ва 19-моддасида аудиторлик хулосаси белгилаб қўйилган:

**Аудиторлик ҳисоботи** - аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тугрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви утказиш натижасида олинган бошқа

ахборотдан иборат булган хужалик юритувчи субъект рахбарига, мулкдорига, катнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган хужжат. Аудитор ҳисоботида аниқланган четга чиқишлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар, шунингдек хужалик юритувчи субъектнинг молия-хужалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифлар мавжуд булиши керак.

Агар аудиторлик текшируви хужалик юритувчи субъект катнашчилари (акциядорлари) ёки назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари топшириғига биноан аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилаётган булса, аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текшируви топшириғига биноан ўтказилаётган шахсга ҳам тақдим этилади.

Аудиторлик ҳисоботидаги ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор қилиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор қилганлик учун қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир бети аудиторлик текширувини ўтказган аудитор (аудиторлар) томонидан имзоланган булиши керак.

Аудиторлик ҳисоботининг шакли ва мазмуни аудиторлик фаолиятнинг миллий стандартлари билан белгиланади.

**Аудиторлик хулосаси** - молиявий ҳисоботнинг тугрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тугрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хужалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик булган хужжат. Аудиторлик хулосаси аудиторлик ҳисоботи асосида тузилади. Аудиторлик хулосаси аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилотининг рахбари томонидан имзоланган ва аудиторлик ташкилоти муҳри билан тасдиқланган булиши керак.

Хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тугрисида аудиторлик хулосаси - бу ҳисоботнинг аниқлиги тугрисида аудиторлик фирмасининг фикридир. Молиявий ҳисоботининг аниқлиги тугрисидаги фикр ҳисоботнинг барча жиҳатлари Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солувчи меъёрий хужжатга мувофиқлиги тугрисидаги аудиторлик фирмасининг фикрини акс эттириш лозим.

Хужалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг аниқлиги тугрисидаги аудиторлик фирмасининг фикрини бу субъект ва аудиторлик хулосасидан манфаатдор фойдаланувчилар бошқача талқин этмасликлари керак.

Аудиторлик хулосаси барча юридик ва жисмоний шахслар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий узини-узи бошқариш органлари ва суд органлари учун юридик мақомга эга булган хужжатдир.

Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тугрисидаги аудиторлик хулосаси 70-АФМС талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Аудиторлик ҳисоботида қуйидагилар булади:

а) номи ("Аудиторлик ҳисоботи" ёки "Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи": иккала ном бир хил кучга эга);

б) адресатнинг номи;

в) кириш қисми;

г) таҳлилий қисм;

д) якуний қисм.

Аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир саҳифасига молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) имзо чекиши шарт. Аудиторлик ҳисоботи буюртмачининг барча зарурий реквизитларини курсатиш билан аудиторлик текшируви буюртмачисига юборилади.

Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида аудиторлик ташкилоти реквизитлари, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензиянинг рақами ва санаси, аудиторлар ва аудиторлик текширувида қатнашган бошқа шахслар тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини утказиш учун асос ва хужалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи келтирилади.

Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий ёисми АФМАга ҳавола қилиши ва унда куйидагилар булиши шарт:

- хужалик юритувчи субъектда ички назорат ҳолатини текшириш натижалари (батафсил баёни);

- бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий ҳисоботни текшириш натижалари;

- молиявий-хужалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунчилик талабларига риоя этилишини текшириш натижалари;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тулашнинг тугрилигини текшириш натижалари;

- активларнинг бутлигини текшириш натижалари.

Хужалик юртиувчи субъект ички назоратининг ҳолатини текшириш натижалари тугрисидаги ахборот куйидагиларни уз ичига олади:

- ички назорат тизимининг хужалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига мувофиқлиги умумий баҳоси;

- аудиторлик текшируви мобайнида аниқланган ички назорат тизимининг хужалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига жиддий номувофиқликлари баёни.

Хужалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тугрисидаги ахборот куйидагиларни уз ичига олади:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

- аудиторлик текшируви давомида аниқланган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартибининг жиддий бузишлар баёни.

Хужалик юритувчи субъект томонидан молиявий-хужалик операцияларини амалга ошириш пайтида қонунларга риоя этишини текшириш натижалари тугрисидаги ахборот қуйидагиларни уз ичига олади:

- хужалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий-хужалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;
- аудиторлик текшируви давомида аниқланган, хужалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий-хужалик операцияларнинг қонунчиликка жиддий номувофиқликлари баёни.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ва тулашнинг тугрилигини текшириш натижалари тугрисидаги ахборот қуйидагиларни уз ичига олади:

- тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тугрилигининг баҳоси;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тулашнинг белгиланган тартибини бузиш фактлари, солиқ солинадиган базани белгилаш пайтидаги четга чиқишлар баёни.
- активлар бутлигини текшириш натижалари активларни инвентарлашга асосланиши ва уз ичига уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва бутлиги тугрисидаги маълумотларни олади.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми аудиторлик ташкилотининг аниқланган четга чиқишлар ва ҳуқуқ бузилишларини бартараф этишга доир тавсияларини, шунингдек хужалик юритувчи субъектнинг молиявий-хужалик фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлари ва маслаҳатларини уз ичига олади. Аудиторлик ташкилоти аудиторлик ҳисоботини тузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар булади. Аудиторлик ҳисоботида келтирилган ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор этилмаслиги керак. Ахборотни ошкор этганлик учун ушбу ахборотдан фойдалана оладиган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Аудиторлик хулосасининг кириш қисми аудиторлик ташкилотининг қуйидаги реквизитларини уз ичига олади:

- аудиторлик ташкилотининг юридик манзили ва телефонлари;
- аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия рақами, берилган сана ва лицензия берган органнинг номи;
- аудиторлик ташкилоти давлат рўйхатига олингани тугрисидаги гувоҳнома рақами;
- аудиторлик ташкилоти ҳисоб-китоб счетининг рақами;
- аудиторлик текширувида иштирок этган аудитор (аудиторлар)нинг, шунингдек, аудиторлик ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми.



Шунингдек, кириш қисмида сана ва ҳисобот даври курсатилган ҳолда текширилган молиявий ҳисоботлар рўйхати келтирилади. Бундан ташқари бу қисмида қуйидагилар курсатилиши керак:

Хужалик юритувчи субъект аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ҳаққоний булиши учун жавобгар;

аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасининг хужалик юритувчи субъектнинг молиявий-хужалик фаолияти натижаларига мувофиқ булиши учун жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик хулосасида аудиторлик текшируви АФМАга мувофиқ ўтказилгани қайд этилиши керак. қайд этувчи қисмда аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хужалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашга асосланиши курсатилади. Бундан ташқари аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар бериши хусусида аудиторлик ташкилотининг тасдиғи берилиши керак.

Аудиторлик хулосасининг якуний қисмида аудиторлик ташкилотининг текширилган молиявий-ҳисобот хужалик юритувчи субъект молиявий-хужалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолати тугрисида ҳаққоний тасаввур бериш-бермаслиги ва молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги фикри равшан баён этилади. Аудитор аудиторлик хулосасини аудиторлик текшируви якунланган кун билан белгилайди.

Аудитор аудиторлик хулосасини аудиторлик текшируви якунланган кун билан белгилайди.

Аудиторлик хулосасига аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилоти раҳбари имзо чекиши ва у аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши керак.

Аудиторлик хулосаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- а) ижобий аудиторлик хулосаси;
- б) салбий аудиторлик хулосаси

Ижобий аудиторлик хулосасига изоҳ:

Аудиторлик ташкилоти хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний ёритади ва хужалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хужалик операциялари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига мувофиқ деган фикрга келганда ижобий аудиторлик хулосаси тузилади (1-намуна).

**Салбий аудиторлик хулосасига изоҳ:**

Аудиторлик ташкилоти хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида, агар хужалик юритувчи субъект томонидан бартараф этилмаса, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни чалғитиши мумкин булган бузилишлар мавжуд деган фикрга келса, салбий аудиторлик хулосаси тузади. Хужалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хужалик операциялари молиявий ҳисоботда ҳаққоний акс эттирилган, лекин қонунчилик талабларига мувофиқ

келмайдиган ҳолларда ҳам салбий аудиторлик хулосаси тузилади. Одатда хужалик юритувчи субъект раҳбариятининг аудиторлик ташкилотининг аниқланган бузилишларни бартараф этиш мақсадида молиявий ҳисоботга тузатишлар киритиш тугрисидаги фикрига қўшилмаслиги салбий аудиторлик хулосасини тузишга сабаб булади. Хужалик юритувчи субъект аудиторлик текшируви давомида аниқланган бузилишларни бартараф этган ҳолда салбий аудиторлик хулосаси тузилмайди (2-намуна).

Бу юқоридаги икки турдаги хулосадан ташқари қонунчиликда аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиш хулоса шакли ҳам мавжуд.

#### **Аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиш**

Аудиторлик текшируви ҳажмининг чекланганлиги туфайли аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисобот тугрисидаги фикрни ифодалаш учун етарлича аудиторлик далилларини олиши мумкин булмаса, аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиши мумкин. Аудиторлик текшируви ҳажмини чеклаш - хужалик юритувчи субъект вакиллари ёки учинчи шахсларнинг бошлаб юборилган аудиторлик текширувини аудитор аудиторлик хулосасини тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблаган ҳажмда утказишга тўсқинлик қилишга йўналтирилган очикдан-очик ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларидир. Аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиш ариза шаклида булиши ва "Аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиши тугрисидаги ариза" деб номланиши керак. Аризанинг шакли 3-намунада келтирилган.

Аудиторлик хулосаси камида уч нусхада тузилади, шундан икки нусха аудиторлик текшируви буюртмачисига тақдим этилади. Аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга тушунарли булиши, аудиторнинг ишончи комил эмаслиги ва (ёки) рози эмаслиги юзага келтирган чеклашларга доир курсатмаларни уз ичига олади. Аудиторлик хулосаси очик ахборот ҳисобланади, ундан молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг ҳаммаси фойдалана олишлиги назарда тутилади. Аудиторлик хулосаси тегишли молиявий ҳисоботлар билан биргаликда хужалик юритувчи субъект томонидан эълон қилиниши мумкин.

Аудиторлик текширувини ўтказмасдан тузилган ёки аудиторлик текшируви натижалари бўйича тузилган, лекин аудиторлик текшируви давомида аудитор (аудиторлар) олган хужалик юритувчи субъектнинг ҳужжатлари мазмунига мувофиқ келмайдиган аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси қасддан ёлғон ҳисобот ва хулоса деб ҳисобланади. қасддан ёлғон аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

Ижобий аудиторлик хулосасига мисол

"Мен (биз), \_\_\_\_\_"  
(аудиторлик ташкилоти номи ва унинг реквизитлари)

аудиторлик ташкилотининг аудитори (аудитори)

\_\_\_\_\_ (аудиторларнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

томонидан хужалик юритувчи субъект" \_\_\_\_\_"

\_\_\_\_\_нинг

(хужалик юритувчи субъект номи)

200 \_ йил 1 январидан 31 декабрига қадар булган давр учун молиявий ҳисоботи текширилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хужалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйичауз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМАга мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хужалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хужалик юритувчи субъект " \_\_\_\_\_"нинг молиявий ҳисоботи

(хужалик юритувчи субъект номи)

унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хужалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хужалик операциялари Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

Аудитор (аудиторлар) \_\_\_\_\_

(имзо)

200 \_ йил " \_ " \_\_\_\_\_ М.ғ.

2-намуна

Салбий аудиторлик хулосасига мисол

"Мен (биз), \_\_\_\_\_"  
 (аудиторлик ташкилоти номи ва унинг реквизитлари)

аудиторлик ташкилотининг аудитори (аудитори)

\_\_\_\_\_ (аудиторларнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

томонидан хужалик юритувчи субъект" \_\_\_\_\_"

\_\_\_\_\_нинг

(хужалик юритувчи субъект номи)

200 \_\_ йил 1 январидан 31 декабрига қадар булган давр учун молиявий ҳисоботи текширилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хужалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМАга мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эканлигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хужалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Текширишда аниқланишича, хужалик юритувчи субъект \_\_\_\_\_ млн. сўмни харажатларга ноқонуний равишда киритган, бу эса амалдаги қонунчиликни бузиш ҳисобланади ва молиявий ҳисобот курсаткичларини бузади.

Бизнинг фикримизча, хужалик юритувчи субъект \_\_\_\_\_нинг

(хужалик юритувчи субъект номи) молиявий ҳисоботи унинг молиявий-хужалик фаолияти натижалари тугрисида ҳаққоний ахборот бермайди.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

Аудитор (аудиторлар) \_\_\_\_\_

(имзо)

200 \_\_ йил " \_\_ " \_\_\_\_\_ М.ғ.

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ АУДИТОРЛИК  
ХУЛОСАСИНИ ТУЗИШДАН БОШ ТОРТИШИ  
ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАГА МИСОЛ

Мен (биз), " \_\_\_\_\_ "  
(аудиторлик ташкилоти номи ва унинг реквизитлари)

аудиторлик ташкилотининг аудитори (аудиторлари)

\_\_\_\_\_  
(аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

томонидан хужалик юритувчи субъект

" \_\_\_\_\_ "нинг  
(хужалик юритувчи субъект номи)

200 \_\_ йил 1 январидан 31 декабрига қадар булган давр учун молиявий ҳисоботи текширилди.

Хужалик юритувчи субъект

" \_\_\_\_\_ "  
(хужалик юритувчи субъект номи)

хорижий ташкилотлар билан ҳисоб-китобларни тўлиқ тақдим этмади, бу эса бошлаб юборилган аудиторлик текширувини биз аудиторлик хулосасини тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ҳажмда утказиш имконини бермайди. 11-амалий машғулот. Мажбуриятлар аудити

Юқорида баён этилган аудиторлик текшируви ҳажмини чеклаш фактига асосан аудиторлик ташкилоти

" \_\_\_\_\_ "  
(аудиторлик ташкилоти номи ва унинг реквизитлари)

хужалик юритувчи субъект

" \_\_\_\_\_ "  
(хужалик юритувчи субъект номи)

нинг молиявий ҳисоботи тугрисида фикр ифодалашдан бош тортади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо)

Аудитор (аудиторлар) \_\_\_\_\_

(имзо)

200 \_\_ йил " \_\_\_\_ " \_\_\_\_\_

М.ғ.

Тергов органларининг топшириғи билан ўтказилган аудиторлик текшириши натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси Ўзбекистон Республикасининг процессуал қонунларига мувофиқ тайинланган экспертиза хулосасига тенглаштирилади.

Аудиторлик фирмасининг йилик ҳисоботни текшириш натижалари бўйича хулосаси Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ аудит ўтказилиши лозим булган корхоналар учун йиллик молиявий ҳисоботининг мажбурий элементиدير.

7-жадвал

Аудиторлик текшируви натижалари бўйича тадбирлар

Текшириш режаси	Ҳолат	Аниқланган хатолик моҳияти	Қайси меъёрий ҳужжат бузилган	Аниқланган хатолик жиддийлиги	Таъсири		Хатоларни тўғирлаш йўллари
					Молия-вий ҳисоботга	Солиққа гортилади ган базага	

**Назорат учун саволлар**

1. Аудиторлик ҳисоботининг моҳиятини ёритинг.
2. Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот ўртасидаги фарқ нимада? Боғлиқлик-чи?
3. Аудиторлик хулосасининг моҳияти нимада ва унинг қандай турлари мавжуд?
4. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасининг тузилиши қандай шаклга эга?
5. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасининг фарқли жиҳатларига тўхталинг.
6. Аудиторлик хулоса уз ичига нималарни олади?
7. Аудиторлик хулоса кимга тадим этилади?
8. Аудиторлик хулосанинг мазмуни ва таркиби қандай булади?
9. Аудиторлик хулосанинг аналитик исмини мазмуни қандай?
10. Аудиторлик хулосани якуний ўйсмининг мазмуни қандай булади?
11. Аудитнинг стандартлари бўйича аудиторлик хулосасининг нечта ва қандай шакллари мавжуд?
12. Қандай ҳолатлар аудиторлик хулосасининг турини аниқлайди:
  - Ижобий хулоса
  - Шартли-ижобий хулоса
  - Салбий хулоса

- Хулоса беришдан бош тортиш.

13. Аниқланган хатолар жиддийлигига баҳо беринг.

14. Аниқланган хатоликларни тўғирлаш юзасидан маслаҳатлар беринг ҳамда кейинчалик юзага келиши мумкин булган хатоликлар ҳақида маълумотлар беринг. Ҳолатлар бўйича хулосаларни 7-жадвалда акс эттиринг, шунингдек аудиторлик хулосасининг аналитик ва якуний қисмини тайёрлаш учун олинган натижавий маълумотларга изоҳ ёзинг.

## 12-МАВЗУ. АКТИВЛАР АУДИТИ

12.1. Узоқ муддатли активлар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш.

12.2. Асосий воситалар ва номоддий активлар аудитининг хусусиятлари ва амаллари

12.3. Молиявий инвестициялар аудитининг хусусиятлари ва амаллари.

12.4. Жорий активлар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш кетма-кетлиги.

12.5. Товар-моддий захиралар аудитининг хусусиятлари ва амаллари.

12.6. Пул маблағлари аудитининг хусусиятлари ва амаллари.

**Таянч сўз ва иборалар:** узоқ муддатли активларнинг моҳияти ва турлари, узоқ муддатли активлар аудитининг кетма-кетлиги, асосий воситалар ҳаракатининг аудити, асосий воситалар эскиришининг аудити, номоддий активлар кўпайишининг аудити, номоддий активлар эскиришининг аудити, пул-валюта маблағлари назорати, касса ҳисоботини текшириш тартиби, касса бўйича ҳисоб регистрларини текшириш, банкдаги «ҳисоб-кигоб» счѐгдаги пул маблағларининг аудити хусусиятлари, «ҳисоб-китоб» счѐтига келиб тушган ва сарфланган пул маблағларининг аудит, валюталарнинг кўпайиши ва камайишини аудит қилиш, валюта курсини текшириш, хом ашё ва материалларни аудит қилиш тартиби, тайёр маҳсулотлар аудитининг кетма-кетлиги, маҳсулот таннархининг аудити, тайёр маҳсулотлар ҳаракати ҳисоби.

### 12.1. Узоқ муддатли активлар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш

Турли мулкчиликка асосланган корхона ва ташкилотларнинг фаолиятлари мавжуд маблағлар ва улардан самарали фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Корхоналардаги маблағларнинг турлари ва таркиби ҳар хил бўлади. Узоқ, вақт хизмат қиладиган ва ишлаш даврида ўзининг шаклини сақлаб қоладиган маблағлар узоқ муддатли маблағлар ёки активлар дейилади. Бундай активларга асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ, муддатли капитал қўйилмалари ва бошқа активлар киради.

Асосий воситалар ва бошқд узоқ, муддатли активлар ўзларининг натурал кўринишларини узоқ, муддатда, яъни камида бир йилдан ортиқсақлаб қолади. Узоқ муддатли активлар ўз қийматларини янги маҳсулотга аста-секинлик билан ўтказиб боради.

Асосий воситаларнинг турларига бинолар, иншоотлар, узатувчи мосламалар, жиҳозлар, транспорт воситалари, ўлчов асбоблари, ишчи ва махруددор хдйвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқд воситалар киради.

Номоддий активларга табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқдари, муаллифлик ҳуқуқдари, янги товарларнинг намуналари, нуфузли фирмаларнинг рамзи, савдо белгилари, патентлар, «Ноу-хау»нинг бошқд турлари киради. Номоддий активлардан фойдаланиш корхонага фақат даромад келтиради.

Бошқа турдаги молиявий активлар узок, муддатли молиявий кўйилмалардан иборат бўлиб корхона фаолиятига бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўйилган молиявий маблағларни ташкил келади. Ушбу кўйилмалар пул-валюта, асосий воситалар, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа маблағлар шаклида бўлиши мумкин. Шундай кдлиб узок муддатли активлар корхона маблағларининг кўпайишига хизмат келади ва аудитнинг муҳим объектлари ҳисобланади. Узок муддатли активлар аудитининг мақсади ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш, содир бўлаётган операцияларнинг қонун-қоидаларга монандлигини аниқлашдан иборат. **Аудитнинг вазифалари қуйидагиларга қаратилган:**

- корхона маблағларининг узок муддатли активлар таркибига тўғри киритилганлигини текшириш;
- асосий воситаларнинг тўғри туркумланиши ва баҳоланишини назорат қилиш;
- номоддий активларнинг мақсадли сотиб олинганлиги ва фойдаланганлигини текшириш;
- узок, муддатли молиявий кўйилмаларнинг таркибини ўрганиш;
- асосий воситалар, номоддий активлар ҳаракатини тўғри расмийлаштирилиши ва бухгалтерия ҳисобида аниқ ифодаланганлигини текшириш;
- асосий воситалар, номоддий активлар эскиришининг тўғри аниқланиши ва бухгалтерия ҳисоби счётларида ўз вақтида акс эттирилишини назорат қилиш;
- асосий воситалардан самарали фойдаланишни текшириш;
- узок муддатли активларнинг жорий ҳисоб регистрлари ҳамда молиявий ҳисоботда тўғри ифодаланганлигини ва уларнинг ўзаро мувофикдигини назорат қилишдан иборат.

## **12.2. Асосий воситалар ва номоддий активлар аудитининг хусусиятлари ва амаллари**

Асосий воситалар аудитининг бош мақсади – корхона эгалигида бўлган, корхона фаолиятида бир йилдан ортиқ фойдаланиладиган ва қайта сотиш учун мўлжалланмаган моддий ва номоддий активлар ҳаракати ва улар бўйича амортизация ажратмалари тўғри ҳисобланганига ва баланс, ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда БҲМС талабларига мос акс эттирилганига ишонч ҳосил қилишдан иборат.



Асосий воситалар билан боғлиқ муомалаларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона балансига киритилади:

- а) капитал қўйилмалар туганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш;
- б) олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;
- в) устав сармоясига таъсисчи улуши кўринишида келиб тушиш;
- г) текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);
- д) айирбошлаш;
- е) товар-моддий заҳиралар таркибидан ўтказиш;
- ж) узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича олиш;
- и) қиймати белгиланган асосий воситаларга капитал қўйилмалар;
- к) асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектларини аниқлаш.

Аудитор асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона баланси ҳисобидан чиқарилишини текширади: а) тугатиш; б) сотиш; в) айирбошлаш; г) текинга бериш; д) устав сармоясига муассис улуши сифатида бериш; е) узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш; ж) камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши; и) иштирокчилар таркибидан иштирокчининг чиқиб кетиши.

Аудитор объектни ишчи ҳолатида тутиб туриш ва ундан фойдаланишдан келгусида олинмаган иқтисодий фойданинг белгиланган бошланғич суммасини олиш учун амалга ошириладиган харажатлар улар дахлдор бўлган ҳисобот давридаги харажатлар таркибига киритилишини текширади. Ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларни ишчи ҳолатида сақлаб туришга доир харажатлар (техник кўриқдан ўтказиш ва ҳолатини яхшилашга оид харажатлар) ҳамда ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар объектларининг барча турдаги таъмирланишини (жорий, ўртача, капитал тарзда) ўтказиш харажатлари маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннарига киритилади, маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун мўлжалланган асосий воситалар объектлари бўйича эса - давр харажатлари таркибига киритилади.

Номоддий активлар аудитининг мақсади бухгалтерия ҳисоботи «номоддий активлар» моддасининг ишонччилик даражаси тўғрисида фикр шакллантириш ва корхонада қўлланилаётган номоддий активларни ҳисобга олиш услуги ҳамда солиққа тортиш билан боғлиқ муомалаларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчиликка мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Номоддий активларни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

номоддий активлар бўйича операциялар тўғрисида маълумот манбалари қуйидагилардан иборат: номоддий активлар объектлари бўйича сотиб олиш-сотиш (яратиш) шартномалари, муаллифлик шартномалари, номоддий активлар объектлари бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномалари, фойдаланиш

ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар, лицензиялар, номоддий активлар объекти Устав капиталига киритилганлиги ва улар нархлари бўйича келишилганлиги тўғрисида баённомалар, номоддий активларни ҳисобга олиш бўйича инвентар варақалари, инвентар дафтарлари, қабул қилиш-топшириш далолатномалари, ҳисобдан чиқариш далолатномалари, таъсисчилар мажлисининг баённомалари, амортизация ажратмаларини ҳисоблаш бўйича жадваллар, 0410-0490, 0510-0590, 9220, 6010, 4890-сонли ва бошқа счетлар бўйича ҳисоб регистрлари (журнал-ордерлар, қайдномалар, машинограммалар ва бошқалар), Бош китоб ва бошқалар.

Текширув жараёнида номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ муомалалар бухгалтерия ҳисобига доир меъёрий ҳужжатлар ва солиққа тортишга доир қонунчилик талабларига мувофиқ ҳисобга олинганлиги аниқланади.

Номоддий активлар киримига доир муомалаларни ҳисобда акс эттириш услуги уларнинг олиниш манбаларига боғлиқ.

Келиб тушадиган номоддий активларнинг қиймати корхона балансига киритилиши

Дебет 0410-0490 Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар

Кредит 0830 Номоддий активларни харид қилиш

Номоддий активлардан қанча муддатда фойдаланиш ва уларга эскириш ҳисоблаш зарурати ҳақидаги масалага кўпчилик давлатларнинг анча эҳтиёткорлик билан ёндошиши бу соҳадаги мавжуд халқаро стандартларга мувофиқ келади. Чунки, ҳисобнинг халқаро стандартлари комитети ёхуд ишбилармонлик алоқалари қиймати капиталлаштиришни, ёхуд бирданига корхонанинг хусусий капитали ҳисобига ҳисобдан чиқаришга рухсат беради.

### **12.3. Молиявий инвестициялар аудитининг хусусиятлари ва амаллари**

Маблағларни молиявий инвестицияларга йўналтириш ўз тавсифига кўра юқори таваккалчилик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, таваккалчилик даражасини имкони борича пасайтириш мақсадида эмитентнинг молиявий ҳолатини ва бозор конъюнктурасини билиш фонд биржаси маълумотларини мунтазам равишда мониторинг қилиб туришни тақозо этади.

Молиявий инвестициялар аудитини ўтказиш жараёнида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржаси тўғрисида» ва «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, 12-сон «Молиявий инвестициялар ҳисоби» номли БҲМС ва аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига риоя қилиш лозимдир.

Молиявий инвестициялар аудитини ўтказганда учрайдиган асосий атамаларни «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосланиб аниқлаб оламиз.

Молиявий инвестициялар аудитининг асосий мақсади - улар бўйича муомалалар қонуний амалга оширилганлиги, тўғри баҳоланганлиги ва бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилаётганлигини тасдиқлаш ҳамда бошқа активлар текширувидаги каби қуйидагиларни таъминлашдан иборат:

тўлиқлиги - барча молиявий инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўлиқ акс эттирилиши, ҳисобга олинмай қолган молиявий инвестициялар йўқлиги;

корхона томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар ва берилган қарзларнинг барчаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўлиқ акс эттирилиши;

молиявий инвестициялар ҳисобга олинмаган синтетик счётлар қолдиғи ва оборотларининг тегишли аналитик ҳисоб счётлари қолдиқ ва оборотларига мос келиши;

счётлар бўйича қолдиқ ва оборотларнинг бухгалтерия ҳисоби регистрларидан Бош дафтарга ва бухгалтерия ҳисоботларига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши;

молиявий инвестициялар кирими ва ҳисобдан чиқарилиш фактларининг барчаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилиши;

молиявий инвестициялар ҳаракатига доир барча муомалаларнинг бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилиши;

мавжудлиги - барча молиявий инвестициялар корхона учун аҳамиятли бўлиб, баланс тузиш санасига мавжуд ва келажақда даромад келтиради;

молиявий инвестициялар мавжудлиги белгиланган тартибда ўтказилган инвентаризация ва зарур дастлабки ҳужжатлар билан тасдиқланган;

ҳуқуқ ва мажбуриятлар- корхона молиявий инвестициялар учун тегишли ҳуқуқларга эга ва ушбу ҳуқуқлар билан боғлиқ хавф-хатар учун масъулдир:

бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган молиявий инвестициялар (қимматли қоғозлар ва берилган қарзлар) корхонага қонун асосида тегишлидир;

бухгалтерия балансида акс эттирилган қимматли қоғозлар корхонага мулкӣ ҳуқуқ асосида тегишли бўлиб, тегишли ҳуқуқ талабларига мос шартномани амалга ошириш натижасида олган ҳамда корхона қимматли қоғозлар олинганлигини тасдиқловчи барча зарур гувоҳликларга эга;

бухгалтерия ҳисоби счётларидаги барча ёзувлар амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ расмийлаштирилган. Ишотловчи ва дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилган;

молиявий инвестицияларга доир барча муомалалар амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган муносабатлар шароитидан келиб чиқади.

Молиявий инвестициялар аудитининг яқунловчи босқичи улар самарадорлигини таҳлил қилиш бўлиб, қуйидаги коэффициентлар динамикасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат.

#### **12.4. Жорий активлар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш кетма-кетлиги**

Жорий активларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади-уларнинг сақланиши, тежамли ва оқилона ишлатилиши, ҳисобга олишнинг тўғри ташкил этилишини аниқлашдан иборат. Шунингдек, ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилигини ва жорий активларни билан боғлиқ муомалалар ҳисоби ва солиққа тортиш услубининг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш лозим. Ушбу

мақсадга муомалалар моҳиятини, ҳамда назорат тузулмаси ва бухгалтерия ҳисоби тизимини текширувдан ўтказиш ва рискларни баҳолаш орқали эришилади. Жорий активларни текшириш, улар ҳажми катта бўлган корхоналарда аудитнинг асосий қисми деб қаралади.

Жорий активлар бўйича ҳисобот кўрсаткичларининг ҳаққонийлигини текширишда бошқа аудит объектларидаги каби, даставвал, балансинг «Ишлаб чиқариш заҳиралари» (120-сатр), «Тугалланмаган ишлаб чиқариш (130-сатр)», «Тайёр маҳсулот» (140-сатр), «Сотиш учун олинган товарлар» (150-сатр) деган моддалари, Бош дафтар, журнал-ордерлар ва бошқа ҳисоб регистрлари орасидаги тенгликни аниқлаш зарур. Шу билан бирга, синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларининг мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиши муҳимдир. Моддий бойликларни ишлаб чиқариш харажатларига олиб бориш ва уларнинг баҳоларини текшириш, ишлаб чиқаришга сарфлаш меъёрлари ва бошқаларни текшириш зарур. Мол этказиб берувчилар ва пудратчиларга даъво қўзғатишнинг ўз вақтидалиги ва тўғрилиги ҳамда йўлдаги (корхонага этиб келмаган) материаллар қолдиғининг ҳаққонийлигини ҳам текшириш керак.

Текширув жараёнида аудитор қуйидагиларни аниқлаши лозим:

- \* заҳираларнинг ҳақиқатда мавжудлиги;
- \* заҳиралар билан боғлиқ барча муомалаларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўлиқ ва тўғри акс эттирилганлиги;
- \* барча заҳиралар корхона мулки эканлиги яъни уларга мулкӣ ҳуқуқ мавжудлиги, қарз сифатида акс эттирилган суммалар эса мажбурият эканлиги;
- \* заҳираларни ва улар билан боғлиқ мажбуриятларни баҳолашнинг тўғрилиги;
- \* товар-моддий заҳираларни ҳисобга олиш тамойиллари тўғри танланилганлиги ва қўлланилишининг тўғрилиги.

Ташкилий-ҳуқуқӣ ҳужжатлар ва бошқа маълумот манбаларига қуйидагилар киради:

\* корхона раҳбарининг буйруғи (ёки фармойиши) директор кенгаши мажлисининг баённомалари, таъсисчилар ва бошқа комиссиялар йиғилиш қарорлари. Агар корхона устав капиталининг миқдорини шакллантириш ёки ўзгартириш чоғида улуш сифатида материаллар, инвентар ва хўжалик ашёлари, товарлар қўшилган бўлса, шунингдек агар дивидендлар ёки даромадлар моддий қийматликлар билан тўланса ушбу ҳужжатларни ўрганиш аудитор учун ўта муҳим аҳамият касб этади;

\* корхонада ўтказилган аудиторлик текширувлари ўтган йиллардаги ҳисоботлари;

\* товарлар, материаллар, хом ашёлар ва ҳоказоларни этказиб бериш шартномалари;

\* моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар.

## 12.5. Товар-моддий захиралар аудитининг хусусиятлари ва амаллари

Товар-моддий захираларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади-уларнинг сақланиши, тежамли ва оқилона ишлатилиши, ҳисобга олишнинг тўғри ташкил этилишини аниқлашдан иборат. Шунингдек ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилигини ва товар-моддий захиралар билан боғлиқ муомалалар ҳисоби ва солиққа тортиш услубининг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Товар-моддий захираларни текширишда қуйидаги маълумот манбаларидан фойдаланилади:

- моддий қийматликларни қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва ҳаракати билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар;
- ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ;
- товар-моддий захиралар билан боғлиқ муомалаларни расмийлаштиришга доир дастлабки ҳужжатлар;
- ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва материаллар;
<p><i>Талабаларнинг назарий билимларини тизимлаштириш/ тузилмага келтириш/ мустаҳкамлаш/ кенгайтириш:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- методологик нуқтаи назаридан энг муҳим ва ўзига хос фан мавзуларининг яхши ўрганиш.</li> <li>- тушуниш ва ўзлаштириш учун мураккаб бўлган мавзу саволларини батафсил ўрганиш.</li> <li>- касбий тайёргарлик сифатини аниқловчи, алоҳида асосий бўлган мавзуларни батафсил ўрганиш.</li> </ul>	<p><i>Кенг кўламли суҳбат.</i></p> <p>Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига талабаларни тайёргарлигини назарда тутди. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар, сўзга чиқувчи талабаларни кучли ва кучсиз томонларига талбалар диққатларини қарата олиш, талабалар диққатти ва қизиқишини, иш жараёнида очиб берилаётган, янги томонларга ўша вақтни ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик талабаларни саволларни муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради. Кенг кўламли суҳбат баъзи саволлар бўйича алоҳида талабаларни аввалдан режалаштирилган қўшимча равишда сўзга чиқишларини истисно қилмайди, балки, тахмин қилади. Бироқ бундай маълумотлар муҳокама учун асос бўлмайди, балки муҳокама қилинган саволлар учун тўлдирувчи бўлади.</p> <p><i>Маъруза ва рефератлар муҳокамаси.</i></p> <p>Муҳокамага 12—15 дақиқа давомийлигидаги 2-3 маърузадан кўп бўлмаган маърузалар олиб чиқилади. Баъзида қўшимча маърузачи ва оппонентлар (муҳолифлар) белгиланади. Охириги чиқувчилар мазмунни қайтармаслик учун, маъруза матни билан танишадилар. Бироқ кўп ҳолларда, маърузачи ва оппонентлар, қўшимча маърузачилардан ташқари, ҳеч ким семинарга жиддий тайёрланмайди. Сўзга чиқувчиларни ўзлари ҳам фақат бир саволни ўрганадилар. Шу билан бирга, одатий семинар ишига “қурук назариялик” элементини киритиб, бундай машғулотлар талабаларда баъзи қизиқишларни уйғотади. Талабаларни ҳар бирини қўшимча маърузачи ёки оппонент сифатида тайёрланиб</p>

	<p>келишга ўргатиш жуда муҳим ҳисобланади. Рефератли маърузаларни якуний семинарда, унинг асосий саволлари аввалдан муҳокама қилиб бўлинган, катта бир мавзу бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.</p> <p><i>Пресс-конференция.</i></p> <p>Қисқа сўзга чиқишдан сўнг биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор талабаларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг ҳар бир талаба маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим. Савол ва жавоблар семинарнинг марказий қисмини ташкил этади. Қанча кўп жиддий тайёргарлик кўрилса, саволлар шунчалик чуқур ва маҳоратли берилади. Саволларга аввал маърузачи жавоб беради, сўнгра у ёки бошқалар бўйича истаган бир талаба ўз фикрини билдириши мумкин. Бундай ҳолатларда қўшимча маърузачилар, агарда шундайлар белгиланган бўлса, фаол бўладилар. Ўқитувчи ҳар бир муҳокама қилинаётган савол бўйича, ёки семинар якунида ўз хулосасини қилади.</p> <p><i>Ўзаро ўқиш.</i></p> <p>Тушуниш ва ўзлаштириш учун энг кўп мураккабликдаги саволларни ўрганиш асосий мақсадга эга бўлган, семинар. Семинар мобайнида талабаларни ўзаро ўқишга йўналтириш муҳим ҳисобланади: ҳар кичик-гуруҳга мавзунинг бир саволи берилади, бу бўйича улар ишлайдилар ва бунга асос (эксперт варақлар – саволни ёритиш режаси, тайёрланган маълумотларни визуал тақдим этиш бўйича тавсиялар) берилади. Эксперт гуруҳларнинг иш натижалари тақдимотидан сўнг ўқитувчи хулосалар қилади.</p> <p><i>Юмолоқ (ёзма /оғзаки) стол.</i></p> <p>Ўтган мавзу бўйича билимларни чиқурлаштириш ва аниқлаштириш, бор билимларни сафарбар қилиш ва ҳар хил вазиятларда уларни қўллаш, ўз фикрларини қисқа ва асосланган ҳолда баён қилиш кўникмаларини ривожлантириш асосий мақсадга</p>
--	--

<p><i>Илм-фаннингалоҳида хусусий муаммоларини чуқурроқ ишлаб чиқиш.</i></p>	<p>эга бўлган, семинар.          Ҳар хил сценарийлар бўйича ўтказилиши мумкин.          1. «Ёзма юмолоқ стол» - талабанинг саволи / ечими топилиши керак бўлган ғоя ёзилган варақ, доира бўйича узатилади ва ҳар бир иштирокчи ўз мулоҳазаларини қўшади.          2. «Оғзаки юмолоқ стол» - ҳар бир талаба қўйилган саволнинг жавобига ўз қўшимчаларини киритади / олдинги иштирокчи томонидан таклиф қилинган ғояни қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради.  <i>Спецсеминар.</i>          Бакалавриатнинг 4 курсида, магистратурада ўтказилади. Илмий мавзу бўйича ёш тадқиқотчиларни мулоқат мактабини ифодалайди. Спецсеминар вақтида талабаларнинг гуруҳларда ишлашга ва уни баҳолашга, илмий тадқиқотлар усулларидадан фойдаланишга интилишлари катта рол ўйнайди.          Спецсеминарнинг якуний машғулотида ўқуитувчи, қоидага кўра, семинарларни ва талабаларнинг илмий ишларини муҳокама қилинган муаммоларни келгусида тадқиқотлар қилиш истиқболларини ва талабаларни уларда иштирок этиш имкониятини очиб умумлаштиради.</p>
<p><i>Махсус (касбий) ва умумўқув кўникма ва амалий малакаларни шакллантириш:</i>          - амалий муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш жараёнида харакатлар алгоритмини аниқлаш билан боғлиқ эгаллаган назарий билимларни амалий қўллаш.</p>	<p>Таълимий ўйин.          Ўқитиш самарадорлигини унинг иштирокчиларини нафақат билимларни олиш жараёнига фаол жалб қилиш, балки уларни (ҳозир ва шу ерда) фойдаланиш орқали оширишга имкон беради; ўзгарувчан вазиятларда ўзини тутиш тактика кўникмаларини шаллантиради; вырабатывает динамику ролевого поведения; амалиёт имитациясини ифодалайди; аниқ кўникма ва малакаларни шакллантиришга ва ишлаб беришга қаратилган.          Семинар натижавийлигини унинг ташкилий-услубий таъминоти белгилайди: ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқиш; ўйин</p>

	<p>атрибутиларини ва материаллар пакетини: вазият баёни, иштирокчилар учун йўриқномалар, персонажлар таърифи (агар ўйин ролли ёки ишбилармон бўлса) ёки вазиятли кўрсатмалар (агар ўйин моделлаштирувчи бўлса) тайёрлаш.</p> <p><i>Амалий топшириқларни бажариш.</i></p> <p>Амалий топшириқларнинг кўпчилиги кичик гуруҳлар таркибида бажарилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш → ўқув топшириқни бажариш бўйича йўриқнома билан танишиш → топшириқни бажариш → натижаларнинг оммавий тақдими → натижаларни умумлаштириш ва баҳолаш.</p> <p><i>Масалалар ечиш бўйича машқ.</i></p> <p>Якка тартибда амалга оширилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш – масалани ечиш – натижаларни танлама тақдими - умумлаштириш.</p> <p><i>Муаммоли масалалар ва вазиятларни ечиш.</i></p> <p>Муаммоли масалалар ва вазиятларни ишлаб чиқиш жуда катта меҳнат талаб қилади. Лекин талабалар томонидан амалий касбий фаолиятдан олинган муаммоли масалаларни ечиш ва муаммоли вазиятларни кўриб таҳлил қилиш назарияни ҳақиқатий амалиёт билан боғлашга имкон беради. Бу ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, талабаларга ўрганилаётган материални амалий фойдасини тушунишга ёрдам беради.</p> <p><i>Таълим берувчи амалий муаммоли вазиятларни (кейсларни) ечиш.</i></p> <p>Кейс (муаммоли вазиятдан фарқли равишда) талабаларни муаммони ифодалаш, муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уни мақсадга мувофиқ ечим вариантларини қидиришга йўналтирувчи ташкилотлар, инсонлар гуруҳи ёки алоҳида индивидларни ҳаётининг муайян шароитларини ёзма равишда тақдим этилган баёнини ўз ичига олади.</p> <p>Кейсни ечиш жараёни қуйидаги босқичларини ўз ичига олиш муҳим:</p>
--	--

	<p>→ муаммони якка тартибда таҳлил қилиш ва ечиш,          → якка тартибда топилган ечимни биргаликда (кичик гуруҳларда) таҳлил қилиш, ўзаро мақбул ечим вариантыни расмийлаштириш,          → гуруҳ ишини тақдимоти,          → муаммони ечиш усул ва воситаларининг энг мақбул вариантыни жамоавий тарзда танлаш.          Фиклаш жараёни, муаммоли вазиятни ечиш жараёнида пайдо бўлинган, мустақил топилган далиллар ориентирларни, касбий бойликларни топишга ва мустақкамлаштиришга, келгуси касбий фаолияти билан алоқани англашга кўмаклашади.  <i>Ўқув лойиҳаларнинг тақдимоти ва баҳоланиши</i>          Ушбу ўқув машғулоти тайёрлашда ўқитувчининг роли қуйидагилардан иборат: лойиҳа топшириғини ишлаб чиқиш; талабаларга маълумотларни излашда ёрдам бериш; ўзи ахборот манбаи бўлиши; бутун жараённи мувофиқлаштири; иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; узлуксиз қайта алоқани амалга ошириш; маслаҳат бериш.          Ушбу ўқув машғулотида гуруҳлар ўз фаолиятининг натижалари тўғрисида маъруза қилишади ва уни белгиланган шаклда тақдим этишади (лойиҳавий фаолиятнинг натижаларини, ҳамда лойиҳа махсулотини тасвирий ва оғзаки тақдимот кўринишида).          Ўқитувчи гуруҳларнинг ўзаро баҳоланишини ташкиллаштиради ва лойиҳа иштирокчининг фаолиятини баҳолайди.</p>
<p><i>Талабаларни назарий ва амалий тайёргарлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш</i></p>	<p><i>Коллоквиум.</i>          Ўқитувчининг талабалар билан коллоквиумлари (сухбатлашуви) одатда курснинг у ёки бу мавзуси бўйича билимларини аниқлаш, уни чуқурлаштириш мақсадида олиб боради. У кўпинча 1) дастурда кўзда тутилмаган, лекин талабаларда қизиқиш уйғотган кўшимча мавзулар бўйича; 2) фаннинг алоҳида мураккаб, лекин талабалар томонидан етарли даражада</p>



	<p>Ўзлаштирилмаган мавзулари бўйича қўшимча дарслар мобайнида; 3) охириги семинар машғулотида жавоб бермаган талабаларни бириш даражасини аниқлаш учун.</p> <p>Семинар-коллоквиум мобайнида маъруза, реферат ва бошқ. Ёзма ишлар текширилиши мумкин.</p> <p><i>Ёзма (назорат) иш.</i></p> <p>Талабалар назорат саволларига жавоб берадилар/ тестларни ечадилар/ назорат топшириқларини бажарадилар. Уларнинг тўпламини тўғри тузиш муҳим ҳисобланади: улар режалаштирилаётган ўқув материални ўзлаштириш даражасига мос келишлиги керак ва уларни текширишни таъминлаши керак.</p>
--	--

### 3. Маъруза ва амалий машғулотларда қўлланиладиган педагогик технологиялар

#### АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтиришда қўлланиладиган метод.

♣Метод чегараланган вақт оралиғи ичида аниқ муаммо (савол, масала)ни ечишнинг ноанъанавий йўллари излаш бўйича ўқувчиларни ақлий фаолиятини йўналтиришга асосланган.


♣Ўқув машғулотидagi ақлий ҳужум учун муаммони танлаш куйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

- танланган муаммо назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларда фаол қизиқиш уйғотиши керак;

- кўп ҳар хил маънодаги ечим вариантларига эга бўлиши керак.

Ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишда ақлий ҳужум методи ўқув машғулотининг бир лавҳаси ёки бутун машғулотни ўтказиш асоси сифатида режалаштирилган бўлиши мумкин.

Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси 1-расмда келтирилган.



### **Аклий ҳужум методининг технологик чизмаси**

#### **ИНСЕРТ ТЕХНИКАСИ**

**ИНСЕРТ** (инглизча сўздан олинган бўлиб - INSERT – Interaktive- интерфаол Noting – белгилаш System - тизим for-учун Effective – самарали Reading – ўқиш and– ва Thinking – фикрлаш деган маънони англатади).

1) Самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилар қўйишнинг интерфаол тизими ҳисобланади.

Матнни белгилаш тизими:

(√) - менинг билганимни тасдиқловчи ахборот;

(+) – мен учун янги ахборот;

(-) - меннинг билганларимга, зид ахборот;

(?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак.

#### **ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ**

Пинборд–(инглизчадан: *pin-* маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) – ўқувчиларни тизимли ва мантиқий фикр билдиришга ўргатадиган метод.

Пинборд техникаси:

1) муаммоли масалалар ва вазиятлар, ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гуруҳларда) муаммони ечиш вариантларини баҳолаш ҳамда улар ичидан энг яхшисини танлаш имконини беради;

2) ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гуруҳларда) тоифали шарҳ ўтказиш имконини беради.

Пинборд техникасининг технологик чизмаси

## КЕЙС–СТАДИ МЕТОДИ

**КЕЙС** – (ингл. case – тўплам, аниқ вазият) – назарий билимларни амалий вазифаларни ечиш жараёнида қўллаш имконини берувчи *ўқитиш воситаси*.

Кейсда баён қилинган вазиятни ўрганиб ва таҳлил қилиб, ўқувчилар ўзининг келгусидаги касбий фаолиятида ўхшаш вазиятларда қўллаши мумкин бўлган тайёр ечимни олади.

Кейсда баён қилинган вазиятлар (касбий), амалий машғулотларда ечиладиган вазиятли масалалардан тубдан фарқ қилинади. Агар вазиятли масалаларда ҳар доим шарт (нима берилаган) ва талаб (нимани топиш керак) берилган бўлса, кейсда, қоидага кўра, бундай параметрлар мавжуд эмас.

Ўқувчига тақдим этилган ихтиёрий кейсда:

- кейснинг белгиланиши ва топшириқ/саволлар аниқ ифодаланган бўлиши керак;
- баён қилинган муаммоли вазиятни ечиш учун керакли ва етарли хажмда маълумотларни ўз ичига олиши керак
- кейсни ечиш учун *услубий кўрсатмалар* бўлиши керак.

Кейс–стади (ингл.case– тўплам, аниқ вазият, стади-ўқитиш)–амалий ўқитиш вазиятларметоди.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.

Ушбу метод ўқувчиларни қуйидагиларга ундайди:

- муаммони шакллантиришга;
- амалий вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолашга;
- муаммо ечимини энг мақбул вариантини танлашга.

Ўқув машғулотнинг ўқитиш технологиясини танлашни икки асосий далил белгилайди:

1. Кейснинг ҳажми (қисқа, ўртача миқдордаги, катта)

2. Ўқув топшириғини тақдим этиш усули:

- саволли ( саволлар кейсдан кейин келтирилади)

- топшириқли (топшириқ кейс кириш қисмининг охирида келтирилади)

## ЎҚУВ ЛОЙИҲА МЕТОДИ

Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, маълум муддат ичида (битта ўқув машғулот доирасидан 2-3 ой муддат ичида) таълим олувчи гуруҳли ёки яқка тартибда берилган мавзу юзасидан лойиҳа топшириғини бажаради. Унинг вазифаси – муайян фойдаланувчига йўналтирилган янги маълумот олиш, белгиланган муддат ичида берилган у ёки бу муаммони илмий, техникавий ечимидан иборат.

Ўқув лойиҳаси тушунчаси:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган. Талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш *усули*;

- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув *восита ва қуроллари*;

- ривожлантирувчи, таълим-тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган *дидактик восита*.

### ГРАФИК ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР

**КЛАСТЕР** (кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли- барча тузилманинг моҳиятини умумлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш асосида аниқ бирор мазмунни келтириб чиқаради.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва кенг жалб қилишда ёрдам беради.

#### Кластерни тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

1. Катта қоғоз варағи марказида калит сўз ёки 1-2 сўздан иборат мавзу номини айлана ичига ёзинг.

2. Калит сўз билан бирлашдиган ён томонига кичкина ҳажмдаги айлана-“йўлдошча” ичига мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмасини ёзинг. Уларни чизиқ билан “бош” сўзга боғланг.

3. Ушбу “йўлдошча”ларда “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин, улар ичига яна сўз ёки иборалар ёзиб ажратилган вақт тугагунга қадар ёки ғоялар тугамагунга қадар давом эттирилади.

**«НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ** –муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича фикрлар занжири бўлиб, тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

#### «Нима учун?» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммосабабини аниқлаш учун:

1) Муаммони ёзинг ва стрелка чизиғини чиқариб «Нима учун?» сўроғини ёзинг.


2) Саволга жавоб ёзиб нима учун сўроғини такрор ёзиб бораверинг. Бу жараённи муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунча давом эттиринг

«БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» ЧИЗМАСИ – бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

**“Балиқ скелети” схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома**

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммо майдонини тавсифлаш учун:

**1.«Балиқ скелетини” чизинг:**



**2. «Суяк»нинг чап қисмида (ёки юқори суякда) муаммо ости муаммони ёзинг, ўнг қисмида (пастки суякда) – муаммо ости муаммони амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи далилларни ёзинг.**

«ҚАНДАЙ?» ИЕРАРХИК ДИАГРАММАСИ - муаммо тўғрисида умумий тасавурларни олишга, унинг ечимини топиш усул ва воситаларини топишга имкон берувчи мантиқий саволлар занжиридан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.

**«Қандай?» диаграммасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома**

«Қандай?» диаграммасини тузишдан аввал, сиз қуйидагиларни билишингиз керак: кўп ҳолларда Сизга муаммолар ҳал этишда «Нима қилиш керак?» ҳақида ўйлашга ҳожат бўлмайди. Муаммо ечимини топиш учун асосан «Буни қандай қилиш керак?» қабилида бўлади. «Қандай?» - муаммони ҳал этишда асосий савол ҳисобланади.

1. Доира чизинг ва унинг ичига ечилиши лозим бўлган муаммони ёзинг.

2. Кетма-кет равишда «Қандай?» саволини қўйинг ва шу саволга жавоб беринг. Шу тартибда саволларни кетма-кет бериб бораверинг ва жавобларни ўйлаб ўтирмасдан, солиштирмасдан, баҳоламасдан, тез-тез ёзишда давом этинг.

*Маслаҳат ва тавсиялар:*

Янги ғояларни график кўринишда қайд этишни ўзингиз ҳал этинг: дарахт ёки каскад кўринишида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг муҳими эсда тутинг:

нисбатан кўп миқдордаги фойдали ғоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул ҳисобланади.

Агарда сиз муаммони ечимини топиш учун тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлайди.


**«НИЛУФАР ГУЛИ» ЧИЗМАСИ** - муаммони ҳал этиш воситаси. Ўзида нилуфар гули қиёфасини мужассам этган. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш қўникмаларини шакллантиради.

**«Нилуфар гули» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома**

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммони ҳал этиш воситаларини топиш учун:

1) Ўзида нилуфар гули қиёфасини мужассам этган схемани чизинг. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат;



2) асосий муаммони марказий квадратнинг марказига ёзинг. Уни ҳал этиш ғояларини марказий квадрат атрофида жойлашган қолган саккизта квадратларга ёзинг;

3) ҳар бир ушбу саккизта ғояни марказий квадрат атрофида жойлашган саккизта катта квадрат марказига ўтказинг, бошқача айтганда, нилуфар гулидан унинг гул баргига ўтказинг. Шундай қилиб, улар ҳар бири, ўз навбатида, яна бир муаммо сифатида қаралади.

---

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР**

---

1. Аудитор малака сертификатига эга бўлгандан кейин, меҳнат шартномаси бўйича нечта аудиторлик ташкилоти билан ишлаши мумкин?

2. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари томонидан аудиторлик фаолиятини амалга ошириши мумкинми?

3. Банкларни аудиторлик текширувидан ўтказиш ким томонидан белгиланади?

4. Аудиторнинг ёрдамчисига аудиторлик ҳисоботида, аудиторлик ҳулосасида, аудиторнинг эксперт ҳулосасида ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа расмий ҳужжатларда имзо чекиш ҳуқуқи бериладими?

5. Хўжалик юритувчи субъектга унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари зарар етказганлигини аниқ тасдиқлаб турган фактлар борлиги аниқланди ва бу ҳақда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятига маълум қилинди. Бу ҳолатда сир сақлаш мажбурияти бузилганми?

6. Аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириши учун лицензия қайси давлат органи томонидан берилади?

7. Аудиторлик текшируви назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик ташкилоти томонидан улар ўртасида хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш нимага асосан ўтказилади?

8. Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектлардан қонун ҳужжатларида қандай чораларни кўриш белгиланган?

9. Мустақил аудиторлик текширувини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида аудиторлик ташкилотига, шунингдек унинг ходимларига исталган шаклда таъсир кўрсатиш қонун ҳужжатларида қандай кўрсатилади?

10. Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматларига қандай хизматлар киради?

11. Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси аудиторларни ихтиёрий асосларда бирлаштирадиган қанақа ташкилот ҳисобланади?

12. Заргарлик буюмлари ишлаб чиқарадиган завод бошқа бир аудиторлик ташкилоти билан олдиндан тузилган шартномани бузиб, сизнинг аудиторлик ташкилотингиз билан шартнома тузмоқчи.

Бу ҳолатда сизнинг аудиторлик ташкилотингиз бундай таклифни қабул қилиши мумкинми?

13. Аудитор малака сертификатининг амал қилинишини тугатиш учун қанақа асослар бўлиши мумкин?

14. Тижорат банкини аудитдан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотига таклиф тушди. Аммо аудиторлик ташкилотида банк ишини биладиган мутахассис йўқ.

Бундай ҳолатда аудиторлик ташкилоти таклифни қабул қила оладими?



15. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонадан сиз фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотига аудит ўтказиш юзасидан таклиф тушди. Сизнинг турмуш ўртоғингиз бу корхонада бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритади.

Сизнинг аудиторлик ташкилотингиз бу таклифни қабул қила оладими?

16. Аудит ўтказиш жараёнида аудит ўтказилаётган корхонанинг солиқлар бўйича ҳисоб-китобларини Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигига асосан текширилди ва солиқлар бўйича ҳисоб-китобларда ҳеч қандай хато ва камчиликлар аниқланмаганлигини маълум қилди. Орадан уч ой ўтгандан кейин Солиқ инспекцияси томонидан текшириш ўтказилиб, солиқ ҳисоб-китоблари бўйича бир қанча камчиликларни аниқлади. Шундан кейин, корхона ҳисобланган солиқлардаги камчиликлари учун жарима тўлаши зарур бўлди. Мижоз қонуний асосда аудиторлик ташкилотига мурожаат қилиб, нима сабабдан бу хато ва камчиликлар текшириш пайтида аниқланмаганлигини сўради.

Бундай ҳолатда жаримани Давлат Солиқ инспекциясига ким тўлайди?

17. Аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси қасддан сохта тузилганлиги, аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда тугатишга сабаб бўла оладими?

18. Аудитор аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги ҳамда бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида аудиторлик ташкилотига зарар етказганлиги учун унга қонун ҳужжатларига мувофиқ қандай жазо қўлланилади?

19. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларини лицензиялаш “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг нечанчи моддасида кўрсатилган?

20. Заргарлик буюмлари ишлаб чиқарадиган заводни аудит қилиш натижасида солиқлардан кам тўланганлиги маълум бўлди. Уни яшириш мақсадида корхона раҳбари қимматбаҳо совғаларни таклиф қилди ва ижобий аудиторлик хулосасини беришни илтимос қилди.

Бундай ҳолатда аудитор таклифни қабул қилиши мумкинми?

21. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона аудиторлик фирмасига аудит ўтказишни таклиф қилди. Аммо аудиторлик фирмасидаги аудиторлар орасида фармацевтика маҳсулотлари бўйича мутахассис йўқ.

Бу ҳолатда аудиторлик фирмаси фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонани таклифини қабул қила оладими?

22. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ фаолият турига кўра қайси иқтисодий субъектлар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарт эмас?

23. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ҳамда ҳолатини текширишда аудитор қайси маълумотдан фойдаланади?

24. Агар раҳбариятга тақдим қилинган ахборотлар натижалари бўйича бухгалтерлик ҳисоботида тегишли ўзгартишлар киритилмаган бўлса, у ҳолда аудитор аудит жараёнида аниқланган бухгалтерлик ҳисоботидаги бузиб кўрсатилган фактлар тўғрисидаги маълумотларни қайси ҳужжатга киритиши керак?

25. Аудиторлик ташкилоти аудит ўтказишда эксперт хизматидан фақат кимнинг розилиги билан фойдаланиши мумкин?

26. Аудиторлик текшируви натижасида фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишга ҳуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати бошқа операцион харажатлар таркибига қўшилганлиги аниқланди. Қонунчиликка биноан бу турдаги харажат қайси харажат турига қўшилиши керак?

27. Аудитор ташкилотининг штатида турмайдиган, бухгалтерия ҳисоби ва аудитдан бошқа маълум соҳаларда етарли даражадаги билим ва тажрибага эга, тааллуқли масалалар бўйича хулоса бера оладиган шахс ким?

28. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари аудиторлик текширувларини ўтказишлари мумкинми?

29. Аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти деганда нима тушунилади?

30. Аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорига, қатнашчиларининг умумий йиғилишига йўллаган ҳужжат деганда нима тушунилади?

31. Бир неча ҳафта мобайнида тадбиркор Г. ва аудитор вилоятлар бўйлаб саёҳат қилмоқда. Тадбиркор Г. саёҳати давомида турли хил корхоналарда ҳисса қўшиш имкониятини қидирмоқда. Аудитор тадбиркорга капитал қўйиш борасида маслаҳатлар бериши ҳамда тадбиркор билан шерикчилик асосида ташкил қилинган корxonанинг йиллик ҳисоботини текширувдан ўтказиши зарур.

Йиллик ҳисоботни текшираётганда аудиторларнинг мустақиллик тамойилидан келиб чиққан ҳолда аудиторга ҳам маслаҳатчи ҳам аудитор деб баҳо бериш мумкинми?

32. Аудитор буюртмачиларидан бирининг ҳали эълон қилинмаган балансини аудиторлик фирманинг бошлиғи бошқа ходимлари билан муҳокама қилмоқда. Бу ҳолатда сир сақлаш мажбурияти бузилганми?

33. Йиллик ҳисоботни текшириш жараёнида аудитор буюртмачи томонидан рақобатбардош корхона сотиб олинаётганлигини аниқлади. Агар бу маълумотлар маълум бўлса, рақобатбардош корхона акциялари курси ошади. Аудитор воситачи томонидан корхона акцияларини сотиб олишга қарши эмас ва шу тарзда у кўпроқ

фойда олиш имкониятини қидирмоқда. Бундай ҳолатда у ўзининг профессионаллик мажбуриятини бузмаяптими?

34. Аудит ўтказиш жараёнида бош аудитор оддий аудиторга аудит ўтказилаётган корхонанинг солиқлар бўйича ҳисоб-китобларини Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигига асосан текшириб чиқиш юзасидан топшириқ берди. Текшириш тугагач, оддий аудитор солиқлар бўйича ҳисоб-китобларда ҳеч қандай хато аниқланмаганлигини маълум қилди. Аудит жараёнида бир ҳафтадан сўнг ҳисобот тайёрланди. Икки ой ўтгандан сўнг солиқ инспекцияси томонидан текшириш ўтказилиб, солиқ ҳисоб-китоблари бўйича бир қатор камчиликларни аниқлади. Шунга кўра, корхона, ҳисобланган солиқларни ва жарималарни тўлаши зарур бўлди. Мижоз қонуний асосда аудиторлик ташкилотига нима сабабдан бу хато-камчиликлар текшириш пайтида аниқланмаганлиги ҳақида мурожаат қилди. Бу ҳолатга қандай баҳо берасиз?

35. Суғурта компанияси аудиторлик фирмасига аудит ўтказишни таклиф қилди. Аммо аудиторлар орасида суғурта компанияси фаолиятини яхши биладиган мутахассис йўқ.

Бу ҳолатда аудиторлик фирмаси таклифни қабул қиладими?

36. Фармацевтика ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқа бир аудиторлик фирмаси билан шартномани бузиб сизнинг аудиторлик фирмангиз билан шартнома тузмокчи.

Бу ҳолатда сиз нима қиласиз?

37. Сиз фаолият юритаётган аудиторлик фирмасига телевизор ишлаб чиқараётган корхонадан аудит ўтказиш юзасидан таклиф тушди. Сизнинг турмуш ўртоғингиз бу компанияда товарлар сотиш бўйича менеджер лавозимида фаолият кўрсатади.

Сизнинг фирмангиз бу таклифни қабул қила оладими?

38. Сизнинг аудиторлик фирмангиз мижозга молиявий ҳисобот тайёрлади. Уч ҳафтадан сўнг мижоз телефон орқали қайсидир ҳужжатда хатога йўл қўйилганлигини эълон қилди.

Хатони юзага келмаслиги борасида қандай сифат назорати тадбири амалга оширилиши лозим.

39. "ABC" аудиторлик ташкилоти 3 йил олдин ташкил этилган. У ҳозирги кунга қадар катталашиб кетган ва ўз филиалларига эга. Фирма аудиторлик хизмати кўрсатади ва кўшимча равишда Солиқ Қонунчилиги масалалари бўйича маслаҳатлар беради. Бу маслаҳатлар аудиторлик хизматининг улушини янада оширади.

40. "ABC" аудиторлик фирмасининг аудитори Ахмедов А.И. ўзининг малакавий хизмати тўғрисида матбуотда ва радиода реклама қилиб, маҳоратлилик даражаси ва бошқа аудиторларга нисбатан юқори малакали эканлигини эълон қилди. Шунинг билан биргаликда хизмати учун тўланадиган суммани ҳам ошкор қилди.

Аудитор Ахмедов А.И.га касбий этик меъёрларига риоя қилган ҳолда қандай бўлишига маслаҳат беринг.

41. "ABC" аудиторлик фирмасининг 3 кишидан иборат аудиторлари ХХХ корхонасини аудитдан ўтказмоқда. Аудиторлардан бири корхона бош директори муовинига яқин қариндошчилиги борлиги аниқланди.

Бундай ҳолда аудитнинг этик меъёрларига зид бўладими?

42. "А" корхонада аудит ўтказилди. Аудиторлар томонидан камчиликлар аниқланмади. Корхона раҳбарлари томонидан аудиторларга қимматбаҳо совғалар берилди.

Аудиторлар бунга қандай қарашлари лозим?

---

**ГЛОССАРИЙЛАР**

---

## ГЛОССАРИЙЛАР

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Анализ	Анализ	Analysis	юнонча «analysis» сўздан келиб чиққан бўлиб, «бир бутунни бўлақларга бўлиб ўрганиш» деган маънони англатади ёки бирор жараёни ўрганишда умумийликдан хусусийлик сари тадқиқ қилиш тушунилади
Синтез	Синтез	Synthesis	юнонча «synthesis» сўздан олинб, умумлаштириш деган маънони билдиради ёки бирор объектни (ҳодисани, жараёни) ўрганишда хусусийликдан умумийлик сари тадқиқ тушунилади.
Дедукция	Дедукция	Deduction	тадқиқот ёки бирор объектни (ҳодисани, жараёни) ўрганишда умумийликдан хусусийлик сари ўтилиши тушунилади.
Индукция	Индукция	Induction	тадқиқотни ёки бирор объектни (ҳодисани, жараёни) хусусийликдан умумийлик сари о`тилиши тушунилади
Бошқарув тамойиллари	Принципы управления	Management principles	иқтисодиётнинг барча соҳаларини бошқариш тизимининг тузилиши ва амал қилинишини белгилаб берувчи асосий қоида
Бошқарув тизими	Система управления	Management system	бошқаришнинг мақсадлари, таркиби, шакли ва усуллари мажмуаси. У динамик бўлиб, ижтимоий - иқтисодий шароитлар ўзгариши билан унинг унсурларини аниқ мазмуни ҳам ўзгаради.
Усул	Метод	Method	юнон тилидан олинган бўлиб, табиат ҳамда жамиятда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш ва билиш усулидир. Муайян фаннинг предметини ўрганиш усули
Услугият	Методология	Methodology	муайян фаннинг предметини тугатиш усули, унда қўлланиладиган ёндашувлар, усуллар мажмуаси
Омил	Фактор	Factor	у ёки бу иқтисодий кўрсаткичга ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатувчи фаол ҳаракат қилувчи кучлар тушунилади

<b>Сабаб</b>	<b>Причина</b>	<b>Reason</b>	кенг кўламдаги комплекс омиллар тизимига нисбатан кўлланилиб, комплексни ташкил этувчилар эса омиллар дейилади
<b>Жорий таҳлил</b>	<b>Ретроспективный анализ</b>	<b>Retrospective analysis</b>	ҳисобот даври тугаши билан бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисоботлар ҳамда ҳисобдан ташқари ахборот манбаларига асосан ўтказиладиган таҳлил.
<b>Қайта ҳисоблаш усули</b>	<b>Метод переоценки</b>	<b>Overestimation</b>	натижа ўзгаришига битта ёки иккита омил таъсир кўрсатганда кўлланиладиган усул.
<b>Техник-иқтисодий таҳлил</b>	<b>Технико-экономический анализ</b>	<b>Techno-economic analysis</b>	комплекс иқтисодий таҳлил ва муҳандислик таҳлилининг бирикиши асосида ҳосил бўлган таҳлил.
<b>Комплекс таҳлил</b>	<b>Комплексный анализ</b>	<b>Integrated analysis</b>	корхона фаолиятини макон ва замон нуқтаи назаридан барча тузилмалари билан бирга батафсил таҳлил қилишдир.
<b>Омилли таҳлил</b>	<b>Факторный анализ</b>	<b>Factor analysis</b>	натижа кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир доирасини ҳисоблаш усуллари мажмуасини ўзида ифода эттирган таҳлилдир.
<b>Молиявий таҳлил</b>	<b>Финансовый анализ</b>	<b>financial analysis</b>	хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари ва молиявий ҳолатини ўрганишга қаратилган таҳлилдир.
<b>Бошқарув таҳлили</b>	<b>Управленческий анализ</b>	<b>Management analysis</b>	корхона маъмурияти, мулк эгаси ва мутахассислари томонидан ички хўжалик резервларини аниқлаш ва уларни ишга солиш ҳамда самарадорликни оширишга қаратилган таҳлилдир.
<b>Ҳажм кўрсаткичлари</b>	<b>Показатель объема</b>	<b>Production index</b>	ялпи, товар, сотилган, соф ва меъерий соф маҳсулотлар.
<b>Товар маҳсулоти</b>	<b>Товарный продукт</b>	<b>End product</b>	барча ишлаб чиқариш босқичларини ўтган, тўла бутланган, техника назорати бўлимидан ўтган ва омборга топширилган маҳсулот.
<b>Сотилган маҳсулот</b>	<b>Реализованный продукт</b>	<b>Realized product</b>	товарлар истеъмолчиларга жўнатилиб унинг ҳақи мол юборувчиларнинг банкдаги ҳисоб - китоб рақамига ўтказилиши тушунилади.
<b>Соф маҳсулот</b>	<b>Чистый продукт</b>	<b>Net product</b>	товар маҳсулот билан уни ишлаб чиқаришга қилинган моддий сарфлар ва асосий воситалар ва номоддий

			фаолларнинг амортизацияси суммаси ўртасидаги фарк.
<b>Фонд самараси (қайтими)</b>	<b>Фондоотдача</b>	<b>Yield of capital investments</b>	асосий ишлаб чиқариш воситаларининг бир сўмига ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдоридир.
<b>Фонд сигими</b>	<b>Фондоёмкость</b>	<b>Capital capacity</b>	бир сўмлик маҳсулотга тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш воситаларнинг қиймати.
<b>Молиявий натижа</b>	<b>Финансовый результат</b>	<b>Financial performance</b>	корхона фаолиятининг фойда суммаси ва рентабеллик даражасида ифодаланадиган якунидир.
<b>Ялпи фойда</b>	<b>Валовая прибыль</b>	<b>Gross profit</b>	маҳсулотни сотишдан тушган даромадни тавсифлайди ва соф тушум ва сотилган маҳсулот таннари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.
<b>Операцион фойда</b>	<b>Операционная прибыль</b>	<b>Operating profit</b>	ялпи фойдадан давр харажатлари ва бошқа операцион харажатлар чегирилиши ва асосий фаолиятдан бошқа даромадлар кўшилиши натижасида ҳосил бўлган фойда.
<b>Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда</b>	<b>Прибыль от общехозяйственной деятельности</b>	<b>Income from general production</b>	операцион фойдага молиявий фаолиятнинг даромадларини кўшилиши ва молиявий фаолият бўйича харажатлар чегирилиши орқали ҳосил бўлган фойда.
<b>Солиқ тўлагунга қадар фойда</b>	<b>Прибыль до уплаты налога</b>	<b>Profit before tax</b>	умумхўжалик фаолиятдан келган фойдага фавқулоддаги фойдани кўшилиши ва фавқулоддаги зарарни чегириш орқали ҳосил бўлган фойда.
<b>Соф фойда</b>	<b>Чистая прибыль</b>	<b>Net profit</b>	солиқ тўлагунга қадар фойдадан даромад (фойда) солиғи ва фойдадан бошқа солиқлар ҳамда йиғимларни чегирилиши орқали аниқланган фойда.
<b>Рентабеллик</b>	<b>Рентабельность</b>	<b>Breakeven</b>	жами ижтимоий ишлаб чиқариш ва ҳар бир корхонанинг иқтисодий ҳамда молиявий самарадорлигини ифодоловчи кўрсаткич.
<b>Балансинг ликвидлиги</b>	<b>Ликвидность баланса</b>	<b>Balance-sheet solvency</b>	балансдаги ликвид бўлган маблағларнинг мажбуриятларни қоплаш даражаси тушунилади.
<b>Активларнинг ликвидлиги</b>	<b>Ликвидность активов</b>	<b>Assets liquidity</b>	баланс ликвидлигини акси бўлиб, вақт бўйича активларни пул маблағларига айланиши тушунилади.
<b>Жорий ликвидлик</b>	<b>Коэффициент текущей</b>	<b>Current ratio</b>	у айланма активларга қўйилган молиявий ресурсларнинг неча сўми



<b>коэффициенти</b>	<b>ликвидности</b>		жорий мажбуриятлар бир сўмига тўғри келишини ифодалайди. У жорий активларни жорий мажбуриятларга нисбати тариқасида аниқланади.
<b>Муддатли ликвидлик коэффициенти</b>	<b>Коэффициент критической оценки</b>	<b>Quick ratio</b>	у пул маблағлари, соф дебиторлик қарзлари суммасини жорий мажбуриятларга бўлиш орқали аниқланади.
<b>Мутлак ликвидлик коэффициенти</b>	<b>Коэффициент ликвидности по денежному потоку</b>	<b>Cash flow liquidity ratio</b>	у пул маблағларининг жорий мажбуриятларига нисбати сифатида аниқланади.
<b>Дебитор қарзлари</b>	<b>Дебиторская задолженность</b>	<b>Accounts receivable</b>	айнан таҳлил қилинаётган корхона айланма маблағларининг бир қисми бошқа корхоналар айланмасида қатнашиши тушунилади.
<b>Кредитор қарзлари</b>	<b>Кредиторская задолженность</b>	<b>Accounts payable</b>	ўзга корхоналарнинг айланма маблағларининг бир қисми айна таҳлил қилинаётган корхона айланмасида қатнашиши тушунилади.
<b>Асосий воситалар</b>	<b>Основные средства</b>	<b>Fixed assets</b>	Корхона томонидан узок муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар
<b>Амортизация</b>	<b>Амортизация</b>	<b>Depreciation</b>	фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймати фодаси
<b>Бошланғич қиймат</b>	<b>Первоначальная стоимость</b>	<b>Initial cost</b>	Тўланган ва қопланмайдиган солиқларни (йиғимларни), шунинг декактив ниундан мўлжал бўйича фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича ҳақиқатда қилинган

			харажатларнинг қиймати;
<b>Жорийқиймат</b>	<b>Текущая стоимость</b>	<b>Present value</b>	Маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма;
<b>Қолдиқ (баланс) қиймат</b>	<b>Остаточная стоимость</b>	<b>Depreciated cost</b>	Жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати;
<b>Тугатишқиймати</b>	<b>Стоимость ликвидации</b>	<b>Liquidation costs</b>	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг фарз қилинаётган суммаси.
<b>Жорийтаъмирлаш</b>	<b>Текущий ремонт</b>	<b>Current repairs</b>	Асосий воситалар объектини ошириладиган таъмирлашдир.
<b>Капиталтаъмирлаш</b>	<b>Капитальный ремонт</b>	<b>Complete overhaul</b>	Агрегатни тўлиқ ажратиб йиғиш амалга ошириладиган таъмирлашдир, базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган деталлар ва узелларни алмаштириш ёки тиклаш ҳамда агрегатни йиғиш, созлаш ва синаб кўришдир. Бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш – базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган конструкцияларнинг деталлари ва узелларини алмаштириш ёки тиклаш амалга ошириладиган таъмирлашдир.
<b>Иккиламчи ижара</b>	<b>Вторичная аренда</b>	<b>Sublease</b>	(иккиламчи лизинг) ижарачи (лизингга олувчи) ижарага берувчи (лизингга берувчи) нинг розилиги билан, ижарага берувчи (лизингга берувчи) нинг олдида ижара (лизинг) шартномаси юзасидан жавобгарликни сақлаган ҳолда ижарага олинган мулкни (лизинг объектини) бошқа шахсга иккиламчи ижара (иккиламчи лизинг) га топширадиган шартнома муносабати.

<b>Дисконтлаш</b>	<b>Дисконтировать</b>	<b>Discount</b>	Келажакда аниқ бир вақтда олинishi кутилаётган пул маблағларининг жорий эквивалентини аниқлаш.
<b>Номоддий активлар</b>	<b>Нематериальный актив</b>	<b>Intangible asset</b>	Корхона томонидан улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узок муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари.
<b>Аудитор</b>	<b>Аудитор</b>	<b>Auditor</b>	аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахсдир. Аудитор меҳнат шартномаси бўйича ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича фақат битта аудиторлик ташкилоти билан ишлаши мумкин.
<b>Аудиторнинг ёрдамчиси</b>	<b>Ассистент аудитора</b>	<b>Auditor assistant</b>	аудитор малака сертификатига эга бўлмаган ва аудиторлик ҳисоботида, аудиторлик хулосасида аудиторнинг эксперт хулосасида ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа расмий ҳужжатда имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлмаган тарзда аудиторнинг топшириғига биноан аудиторлик текширувида иштирок этаётган жисмоний шахсдир.
<b>Аудиторлик фаолияти</b>	<b>Аудиторская деятельность</b>	<b>Auditing</b>	аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.
<b>Аудиторлик текшируви</b>	<b>Аудиторская проверка</b>	<b>Complete audit</b>	молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва конун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир.

---

**ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ  
САЙТЛАР**

---

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

### Электрон журналлар

1. of Business Forecasting and Economics Intelligence. [www.inderscience.com](http://www.inderscience.com)
2. International Journal. [fin-izdat.ru/journal/rubriks.php?id=74&SHOWALL\\_1=1](http://fin-izdat.ru/journal/rubriks.php?id=74&SHOWALL_1=1)
3. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. Ilmiy-elektron jurnal. [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
4. Ekonomicheskoye obozreniye. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)
5. Journal of Auditing, Accounting [www.ama.org](http://www.ama.org)
6. Journal of International Auditing, Accounting and Taxation. [www.ama.org](http://www.ama.org)
7. Journal of International Auditing. [www.ama.org](http://www.ama.org)

### Интернет сайтлар

- [1. www.gov.uz.](http://www.gov.uz)
- [2. www.pravo.eastink.uz.](http://www.pravo.eastink.uz)
- [3. www.mf.uz.](http://www.mf.uz)
- [4. www.naaba.uz .](http://www.naaba.uz)
- [5. www.cer.uz.](http://www.cer.uz)
- [6. www www.msu.ru.](http://www.msu.ru)
- [7. www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
- [8. www.economics.ru.](http://www.economics.ru)
- [9. www.finanaliz.kiev.ua.](http://www.finanaliz.kiev.ua)
- [10. www.stat.uz](http://www.stat.uz)

**О.Райимбердиева**

**Иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Фани бўйича ўқув-услубий мажмуа**

*Маъруза машгулотига учун*

**Гулистон: ГулДУ 2018 йил,    бет.**